

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГ'БЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ  
ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ  
ГЕОГРАФИЯСИ

Тошкент – 2003

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ  
ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ  
ГЕОГРАФИЯСИ**

Ўқув қўлланма

Тошкент – 2003

Мазкур ўкув қўлланмада Марказий Осиё давлатларининг табиий шароити ва бойликлари, аҳолиси ва меҳнат ресурслари саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, ташки иқтисодий алоқалари географик жиҳатдан ўрганилган. Ҳар бир боб бўлимлар режани тузиш, умумий тушунча ва таърифларни ёритишдан бошланиб мустақил ишлаш учун саволларни қайд этиш билан тугайди.

Ўкув қўлланма география ва минтақивий иқтисодиёт йўналишидаги талаба, магистр ҳамда аспирантларга мўлжалланган.

Муаллиф: **к.ўқ. БОЛТАЕВ М.Ж.**

Масъул муҳаррир: **доц. МАҲАМАДАЛИЕВ Р.Й.**

Такризчилар: **доц. АБДАЛОВА З.Т. (ТМИ)  
доц. НАЗАРОВ М.И. (ЎзМУ)**

## КИРИШ

Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва Мурғоб дарёлари во-  
дийларида бизнинг асримизгача бир қанча қадимги буюк дав-  
латлар бўлган. (Бақтрия, Маргиёна, Хоразм, Сўғдиёна ва  
бошқалар). XVI аср бошларигача марказий Осиёдан Европа ва  
Осиёни туташтириб турувчи Буюк Ипак Йўли ўтган эди. Кейин-  
чалик денгиз йўлларининг очилиши билан Марказий Осиёдан  
ўтган Буюк Ипак Йўли инқирозга юз тутди. Бу эса ўз навбатида  
Марказий Осиё давлатларини ташки бозордан узиб қўйди. XIX  
аср ўрталарига келиб Марказий Осиёning бой табиий ресурс-  
лари чет эл капиталистларини ўзига жалб қилди. Натижада  
Марказий Осиёни Россия ўз таркибига қўшиб олди ва ўзининг  
хом ашё базасига айлантириди. Хом ашёни олиб кетиш мақса-  
диди Закаспий, Тошкент-Оренбург темир йўллари қурилди.  
Марказий Осиёдан асосан пахта толаси, қора кўл ва пилла  
олиб кетилар эди.

Октябр инқилоби натижасида 1918 йили Марказий Осиёда  
Туркистон Автаном Республикаси ташкил топди. 1924-25 йил-  
пардаги миллый бўлинешлар натижасида Ўзбекистон, Туркма-  
нистон иттифоқдош республикалари, Тожикистон, Қирғизистон  
автаном республикалари ташкил этилди. Тожикистон 1929 йил  
Қирғизистон ва Қозогистон эса 1936 йили иттифоқдош респуб-  
лика мақомини олди ва собиқ иттифоқ таркибига кирилди.  
Қорақалпогистон Республикаси 1936 йилгача Россия таркибида  
бўлган эди. 1936 йилдан бошлаб Ўзбекистон таркибига қўшил-  
ди. 1991 йил собиқ иттифоқнинг парчаланиши натижасида бу  
республикалар мустақил суверенитет республикаларга ажра-  
либ кетди.

Марказий Осиё Республикаларига Қозогистон ва Ўрта  
Осиё республикаларидан-Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон  
ҳамда Қирғизистон республикалари киради. Уларнинг худу-  
ди 3994,4 минг км.кв. (МДҲнинг 18 фоизи), аҳолиси 55,6 млн.  
киши (МДҲнинг 20 фоиз аҳолиси) ни ташкил этади.

## I-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИГА ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ТАЪРИФ

- Режа:
1. Табиий шароити ва бойликлари.
  2. Аҳолиси ва уларнинг жойлашуви.
  3. Ҳўжалиги.

### ТАБИИЙ ШАРОИТИ ВА БОЙЛИКЛАРИ

Марказий Осиё давлатлари худуди табиати нухоятда хил маҳил бўлиб текислик, тоғлик, чўл ва чала чўл ландшафтларидан иборат. Минтақада Помир, Олой, Тян-Шан каби тизмалар жойлашган. Бу тоғларда МДҲ давлатларининг Исмоил Сомоний, Ғалаба, Хонтангри каби баландлиги 7000 м дан ортадиган чўққилари кўп. Шунингдек Марказий Осиёда паст текисликлар ва ботиқлар ҳам кўпdir. Марказий Осиёнинг энг паст чўкмаси Қорагиё (Ботир) бўлиб, у дengiz satxidan -132 m пастда жойлашган.

Тоғликларда катта музликлар ҳам учрайди. Айниқса Федченко ва Инельчек музликлари алоҳида аҳамиятга эга. Тоғлардаги музликлардан кўплаб дарёлар бошланади.

Минтақанинг тоғли ва тоғ олди зоналари ўзининг сейсмик активлиги билан ажralиб туради (Андижон зилзиласи 1902 й, Ашхобод-1948, Тошкент 1968 ва бошқалар).

Марказий Осиёнинг ғарбий қисмида ва шимолида Каспий бўйи ва Турон паст текислиги жойлашган бўлиб, унинг катта қисми Қоракум ва Қизилқум чўллари билан банд. Минтақа иклими кескин континентал, совуксиз кунлар 200-240 кунга тўғри келади. Вегетация даврининг узоқлиги ҳамда ҳаво температурасининг юқорилиги жанубда ингичка толали пахта, шимолда эса эрта пишар пахта етиширишга имкон беради. Пахтачилик Марказий Осиё халқларининг қадимги деҳқончиликларидан ҳисобланади.

Ёгин миқдори чўлларда 50 мм дан тоғ олдида 300-400 мм га етади. Айрим жойларда эса 700-800 мм ни ташкил этади. Минтақа дарёлари асосан кам сувли бўлиб, берк ҳавзага киради. Суғоришка ишлатиладиган дарёлари Амударё, Сирдарё, Тажик, Мурғоб, Чуй ва бошқалардир. Суғориладиган ерлар шу дарёлар водийлари ҳисобланади. Ўлканинг катта текислик

қисмida оқар сувлар етишмайды. 1990 билан биргә миңтақа гидроэнергетика ресурслариға бой. МДХ давлатлари орасыда гидроэнергетика ресурслари бүйича Россиядан сұнг иккинчи үринде турады. Айниқса Тожикистан ва Қирғизистон Республикалари етакчи үринде турады.

Марказий Осиё тоғлари ва текисликларининг геологик тузылиши анча мураккаб бўлиб, бу ерларда кўплаб рудали ва рудасиз фойдали қазилмалар бор. Нефт конлари асосан Каспий бўйи паст текислигига, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё водийларида, Тожикистоннинг тоғ оралиги ботиқларида кўплаб топилган. Асосий конлари Туркманистоннинг гарбий қисмida (Челекен, Қумдоғ, Окарем), Қозогистонда (Жетибой, Янги Узен, Узен), Ўзбекистонда (Қоровулбозор, Кўқдумалоқ) жойлашган. Қирғизистон ва Тожикистон республикаларидағи нефть конлари заҳиралари нисбатан кам. Газ конлари Туркманистонда, Ўзбекистонда ва Қозогистонда кўп. Туркманистоннинг деярли барча вилоятларида (Тошовуздан ташқари) газ конлари топилган. Қозогистонда кўпроқ Каспий бўйида, Ўзбекистонда Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудида йирик газ конлари жойлашган. Туркманистон газ қазиб чиқариш бўйича МДХ давлатлари орасыда Россиядан кейин иккинчи үринде туради.

Кўмир Қозогистон, Ўзбекистон, Қирғизистон Республикалари ҳудудларида топилган. Айниқса Қозогистондаги Қарағанда, Экибастуз, Тўргай кўмир ҳавзалари энг йириклиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон ҳудудидаги Ангрен кўмир кони, Қирғизистондаги Тошкўмир, Кўк ёнғоқ конлари ҳам муҳим аҳамиятта эгадир.

Бундан ташқари миңтақа ҳудудида рангли металлар ҳам кўплаб топилган. Қозогистон рангли металл рудалари бўйича алоҳида үринде туради. Йирик мис конлари Жезқазган, Қўнғирот, Бўзшакал ва бошқалардир. Полиметалл рудалари Олтойда, Кустанайда алюминий хом ашёлари топилган.

Ўзбекистонда мис конлари Олмалиқда, олтин конлари Қизилқұмда, вольфрам, молибден Олмалиқда топилган. Симоб, сурма қазиб чиқариш бўйича Қирғизистон олдинги үринларда туради.

Қора металлар Марказий Осиёда асосан Қоғозистоннинг шимоли-гарбида Муғожар тоғларида топилган. Қозогистон тे-

мир рудаси бўйича МДҲ давлатлари орасида Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради.

Минтақа кимёвий хом ашёларга ҳам бой. Қозогистоннинг Жамбул ва Қоратовида, Ўзбекистонда -Қизилкумда ирик фосфорит конлари топилган. Туркманистон ва Қозогистоннинг Каслий бўйи паст текисликларида, Орол бўйида ирик минерал тузлари конлари топилган.

Марказий Осиё давлатлари рекреацион ресурсларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Бу ерда кўплаб қадимги архитектура ёдгорликлари сақланиб қолган. Булар ўз навбатида сайёхлик ишларини ривожлантириши талаб этади. Ҳозирги пайтда тоғ ёнбагирларида, дарё, кўл ва денгиз бўйларида кўплаб дам олиш масканлари ишлаб турибди.

## АҲОЛИСИ

Марказий Осиё давлатларида 56 млн.дан ортиқ аҳоли истиқомат қиласи (МДҲ аҳолисининг 20 фоиз). Аҳоли зичлиги ўртача  $1 \text{ км}^2$ га 14,0 кишини ташкил этади. Аҳолининг зичлиги худудлар бўйича жуда хилма-хил бўлиб, чўл ва тоғли минтақаларда  $1 \text{ км}^2$ га икки кишидан, дарё водийларида 300-400 кишига тўғри келади. Бу кўрсаткич мамлакатлар бўйича ҳам бир-биридан фарқ қиласи: Ўзбекистонда  $1 \text{ км}^2$ га 56 киши, Тожикистонда 43,3 киши, Қирғизистонда 23,6 киши бўлгани ҳолда Туркманистонда 9,2 киши, Қозогистонда эса 5,6 киши тўғри келади.

Марказий Осиёдаги аҳоли энг зич яшайдиган вилоят Андижон бўлиб, бу ерда  $1 \text{ км}^2$ га 516 кишидан тўғри келади. Марказий Осиё аҳолиси тоғ олди, тоғ оралиги ботиқларида водий типида жойлашган бўлса, текисликларда лентасимон жойлашган (асосан аҳоли манзилгоҳлари дарё бўйларида ва алоқа йўллари бўйлаб чўзилган), тоғли ва чўл районларида (минтақаларда) эса нуқтасимон жойлашганлиги билан ажралиб туради. Тоғли районларга айниқса қишида бориш қийин бўлади.

Минтақада 120 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилишади. Булардан кўпчиликни туб жой (маҳаллий) миллатлар: ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар ва қорақалпоқлар ташкил этади. Улар жами аҳолининг 80 фоизидан ортади. Бундан ташқари бошқа миллатлар-руслар, украинлар, еврейлар, татарлар, уйғурлар, корейслар, дунганлар ва бошқалар яшайди.

Марказий Осиё аҳолиси тез суръатлар билан ортиб бормоқда. Минтақадаги табиий ўсиш МДҲга аъзо давлатлардан анча юқори. Айниқса Ўзбекистон ва Тожикистонда табиий ўсиш кўпчиликни ташкил этади.

Ўзбекистонда туғилиш ҳар минг киши ҳисобига 26 та, ўлим эса 6 тага, Тожикистонда 25 ва 6 тага тўғри келади. Табиий ўсиши энг пасти эса Қозогистон Республикаси бўлиб, туғилиш 15, ўлим эса 10 кишига тўғри келади. Туркманистон ва Қирғизистонда эса деярли бир хил туғилиш 22, ўлим эса 7 кишини ташкил этади.

Марказий Осиё давлатларида урбанизация даражаси МДҲ давлатларига нисбатан паст бўлиб, жами аҳолисининг 43 фоизи шаҳарларда яшайди. Минтақадаги энг урбанизациялашган давлат Қозогистондир. Бу ерда жами аҳолисининг 56 фоизи шаҳарларда яшайди. Бу кўрсаткич Туркманистонда 45 фоизни, Ўзбекистонда 39 фоизни, Қирғизистонда 38 фоизни ташкил этгани ҳолда Тожикистонда эса 33 фоизга тўғри келади.

Марказий Осиёдаги кўп шаҳарлар асосан аҳолиси 50 минг кишигача бўлган шаҳарлар ҳисобланади. Энг йирик шаҳарлари Тошкент, Алма-Ата, Бишкек, Душанбе, Ашгабат, Қарағанда, Наманган, Самарқанд, Чимкент, Андижон, Хўжанд, Бухоро ва бошқалардир. Шаҳарлар аҳолиси асосан миграция ҳисобига, яъни қишлоқлардан шаҳарларга кўчиб келиши ҳисобига ортиб бормоқда. Бундан ташқари янги ерларнинг ўзлаштирилиши на-тижасида, табиий ресурслар топилиб ишга туширилиши на-тижасида ҳам (Янгиер, Мойлисой, Феруза ва ҳоказо) янги шаҳарлар барпо этилган.

Минтақада шаҳарлар агломерациялари ҳам ташкил топган. Энг йирик агломерацияларга Тошкент, Душанбе, Бишкек, Қарағанда, Фарғона-Марғилон ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Сўнгти йилларда Қарағанда агломерацияси тез ривожла-ниб бормоқда.

Марказий Осиё давлатлари меҳнат ресурслари билан етарли таъминланган. Айниқса бу кўрсаткич Ўзбекистон ва Тожикистонда юқори ҳисобланади. Минтақа аҳолисининг бандлик даражаси бир-бирига ўхшаш. Деярли барча республикаларда аҳолисининг ярмига яқини қишлоқ хўжалигида

(Қозогистондан ташқари), 20 фоиздан ортиқроғи саноатда, 33 фоизи эса хизмат кўрсатиш соҳаларида бандир.

## ХҮЖАЛИГИ

Марказий Осиё давлатлари халқ хўжалиги оғир саноат, озиқ-овқат ва енгил саноат билан биргаликда ривожланган қишлоқ хўжалиги мажмуасидан иборат.

Минтақа МДҲ давлатлари орасида хом ашё етиштиришга ихтисослашганлиги билан ажралиб туради. 80-йилларнинг бошларида собиқ Иттифоқнинг 5 фоиз саноат маҳсулотини, 16 фоиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етказиб берилган.

Ҳозирги кунда ҳам МДҲ давлатларида етиштириладиган пахтанинг 95 фоизи Марказий Осиё давлатларига тўғри келади. Бундан ташқари буғдой, шоли, маккажӯҳори каби экинлар ҳам кўп етиштирилади. Шунингдек кўплаб микдорда рангли металлар: сурма, мис (1998 йили Қозогистонда 324,8 минг тонна ёки жаҳоннинг 5,6 фоиз миси қазиб чиқарилган. МДҲда Россиядан кейин иккинчи ўрин), кўплаб микдорда нефт, газ, кўмир қазиб чиқарилади.

### 1-жадвал

#### Айрим МДҲ давлатларида нефт ва газ қазиб чиқариш

Давлатлар	Нефть млн.т.		Газ млрд.м <sup>3</sup>	
	1990й	1995й	1990й	1995й
Қозогистон	25,8	20,5	6,6	5,9
Россия	516	307	597	595
Туркменистан	5,7	4,7	81,8	32,3
Ўзбекистон	2,8	7,8	38	47,5
Украина	5,3	4	26,2	18,8
Жами	555,6	344	749,6	698,8
Ўзбекистон % ҳисобида	0,5	2,3	5,1	6,8

Жадвалдан кўриниб турибдики 1990 йилга нисбатан 1995 йилга келиб МДҲ давлатларида нефт ва газ қазиб чиқариш нисбатан камайган. Россияда 1990 йили 516 млн т. нефт, 597 млрд м<sup>3</sup> газ қазиб чиқарилган. Ўзбекистон Республикасида эса аксинча мустақиллик йилларида нефт ва газ қазиб чиқариш ортган. Масалан: 1990 йили 2,8 млн т. нефт, 38 млрд м<sup>3</sup> газ қазиб чиқарилаган бўлса мустақилликка эришилгандан сўнг (1995). 7,8 млн т. нефт ва 47,5 млрд м<sup>3</sup> газ қазиб

чиқарилғанлигини жадвалдан күришимиз мүмкін. Бунинг ассоциатив сабаби Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида йирик нефт конлари толилиб ишга туширилғанлигидир.

## 2-жадвал МДХ давлатларидаги нефтни қайта ишлаш заводлари

Давлатлардаги заводлар	Куввати борр.кун	Хом ашё	Манба	Ташиб келтириш	
Қозғистон Чимкент	160,000	Нефт конденсат	Тюмень, Туркманистан	Трубапровод, темирийүл	Ишлайди
Павлодр	162,666	Нефт	Ўзбекистон Тюмен, Атұрау	Трубапровод	Ишлайди
Атұрау	104,000		Қозғистон	Трубапровод	Ишлайди
Ўзбекистон Фарғона	156,204	Нефт конденсат	Фарғона	Трубапровод	Ишлайди
Бухоро	51,383	Конденсат	Бухоро Бухоро	темирийүл Трубапровод	Ишлайди
Туркманистан Чорджой	120,493	Нефт конденсат	Тюмен-Чимкент, Бухоро орқали	Трубапровод,	Ишлайди
Красноводск	88,000	Нефт	Озарбажон, Туркманистан	темирийүл Трубапровод ва танкер	Ишлайди
Қирғизистон Кант	7,500	Конденсат	Ўзбекистон ва Тюмен области		Ишлайди
Орловка	1,500	конденсат	Ўзбекистон		Ишлайди
Кирғайл/ КРС	10,000	Нефт конденсат	Фарғона водийси ва Қирғизистон		Ишлайди

Манба: Ўзбекистон нефтни қайта ишлаш акционерлик компанияси маълумотлари.т (Т.2001).

Жадвалдан кўриниб турибдики Марказий Осиёдаги энг йирик нефтни қайта ишлаш заводлари Қозғистоннинг Павлодар ва Чимкент, Ўзбекистоннинг Фарғона заводларидир. Бу заводларда бир кунда 156,204 баррелдан 162,666 баррелгача нефт қайта ишланади. Тозаланган нефт маҳсулотлари истеъмолчи парга темир йўл ва қувур транспортлари орқали етказилиб берилади. Бир қисми эса ҳорижий мамлакатларга экспорт қилинади. Энг кичик нефтни қайта ишлаш заводлари Қирғизистонда жойлашган бўлиб 1,500 баррелдан 10,000 баррелгача нефт қайта ишланади.

Кўмир қазиб чиқариш бўйича Қозғистон Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради (Россияда 232 млн.т, Украинада 77 млн.т, Қозғистонда эса 70 млн.т).

Олтин қазиб чиқариш бўйича Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида Россиядан кейин 2-ўринда, дунёда эса 8-ўринда турди (Дунёда энг кўп ЖАРда 620 т атрофида, Россияда 150 т, Ўзбекистонда 75 т ).

Марказий Осиё давлатлари орасида Қозогистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланганлиги билан ажралиб турди. Миллий даромад аҳоли жон бошига ҳисоблагандан бошқа давлатларга нисбатан анча юқори 1999 йилда Қозогистонда 4790\$, (Ўзбекистонда 2230\$, Тожикистонда 350\$). Марказий Осиёда энг урбанизация даражаси юқори давлат ҳам Қозогистон бўлиб, аҳолисининг 56 %и шаҳарларда истиқомат қиласди.

Марказий Осиё давлатлари орасида Тожикистон Республикаси хўжалигининг кам ривожланганлиги билан ажралиб турди. Республика ҳудудининг катта қисми тоғлардан иборат бўлганлиги сабабли, ҳамда мамлакатдаги носоғлом вазиятлар ҳозирги кунда иқтисодиётининг ривожланишига салбий таъсир этмоқда. Умуман олганда бу кўрсаткичлар Тожикистон Республикасида нисбатан паст.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Минтақа халқ хўжалигини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги мухим аҳамиятта згадир. Бу ерда етакчи тармоқлар дехқончиликда-пахтачилик, дончилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш бўлса, чорвачиликда - кўйчилик, қорамолчилик, туячилик, йилқичилик, паррандачилик яхши ривожланган. Кейинги пайтларда балиқчилик, асаларичилик ва даррандачилик ҳам ривожланиб бормоқда.

Марказий Осиё давлатларида вегетация давридаги температуралар йигиндиси бутун минтақада буғдой, маккажӯхори етиштиришга, жанубий минтақаларда эса қанд лавлаги, тамаки, пахта, шоли, узум етиштиришга имкон беради. Қозогистоннинг шимолий қисмида иқлим ва тупроқ анча яхши бўлиб, у ерда суғормасдан дехқончилик қилинса, марказий қисмлари эса чўллардан иборат бўлганлиги сабабли чорвачиликда фойдаланиш имконини беради. Минтақанинг жанубий қисмларида суғориб дехқончилик қилинади. Қишлоқ хўжалигида айrim реонал фарқлар ҳам бўлиб, булар натижасида Ўзбекистон пахтачилик ва дон етиштиришга, Қозогистон дон ва чорвачиликка, Туркманистон пахта ва чорвачиликка, Тожикистон пахта ва

бөгөрчилликтек, Қирғизистон эса майин жунли қўйчиликка ихтинослашган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг асосий пахтасини етказиб берса, Тоҷикистон ингичка толали пахтанинг 50 фоизини беради. Пахта билан алмашлаб беда, маккажӯҳори экиласиди.

Баҳорикор ерларда буғдой, арпа етиштирилади, булар ҳатто баланд тоғларда ҳам экиласиди. Шунингдек, Марказий Осиё давлатларида қоракўл териси (Қозогистон, Ўзбекистон, Туркманистон) ва пилла (Ўзбекистон, Тоҷикистон) етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган.

### 3-Жадвал

#### **Марказий Осиё давлатларида асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш**

Мамлакатлар	Дон етиштириш (млн. тонна ҳисобида)		Картошка (млн.тонна ҳисобида)		Гўшт, минг тонна		Сут, минг тонна	
	1990	1995	1990	1995	1990	1995	1990	1995
Қозогистон	28,5	9,5	2,3	1,7	1560	876	5642	4384
Қирғизистон	1,5	1,0	0,4	0,4	254	177	1185	864
Ўзбекистон	1,9	3,2	0,34	0,5	484	519	3034	3686
Тоҷикистон	0,3	0,2	0,2	0,1	108	56	575	449
Туркманистон	0,4	1,0	0,1	0,01	104	82	436	666

Жадвал "Экономика Узбекистана и стран СНГ" (сравнительный обзор) маълумотлари асосида тузилди.

Жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатади, 1990-1995 йиллар мобайнида Ўзбекистонда дон етиштириш хажми 168 фоизни ташкил этган бўлса, қўшни республикаларда учибу кўрсаткич кескин камайганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, дон етиштиришга ихтисослашган Қозогистон республикасида юқоридаги давр оралиғида ўсиш суръати 33,3 фоизга, Қирғизистон ва Тоҷикистонда 66,6 фоизга тушиб қолган. Туркманистонда эса аксинча, бироз ўсиш кўзга ташланади. Шунничгдек, марказий Осиё республикаларида картошка ва гўшт етиштиришда ҳам камайиш кузатилади. Сут етиштиришда эса Ўзбекистон ва Туркманистон республикасида бироз ортганлигини кўриш мумкин.

## ТРАНСПОРТ

Транспорт моддий ишлаб чиқарышнинг энг муҳим соҳаларидан биридир. Унинг вазифаси ишлаб чиқариш воситалари ва одамларни ташиш ҳамда тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб беришдир. Ижтимоий ишлаб чиқарышнинг самарадорлигини ошириш бутун транспортнинг ва унинг айрим қисмларини ривожланиш даражасига, транспорт воситаларидан оқилона фойдаланишга боғлиқдир.

Марказий Осиё давлатлари хўжалигини ривожлантиришда транспорт катта аҳамиятга эга. Айниқса, ҳудуди катта бўлган Қозогистонда темир йўл транспорти яхши ривожланган. Деярли барча республикалар бир-бири билан темир йўллар орақли алоқа қилишади. Кўнгирот-Бейнев-Макат темир йўлининг қурилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Жами ташиладиган юкларнинг 80%и темир йўл транспортига тўғри келади. Янги қурилган Серахс-Машҳад темир йўли хорижий давлатлар билан алоқани яхшилашга имкон беради.

Мамлакатлар ичида юк ташишда автомобил транспорти катта аҳамиятга эгадир. Йирик автомобил магистралларидан: Тошкент-Чимкент-Жамбул-Бишкек-Алма-Ата, Катта Ўзбекистон тракти (Тошкент-Самарқанд-Термиз) ва Термиз-Душанбе автомобил йўллариридир. Бишкек-Ўш автомобил йўли Шимолий Қирғизистонни Фарғона водийси билан боғлаган бўлса, Ўш-Хорог автомобил йўли Помир билан боғланган.

Кейинги пайтда Марказий Осиё ҳудудидан ўтказилаётган Шанхай-Амстердам (Осиё-Европа) автострадаси катта аҳамият касб этади.

Марказий Осиё давлатларида ҳаво транспорти ҳам яхши ривожланган. Барча пойтахт ва йирик шаҳарлар кўплаб хорижий мамлакатлар билан ҳаво йўллари орқали боғланган.

Ҳозирги кунга келиб қувур транспортининг аҳамияти ортиб бормоқда. Кўплаб нефт ва газ қувурлари тортилган. Масалан: Небитдоғ-Красноводск (Туркманбоши), Жарқоқ -Бухоро-Самарқанд-Тошкент, Муборак-Тошкент-Чимкент-Жамбул-Бишкек-Алма-Ата, Байрам-али-Ашгабат-Безмеин ва бошқалар.

Марказий Осиё давлатларида сув транспорти яхши ривожланмаган. Дарё транспорти асосан Амударё ва қисман Сирдарёда йўлга қўйилган. Шунингдек Қозогистонда Иртиш да-

рёсида кема қатнови йўлга қўйилган бўлиб, бу ердан Хитой, Қозогистон, Россия давлатлари юк ташишда фойдаланишади.

Денгиз транспорти Каспий денгизида ривожланган. Айниқса Туркманистон ва Қозогистон Республикалари Каспий денгизидан унумли фойдаланишмоқда. Марказий Осиё давлатларининг ташки иқтисодий алоқаларида Каспий денгизи ўзига хос аҳамиятга эгадир.

**Саволлар:**

1. Марказий Осиё давлатлари географик ўрнининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
2. Минтақадаги қандай нефт-газ провинциялари жойлашган?
3. Аҳоли жойлашишининг қандай типларини биласиз?
4. Марказий Осиё давлатларида қайси транспорт тури устуворроқ ривожланган?

## II БОБ. ТУРКМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### УМУМИЙ ТАЪРИФИ

**Режа:**

1. Табиий шароити ва табиий бойликлари.
2. Аҳолиси, жинсий, миллий ва ёш таркиби.
3. Ҳўжалиги: саноати, қишлоқ ҳўжалиги ва транспорти.
4. Ички тафоввутлари.\*

Туркманистон Марказий Осиё давлатларининг жанубий гарбий қисмида, Каспий денгизи ва Амударё орасида жойлашган. Унинг майдони 488,1 минг км кв бўлиб Марказий Осиё давлатларининг 12,2 фоизини ташкил этади. МДХ давлатлари орасида худудига кура тўртинчи (Россия, Қозогистон, Украинадан сўнг )ўринда туради. Марказий Осиёда эса иккинчи (Қозогистондан кейин )ўринда туради. Аҳолиси 4,5 млн. киши. Пойтахти Ашхобод шахри. Аҳоли зичлиги 1 км<sup>2</sup>га 9,2 киши тўғри келади. (Марказий Осиё аҳолисининг 8,1 фоизи яшайди). Республика шимолда Қозогистон Шимоли Шарқдан Ўзбекистон, Жанубда Афғонистон ва Эрон билан чегарадош. Гарбий қисмида Каспий денгизи жойлашган. Туркманистон МДХ давлатларининг энг чекка жанубий чегарасига эга(Чил-Духтарон ).

Республика индустрал-аграр мамлакат бўлиб иқтисодиётининг асосини саноат ташкил этади. Халқаро меҳнат тақсимотида нефт-газ қазиб чиқариш, ҳамда пахта етиштириш билан иштирок этади. Туркманистон четга кўпроқ нефт ва нефт маҳсулотлари, натрий-сульфат, электроэнергия, цемент ҳом ашёси, пахта ёғи, полиз экинлари, қоракўл териси экспорт қиласиди. Бундан ташқари Туркманистондан нефт саноати учун машина ва ускуналар ҳам четга сотилади.

### ТАБИИЙ ШАРОИТИ ВА БОЙЛИКЛАРИ

Туркманистоннинг табиий шароити ва ер усти тузилиши жуда хилма –хилдир. Бу ернинг рельефида паст текисликлар, чўқмалар, йирик чўплар, тоф оралиги ботиклари, баландлиги 3 минг метрга етадиган тоғлар учрайди. Худудининг 80 фоизини

Қоракум чүллари эгаллаган бўлиб, Чўл шимолдан жанубга 450 км га Ғарбдан шарқقا эса 880 км масофага чўзилган. Тоғли минтақалар эса Республиканинг жанубий ва жанубий шарқий қисмларида жойлашган бўлиб, 8 фоизга яқин худудини эгаллади, (Туркман-Хурросон тоғ системаси).

Тоғ оралиги ботиқлари, тоғ олди, дарё өводийлари, воҳалар эса республика худудининг 12 фоизини ташкил этади. Бундан кўриниб турибдикি республиканинг катта ҳудуди текисликлардан иборат бўлиб, шарқдан ғарбга(Каспий бўйи) томон пасайиб боради. Текисликнинг катта қисми дengiz сатҳидан 0-200 метр гача бўлиб, Каспий бўйи паст текислиги ва Сарикъамиш кўли дengiz сатҳидан пастда жойлашган. Энг паст нуқтаси Оқжаксой бўлиб-81 м ни ташкил этади.

Республиканинг иқлими континентал қуруқ иқлиmdir. Қиши илиқ, ёзи иссиқ ва қуруқ бўлади. Иқлимининг иссиқлиги субтропик эквилар етиштриш имконини беради. Ёғин миқдорининг камлиги тоғларда кам қор тушишига олиб келади. Шу сабабли дарёлари кичик ва кам сувлидир. Туркманистон худудининг 80 фоизида доимий оқар сувлар йўқ. Дарёлар асосан жанубий ва шарқий районлардагина мавжуд. Энг иирик дарёси Амударё бўлиб, у республиканинг шарқий қисмидан оқиб ўтади. Кичик дарёлардан Мурғоб, Тажан, Атрек ва бошқалар бор. Мурғоб ё́з Тажан дарёлари суви тўлиғича сугоришга сарф бўлади. Атрек дарёси эса ўз сувини Каспий дengизига қуяди. Яйлов чорвачилигига ер ости сувлари катта аҳамиятга эга. Кўлларининг аксарияти шўр кўллардир.

Республика иқтисодиёти ривожланишига Қора қум канали катта таъсир кўрсатган.

Туркманистон республикасининг минерал хом-ашёларга бойлиги хўжалигини комплекс ривожлантиришга имкон беради. Республика худудидан табиий газ, нефт, озокерит, охактош, гипс, гранит, миробилит (глаубер тузи), гишт ва цемент хом ашёлари каби турли фойдали қазипмалар топилган.

Республика айниқса ёқилғи энергетика ресурсларига бой. Мамлакат газ қазиб чиқариш бўйича МДҲ давлатлари орасида иккинчи ўринда туради (Россиядан кейин). Республикада еттита нефт-газ минтақаси ажратилади: Ғарбий Туркманистон, Марказий Қоракум, Беурде Хива, Чоржўй, Орқаунгуз, Мурғоб, Бадхиз-Қорабел.

Ғарбий Туркманистан нефт-газ минтақаси-Ғарбий Туркманистан паст текислигига жойлашган. Иирик нефт-газ конлари Челекен, Қотуртепа, Небитдоғ, Құмдоғ, Қызыл-құм, Эрдекли, Оқарем, Кеймир ва бошқалар.

Марказий - Қоракүм газ минтақасида - Дарвоза, Зеагли, Коюн, Мидар каби газ конлари жойлашган. Бу минтақада газ қазиб олиш таннархи қиммат бұлғанлиги сабабли түлік фойдаланылмайды.

Беурда-Хива газ минтақасида учта район ажратилади: Ноип, Ғиштили, Беурда. Энг иирик газ конлари Ачак, Наип, Ғиштили, Шимолий ва Жанубий Наип ва бошқалар.

Чоржай газ минтақасидаги энг асосий газ конлари Гугуртли, Шимолий Гугуртли, Сакар, Сомонтепа, Фароб, Наразим кабиларидир.

Мурғоб газ минтақасида эса Шатлик, Даулетобод, Донmez, Байрамали, Келиф, Шаропли, Теджен, Сейроб ва бошқалар.

Бадхиз-Қорабел газ минтақасида Қарабел, Ислим, Карагоп каби газ конлари топилған.

Бундан ташқари республика ҳудудида құмیر конлари ҳам топилған. Улардан асосийлари Туарқир құнғир құмир, Яғмон ва Құхитанг тошқұмир конлари бўлиб, маҳсулотнинг таннархи қиммат бұлғанлиги сабабли құмир қазиб олинмайды.

Республикада темир рудалари кам, фақатгина Құхитанг тоғларида рух ва құрғошин конлари топилған. Шунингдек Ғарбий Копетдоғда ҳам рангли металлар топилған, лекин буларнинг саноатда аҳамияти кам.

Туркманистан республикаси кимёвий хом ашёларга бой. Бу ерда оптингугурт, йод, бром, озокерит, ош тузи, калий тузи, сульфат, натрий, магний тузларининг иирик заҳиралари мавжуд.

Хозирги кунда мамлакатнинг иирик Олтингугурт кони Гоурдог ҳисобланади. Гоурдог олтингугурти Чоржай суперфосфат заводининг асосий хом ашёси ҳисобланади.

Челекен ярим ороли ва Небитдоғда иирик йодобром сувлари топилған. Улар асосида Челекен ва Небитдоғ йодобром заводлари ишга туширилған.

Республиканинг Қора-бўғоз-кол қўлтиғи иирик минерал тузлар маркази ҳисобланади. Бу ердан кўплаб микдорда минерал тузлар қазиб олинади.

Туркманистан қурилиш хом ашёларига бой. Йирик цемент хом ашёлари Бахардин, Катта Болхан, Безмеинда жойлашган. (Безмеин цемент заводи). Шунингдек минтақада кўплаб кварцли кумлар тарқалган. Булар ойна саноатининг асосини ташкил этади.

Республика ер ресурсларига бой. Лекин сув ресурсларининг етишмаслиги улардан фойдаланишини қийинлаштиради. Ер фонди 49 млн.га атрофида бўлиб, шундан 6-7 млн гасида суғориб дехқончилик қилиш мумкин. Ҳозирги кунда эса 1 млн га ер суғорилади холос.

Минтақа рельефи асосан текислик бўлганлиги сабабли саноат корхоналари қурилиши учун қийинчилик туғдирмайди. Чўллардан чорвачиликда яйлов сифатида фойдаланилади.

### **АҲОЛИСИ**

Туркманистан кўп миллатли мамлакатлардан бири бўлиб, бу ерда 80 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қилишади. Жами аҳолиси 4,5 млн. киши. Аҳолисининг миллий таркибида туркманлар кўпчилликни ташкил этади. Республика аҳолисининг 77 фоизини туркманлар, 6,7 фоиз руслар, 9,2 фоиз ўзбеклар, қозоқлар 2,0 фоиз, татарлар 1,1 фоиз, украинлар 1 фоиз бундан ташқари арманлар, озарбайжонлар, еврейлар ва бошқалардан иборат. Республика аҳолиси сони Марказий Осиё давлатларига хос бўлган табиий ўсиш ҳисобига ортиб бормоқда. (туғилиш 28, ўлим 9. Табиий ўсиш 19) Табиий ўсиш туркманлар ва ўзбекларда нисбатан юқори. Бошқа миллатларда - европа миллатига мансуб кишиларда эса табиий ўсиш деярли сезилмайди. Аҳолининг ёш таркибида 0-14 ёшдагилар 38 фоизни, 15-64 ёшдагилар 58 фоизни, 65 ёшдан юқоридагилар эса атиги 4 фоизни ташкил этади.

#### **4-жадвал**

#### **Туркманистан аҳолисининг жинсий ва ёш таркиби**

Аҳолиниг ёши	Жами (киши)	%	Эркак-лар(киши)	%	Аёллар (киши)	%
0-14 ёш	1737422	38	887088	51	850384	48,9
15-64 ёш	2598641	58	1277176	49,1	1321465	50,9
65 ва ундан катта	182155	4	69383	38,1	112772	61,1
Жами	4518268	100	2233647	49,4	2284621	50,6

№

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики 0-14 ёшлилар орасида ўғил болалар кўпчиликни ташкил этади. 15-16 ёшлилар ўртасида эса аёллар эркакларга нисбатан бир фоиз кўпроқдир. Шунингдек бу нисбат республика жами аҳолиси орасида ҳам кузатилади.

Туркманлар республиканинг деярли барча ҳудудларида тарқалган бўлса, рус ва украинлар асосан йирик шаҳарларда ва саноат марказларида, ўзбеклар Чоржой ва Ташховуз вилоятларида, кавказ миллатлари эса кўпроқ ғарбий Туркманистонда - Каспий денгизи бўйида истиқомат қилишади. Республика мустақилликка эришгандан сўнг кўплаб европа миллатига мансуб кишилар кўчиб кетишиди. Республика аҳолисининг деярли 45 фоизи шаҳарларда яшайди. Аҳоли пунктлари аҳолисининг сони 5 минг дан кўп бўлса ва аҳолини 2/3 қисми саноатда, хизмат кўрсатишда банд бўлса шаҳар деб аталади.

Асосий шаҳарлари Ашгабат, Туркман боши, Теджен, Мари, Чоржой, Ташховуз, Байрам-Али ва бошқалар. Шаҳар аҳолиси сони механик ўсиш ҳисобига (миграция) ортиб бормоқда. Энг урбанизациялашган минтақа Туркманбоши вилояти ҳисобланади. Бу ерда 80 фоиздан кўпроқ аҳоли шаҳарларда яшайди.

Шаҳар аҳолиси энг кам минтақа Шимолий Туркманистон бўлиб, бу ерда жами аҳолининг 30 фоизи шаҳарларда яшайди. Кейинги пайтларда саноатнинг ўсиши билан шаҳар аҳолиси сони ҳам ортиб бормоқда.

Аҳоли ҳудудлар бўйича жуда нотекис жойлашган. Уларнинг асосий қисми воҳаларда: Копетдог этакларида, Чоржой-Туркманбоши темир йўли бўйида ҳамда Мурғоб, Тажан водийсида, Амударёнинг ўрта ва қуий қисмida яшашади.

## ХЎЖАЛИГИ

Туркманистон индустрисал-аграр республика. Унинг халқ хўжалигига саноат етакчи ўринда туради. Республикада янги саноат тармоқлари - нефтни қайта ишлаш, газ, кимё, машинасозлик билан бир қаторда эски саноат тармоқлари нефт қазиб олиш, металлсозлик, пахта тозалаш ва бошқалар ривожланган.

Айниқса республикада ёқилғи-энергетика комплекси, енгил саноат, машинасозлик ва агросаноат комплекслари катта аҳамиятга зга.

Ёкилғи энергетика комплекси. Республиканиң ғарбий қисмларидан нефть қазиб олинади. Қазиб олинган нефт қувурлар орқали Туркманбошига (собиқ Красноводск) келтирилади. Келтирилган нефтнинг бир қисми дengиз йўли орқали экспортга жўнатилса, бир қисми маҳаллий нефтни қайта ишлаш заводларида қайта ишланади.

Заводдан чиққан мазут ва йўлдош газ ИЭСларда ёқилғи сифатида ишлатилади. Нефт маҳсулотларининг яна бир қисми ҳам экспортга кетади.

Республиканиң шарқий қисмидаги Чоржой яқинидаги Сейдида 1980 йилларда қурилган нефтни қайта ишлаш заводи ишлаб турибди. (Собиқ Нефтезаводск).

Газ деярли барча вилоятлар ҳудудида бир неча ўнлаб конлардан қазиб олинади (Ташовуздан ташқари).

Газнинг асосий қисми Ўрта Осиё-Марказ магситрал газ қувурлари орқали экспорт қилинади. Бир қисми эса республика эҳтиёжи учун ишлатилади. (ИЭСларда) Мари шаҳрида газ асосида ишлайдиган МАРИЙ ГРЭСи қурилган. Бундан ташқари шаҳарда табиий газ асосида азотли ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Республикада нефт ва газ конлари асосида нефт газ-кимё энергия ишлаб чиқариш цикллари шакпланган.

Лекин нефт ва газнинг кўпчилиги экспортга жўнатилганлиги сабаби энергия ишлаб чиқариш циклининг бошланғич қисми яхши ривожланган. Бу ерда юқори технологияга зга бўлган пластмасса ишлаб чиқариш ва полимерлар кимёси нисбатан кам ривожланган.

Республикада кимёвий хом-ашёлар - миробилит, йод, бром, олтингугурт қазиб олиш, ҳамда суперфосфат заводи асосида тоғ-кимё энергия ишлаб-чиқариш цикли ташкил топган. Гурдак олтингугурти Чоржой кимё комбинатига келтирилади ва бу ерда суперфосфат ва оптингугурт кислотаси ишлаб чиқарилади. Минтақадаги Қора-бўгозкўл ўзининг кимёвий хом ашёларга бойлиги билан ажралиб туради. Шунингдек республика иқтисодиётини ривожлантиришда Челекен ва Небитдоғ кимё корхоналари аҳамияти катта.

Туркманистон республикасида металлургия саноати (қора ва рангли) кам ривожланган. Машинасозлик саноати корхоналарида нефт саноати учун (Ашгободдаги нефт машинасозлиги, Марий машинасозлик заводи) ҳамда озиқ-овқат учун машина ва

дастгоҳлар ишлаб чиқарилади.

Бундан ташқари электротехника машинасозлиги (Ашгабад), майший хизмат кўрсатиш машинасозлиги (газ плиталари ишлаб чиқариш), кемасозлик заводи (Чоржой) метални қайта ишлаш, ҳамда қишлоқ хўжалик техникапарига хизмат кўрсатиш корхоналари ишлаб турибди.

Республикада қурилиш материаллари саноати ҳам маҳаллий қурилиш хом ашёлари асосида ривожланиб бормоқда. Айниқса цемент хом ашёлари, гипс, оҳактош каби қурилиш хом ашёлари кўплаб топилган.

Мамлакатдаги йирик цемент хом-ашёлари Копетдоғ этакларида, катта Балхан ва Небитдоғда топилган.

Безмеин цемент хом ашёси асосида Марказий Осиёдаги йирик цемент заводи ишга туширилган.

Мамлакатнинг асосий қурилиш материаллари саноати марказлари Ашгабад, Безмеин, Мари, Чоржой, Туркманбоши, Небитдоғ ва бошқалардир.

Енгил саноат республика иқтисодиётида етакчи тармоқлардан биридир. Енгил саноатнинг 2/3 қисмини ипгазлама маҳсулотлари ташкил этади. Республикада етиштириладиган пахтанинг деярли ҳаммаси пахта тозалаш заводларида қайта ишланади.

Республикада енгил саноат тармоқлари: - тўқимачилик, тикувчилик, шойи тўқиши, жун, гилам, трикотаж, пойабзал ва бошқалар яхши ривожланган. Шунингдек қорақўл терилари ишлаб чиқариш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Мамлакатда қўлда гилам тўқиши ривожланган бўлиб, уларнинг йирик марказлари Ашгабад, Гасан-Кули, Небит-Доғ, Бархорден, Қизил-Арват, Мари, Тошовуз ва бошқалардир.

Озиқ-овқат саноати корхоналарида кўплаб истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Республикада сабзавот, мева, гўшт-сут, балиқ консервалари ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Мамлакатда пахта ёғи ишлаб чиқариш Чоржой, Тошховуз, Байрам-Али шаҳарларида ривожланган. Ашгабад, Мари, Чоржой, Туркманбоши каби шаҳарларда йирик гўшт комбинатлари ишлаб турибди.

Туркманистон қишлоқ хўжалигига суғориб дехқончилик қилиш билан бир қаторда чўл-яйлов чорвачилиги ривожланган.

Пахтачилик - деҳқончилик экинларининг асосини ташкил этади. Республикада 1 млн га сугориладиган ер бўлиб, асосан Қоракум канали бўйларига тўғри келади. Бу ерда республикада этиштириладиган пахтанинг 50 фоизи, ингичка толали пахта-нинг деярли 100 фоизи тайёрланади. Мари, Чоржой, Тошховуз вилоятларининг кўпчилик майдонларига пахта экилади. Сўнгги йилларда республикада дон, мева ва узум этиштириш ҳам ортиб бормоқда.

Республикада чорвачилик ҳам яхши ривожланган. Унда ётакчи тармоқ қўйчилик бўлиб, асосан қоракўл қўйлари боқилади. Республиkanинг чўл минтақалари қўй боқиладиган йиловлар ҳисобланади. Шунингдек республикада қорамолчилик, туячилик, йилқичилик (Охолтекин зотли) ҳам муҳим чорвачилик тармоқлариидир.

Қорамолчилик республикада сут-гўшт этиштиришга ихтиоссплашган.

Чўл минтақасининг типик чорвачилиги - туячилиқdir. Туялар гўшти, териси, транспорт мақсадида фойдаланиш учун боқилади. Айниқса Туркманбоши ва Ашгабад вилоятларига тұянинг кўпчилиги (50%) тўғри келади.

Йилқичилик - ҳам туячилъ каби, гўшти, сути ва транспорт вазифасида фойдаланиш учун боқилади. Республикада охолтескин, (Иомуд) каби зотдор отлар боқилади. Бу отлар чет элларда ҳам анча машҳур. Охолтекин отлари кўпроқ Марий ва Ашгабат вилоятларида боқилади. Бу отлар жуда чопқир бўлиб, курғоқчил минтақаларга чидамлидир.

Иомуд зотдор отлари эса кўпроқ юк ташишда фойдаланилади. Улар асосан Туркманбоши ҳамда Тошховуз вилоятларида боқилади.

Бундан ташқари республика чорвачилигига асаларичилик ҳамда пиллачилик ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

## ТРАНСПОРТИ

Республикада деярли барча транспорт турлари мавжуд. Мамлакат майдонининг 4/5 қисми чўллар бўлганлиги сабабли, бу ерларда транспорт хизматини йўлга қўйиш анча қийин.

Республика ташқи иқтисодий алоқаларини темир йўл, автомобил, сув ва ҳаво транспортлари орқали олиб борса, ички

районлар аро алоқалар автомобиль ва ҳаво йўллари орқали олиб борилади.

Республика транспортлари орасида темир йўл транспорти етакчи ўринда туради. Унинг ҳиссасига юк ташишнинг 3/4, пассажир ташишнинг эса 1/4 қисми тўғри келади. Дастлабки темир йўл Каспий орти темир йўли бўлиб 1880-86 йилларда қурилган.

Бундан ташқари Мари-Кушка, Когон-Керкичи-Термез, Тошкент-Туркманбоши, Чоржой-Тошховуз-Қўнғирот-Бейнов, каби йўллар қурилган. Марказий Осиё республикалари мустақил бўлганларидан сўнг Серахс - Машҳад (Эрон) темир йўли ишга туширилди.

Районлараро алоқаларни олиб борища автомобил транспорти етакчилик қиласи. Автомобил йўлларининг узунлиги 13 минг кмдан ортади. Асосий автомагистраллар Туркманбоши - Қизил Арват-Ашгабад-Мари-Чоржой, Мари-Иолатон-Кушка, Чоржой-Дарғон ота-Урганч - Тошховуз, Небит -Доғ - Челекен - Ашгабад - Бохорден - Ербент ва бошқалардир.

Каспий денгизида сув транспорти ривожланган. Йирик портлари Туркманбоши, Бекдаш, Алача. Туркманбошидан - Бакугача паром йўли ўtkазилган.

Сув йўллари орқали пахта толаси, қурилиш материаллари, нефт маҳсулотлари ва бошқалар ташилади. Амударёда дарё кемачилиги ривожланган. Дарё портлари Чоржой, Керки, Келиф.

Ҳаво транспорти - Республикани хорижий ва МДҲ давлатлари билан боғлайди. Ҳаво орқали асосан пассажирлар, тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва қимматбаҳо юклар ташилади.

Республика иқтисодиётининг ривожланишида қувур транспортининг аҳамияти катта. Қувур транспорти нефт, газ ва ичимлик суви ташища анча қулай ҳисобланади.

Республикада дастлабки нефт қувури 1946 йилда ишга тушган бўлиб, у Қум-Доғдан - Вишкагача тортилган (40 км). Кейинчалик Вишка - Туркманбоши, Қотуртепа-Белек-Туркманбоши, Қотуртепа-Челекен ва бошқалар ишга туширилади. Дастлабки газ қувури 1952 йилда Вишкадан – Небит-Доғга тортилган. Бундан ташқари Қумдоғ-Небит-Доғ, Қотуртепа - Белек - Туркманбоши, Қотуртепа - Белек - Туркманбоши - Бекдош - Янги Узен газ қувурлари ишга туширилади. Айниқса Майск - Ашгабад - Безмеин (396 км узунлиги) газ қувури республика иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Республика газ қувурлари узунлиги йилдан йилга ортиб бормоқда.

## ТУРКМАНИСТОННИНГ ИЧКИ ТАФОВУТЛАРИ

Туркманистон республикасида 5 та иқтисодий район ажратылады. Булар Марказий, Гарбий, Жанубий-Шарқий, Шарқий ва Шимолий районлардир. Барча районлар аҳолисининг жойлашиши, сугориладиган ерлари ва саноат корхоналари, ёки чүллардан иборатлилиги билан бир-биридан фарқ қиласы.

Марказий иқтисодий район (Ашгобод обласы) республиканинг жанубий қисмида жойлашган. У республика ҳудудининг 19,6 фоизини, аҳолисининг эса 25 фоизини ташкил этади.

Минтақа ҳудудида Копетдөг тоги ва төг оралығы водийлари ҳамда Марказий Қоракүм чүллининг бир қисми жойлашган. Республика аҳолисининг асосий қисми шу ерда бўлиб, аҳоли зичлиги энг юқори, яъни  $1 \text{ км}^2$ га 10 киши тўғри келади. Аҳолисининг 3/5 қисми шаҳарларда яшайди.

Иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган минтақа бўлиб, бу ерда замонавий машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат, қурилиш материаллари ва бошқа кўплаб корхоналар ишлаб турибди. Минтақада республика саноат маҳсулотининг 25 фоизи тайёрланади. Айниқса гилам тўқиши катта аҳмиятга эга.

Марказий район ингичка толали пахта етиштириш бўйича Жанубий-Шарқий райондан сўнг иккинчи ўринда туради. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик етиштириш, чорвачиликда эса қўйчилик, (коракўлчилик), ҳамда йирик шохли қорамоллар боқиш яхши йўлга қўйилган.

Минтақага республиканинг 23 фоиз экин майдони тўғри келади. Бу ерда Туркманистоннинг 35 фоиз буғдойи, 11 фоиз пахтаси, 60 фоиз сабзовот экинлари ва бошқалар етиштириллади.

Минтақа иқтисодиётининг ривожланишига Ашгабат темир йўли катта таъсир этади. Темир йўли бўйларида кўплаб аҳоли пунктлари жойлашган.

Районнинг энг йирик саноат ва маданият маркази Ашгобот шаҳри бўлиб, шаҳар МДҲ давлатларининг энг жанубида жойлашган. Ҳозирги кунда Ашгабат Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларини туташтирувчи муҳим транспорт тугуни ҳисобланади. Шаҳарда енгил ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, электротехника, металсозлик ва бошқа саноат корхоналари ишлаб турибди.

Ашгабат яқинида Безмеин шаҳри жойлашган. Бу шаҳарда оғир саноат тармоқларидан – цемент ва бошқа қурилиш материаллари, электроэнергетика кабилар ривожланган. Озиқ-овқат саноати тармоқларидан вино ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Теджон – минтақадаги йирик шаҳарлардан биридир. Шаҳарда гилам тўкиш, ғишт заводи, электростанциялар ва бошқа саноат корхоналари ишга туширилган. Айниқса гилам тўкиш қадимги тармоқлардан биридир. Аҳолисининг асосий қисми Туркманлар. Булардан ташқари руслар, қозоқлар, арман, украин ва бошқалар истиқомат қилишади.

Районнинг Копетдоғ этакларида гўзал ва хушманзара дам олиш масканлари жойлашган. (Феруза). Қоракум канали асосида пахтачилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ривожланган. Чўл яйловларида эса қўйчилик билан шугулланишади.

Фарбий Туркманистон (Туркманбоши вилояти) - республиканинг катта ҳудудини, яъни 28,5 фоизини аҳолисининг эса 11 фоизини ташкил этади.

Район Касбий денгиз бўйидан тортиб шарқда Копетдоғ этаклари ва Фарбий Қоракумгача чўзилган. Бу Туркманистоннинг энг иссиқ минтақаларидан биридир.

Худудида оқар сувлар деярли йўқ. Шунинг учун аҳоли сони кам. Лекин саноат ривожланганини сабабли аҳолининг асосий қисми (4/5) шаҳарларда истиқомат қиласди. Бу мамлакатнинг энг урбанизациялашган минтақасидир.

Аҳолининг миллий таркибида Европа миллатига мансуб кишилар (руслар, украинлар, еврейлар, арманлар, озарбайжонлар ва бошқалар) кўпчиликни ташкил этади.

Фарбий Туркманистон бошқа районлардан табиий ресурсларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Республикадаги асосий нефт конлари шу минтақага тўғри келади. Бундан ташқари, Туркманбошидан шимолда йирик ош тузи кони, Қорабўғозкўлда глоубер тузи, Челекенда озокерит конлари топилган. Районда цемент хомашёлари, оҳактош каби қурилиш материаллари ҳам кўп.

Минтақада нефт ва кимё саноати, электроэнергетика, қурилиш материаллари саноати яхши ривожланган. Ҳўжалигининг ривожланишида Каспий денгизидаги балиқчилик катта аҳамиятта эга. Туркманбоши порти Марказий Осиё дав-

латлари ва Кавказ орти мамлакатлари орасидаги дарвоза ҳисобланади.

Сувнинг йўқлиги сабабли қишлоқ хўжалиги яхши ривожланмаган. Айниқса дехқончилик. Чорвачиликда қўйчилик ҳамда тұячиллик етакчи тармоқлардандир.

Минтақанинг асосий шаҳарлари Туркманбоши, Небитдоғ, Челекен, Қизил-Арват, Қозонжиқ ва бошқалар. Шаҳарларнинг кўпчилиги темир йўллар ёнида ёки дengiz бўйида лентасимон жойлашган.

Туркманбоши (Собиқ Красноводск) Гарбий минтақанинг энг қадимги шаҳарларидан бири бўлиб, 1869 йилда ҳарбий қапъа сифатида ташкил топган. Туркманбоши Каспий дengизининг Шарқий соҳилидаги йирик порт шахри бўлиб, нефтни қайта ишлаш ва балиқни қайта ишлаш саноатлари яхши ривожланган. Бу ерга нефт қувурлари орқали Небитдоғ ва бошқа конлардан келтиради.

Туркманбошидан Жанубий Шарқда Катта Балхан этакларида – Небитдоғ шахри жойлашган. Небитдоғ Туркманистоннинг нефт-газ қазиб олиш маркази ҳисобланади. Шаҳарда озиқовқат саноати, уйсозлик комбинати, йод заводи каби корхоналар ишга туширилган. Аёллар гилам тўкиш ишларида банд.

Иқтисодий районнинг мухим шаҳарларидан яна бири Челекendir. Челекен ўзининг кимёвий хом ашёлари билан машхур. Челекендан кўплаб микдорда озокерит, миробилит каби хомашёлар олиб кетилади. Бу ерда кимё заводи мавжуд.

Шу билан бирга Челекен ярим оролида согломлаштириш масканлари учун имкониятлари катта. Район аҳолиси минерал сувлардан ревматизм, тери ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланишади.

Корабўғозкўл ҳам ўзининг кимёвий хом ашёларга бойлиги билан ажralиб туради. Бу ердан кўплаб микдорда глаубер тузи, (миробилит), натрий, магний, бром, йод ва бошқа минерал тузлар қазиб олинади. Хом ашёларни қайта ишлаш мақсадида “Қора-бўғоз-сульфат” комбинати ишлаб турибди.

Жанубий-Шарқий Туркманистон (Марий вилояти) – Республикасининг 18 фоизга яқин ҳудудини, 23 фоиз аҳолисини ташкил этади. Аҳоли зичлиги 1 км<sup>2</sup>га 9 киши тўғри келади.

Урбанизация даражаси нисбатан паст бўлиб, 33 фоизни ташкил қилади.

Минтақанинг иқлим шароити қулай бўлиб, вегетация давридаги суткалик ҳарорат  $+10^{\circ}$  С дан юқори бўлиб 240-250 кун қуёшли бўлади. Қорақум каналининг ўтиши минтақа иқлимининг ва хўжалигининг ўзгаришига таъсир кўрсатди.

Жанубий-Шарқий районга Республиkaning 40 фоиз экин майдони тўғри келади. Суғориладиган ерларда ингичка толали пахта етиширилади. Шунингдек боғдорчилик, сабзавотчилик, пиллачилик шаҳар атрофларида эса сут чорвачилиги ривожланган (минтақа суғориладиган ерларида республиканинг 1/3 қисм йирик шоҳли қорамоллари боқилади.) Чўллардан ялов сифатидә фойдаланилади. Бу ерда Республикада боқиладиган Қоракўл қўйларининг 50 фоизи тўпланган.

Жанубий-Шарқий район республиканинг 35 фоиз пахтасини, 60-фоизга яқин қоракўлини, 55 фоиз ўсимлик ёгини, 25 фоиз атрофида пилласини ва бошқа маҳсулотларни етказиб беради. Районда зотдор Охолтекин отлари боқилади.

Район хўжалиги дастлабки вақтларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мослашган эди. Ҳозирги кунда йирик газ конларининг топилиши(Шарапли, Қора-Чоп, Шатлик) хўжалигининг ривожланишига имкон беради.

Асосий саноат марказлари Мари, Байрам-Али. Мари-Мари вилоятининг маъмурий марказидир. Бу шаҳар Мурғоб-Тажан воҳасининг энг йирик саноат ва транспорт маркази. Айниқса шаҳарда енгил саноат яхши ривожланган. Бу ерда тўқимачилик, жун ювиш, пахта тозалаш, тери заводи ҳамда озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Шунингдек метални қайта ишлаш, мотор ремонт заводи, азот ўғитлар заводи каби оғир саноат тармоқлари ҳам ривожланган. Шаҳарда маҳаллий табиий газ асосида ишлайдиган энг йирик ГРЭС ишга туширилган.

Марининг жанубий шарқида Байрам-Али шаҳри жойлашган. Бу шаҳар Мурғоб дельтасида, қулай табиий шароитли бўлиб, ўзининг санаториялари билан машҳур. Бу ерда МДҲ давлатларидан келган дам олвучи ва даволанувчилар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Шаҳарда пахта тозалаш ва ёғ экстракция заводи жойлашган.

Шунингдек минтақада Иолотон, Теджен, Кушка каби бошқа саноат марказлари ҳам бор.

Шарқий иктисадий район (Чоржой вилояти) республика худудининг 20 фоизга яқинини, аҳолисининг эса 21 фоизини таш-

кил этади. Аҳоли зичлиги 1 км<sup>2</sup>га 8 киши тўғри келади. Аҳолисининг 50%га яқини шаҳарларда, минтақанинг бевосита 2/3 қисми аҳолиси Чоржой ва Керкида яшайди. Район Амударё-нинг ҳар икки соҳилида жойлашган. Чоржой вилоятида ҳам суғориб дехқончилик қилиш устун туради. Суғориладиган ерларда пахтачилик ривожланган. Шунингдек қоракўлчилик ва пиллачилик ҳам етакчи тармоқлардир. Минтақа республикада етиштириладиган пахтанинг 1/4 қисмини, тайёрланадиган шойининг эса 95 фоиздан кўпини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати билан бирга, металсозлик ва төғ-кон саноати ривожланган. Районнинг жанубидаги төғларда турли фойдали қазилмалар, минерал тузлар, қурилиш материаллари, мис, рух, олтингугурт ва бошқалар топилган. Минтақада Республикасининг деярли 60 фоиз гази қазиб олинади. Айниқса бу ерда минерал ўғитлар ва олтингугурт ишлаб чиқариш яхши йўлга кўйилган. Олтингугурт Гаурдак конидан қазиб олинади. Олтингугурт ва бошқа минерал тузлар асосида Гаурдак төғ-кимё саноати ривожланган.

Кўхитангдан унча узоқ бўлмаган масофадан рух қазиб чиқариш, унинг атрофида эса нефт ва газ конлари топилган. Булар асосида чўлда кимё саноати маркази - Нефте заводск (Сейди) шаҳри ташкил топган. Минтақа худудида МДҲдаги йирик Корлюк ва Карабил каби калий тузлари конлари топилган.

Минтақа бошқа районларга нисбатан сув билан яхши таъминланган. Бу кам сувли республика учун камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

Амударё бўйларида Қизилмия ўсимлиги ўсади. Бу ўсимликдан дори-дармон ишлаб чиқаришда, салқин ичимликлар, сигарета, косметика каби кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Бу ўсимликка жаҳон бозорида ҳам талаб каттадир.

Чоржой - шарқий районнинг энг йирик шаҳри бўлиб, Республикада аҳоли сони бўйича Ашгабаддан сўнг иккинчи ўринда туради. Шаҳар дарё ва темир йўл бўйида жойлашган бўлиб муҳим транспорт тугунини ҳосил этади. Қадимда Чоржой Бухоро амирлигининг муҳим қальяларидан бўлган.

Ҳозирги кунда шаҳар йирик саноати ривожланган марказдир. Айрим саноат корхоналари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (пахта) қайта ишлашга ихтисослашган. Булар пахта

полишаш, трикотаж, түқимачилик фабрикалари дир. Шунингдек пиллакашлик фабрикаси, қоракұл терилари ишлаб чиқариш заводи ҳам мұхим ахамияттаға эга.

Чоржой шаҳри темир йўл ва дарё йўли бўйида жойлашганлиги сабабли нефтни қайта ишлаш, кемасозлик, авторемонт, экскватор ремонти заводи кабилар ишлаб турибди. Кимё саноатида йирик суперфосфат заводи апоҳида ўринда туради.

Чоржой шаҳри дарё бўйлаб чўзилган, ўсимликка бой гўзал манзарали шаҳардир. Шаҳарда бир қанча ўқув юртлари, музей ва бошқа маданият ташкилотлари (масканлари) мавжуд.

Шимолий иқтисодий район Тошховуз вилоятидан иборат. Район республика худудининг 13 фоизини ахолисининг эса 20 фоизини ташкил этади.

Аҳоли зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 9 киши тўғри келади. Район республиканинг шимолий қисмидаги Амударё дельтасида. Сариқамиш қўли ва шимолий Қоракум чўлининг бир қисмидаги жойлашган. Тошховуз республикадаги қадимги сугориладиган минтақадир. Ҳозирги кунда бу ерда пахтачилик, дончилик сабзавотчилик ривожланган майдонлар кўп. Боғдорчилик, айниқса полиз экинларидан сершира қовунлари машҳур. Минтақа йирик қишлоқ хўжалик райони бўлиб, сугориб дехқончилик қилишга ихтисослашган. Минтақа худудидан кўплаб сугорув каналлари ўтган. (Тош-соқа, Қилич-Ниёзбой; Қипчоқ-Бозсу ва бошқалар).

Иқклими нисбатан қуруқ, қиши совуқ, ёзи қисқа, лекин бу ерда ўрта пишар пахта етиштириш яхши йўлга қўйилган.

Шимолий район Республикасининг 1/5 фоиз экин экиладиган майдони, жумладан 1/4 фоиз пахта майдонини ташкил этади. Минтақа шоли, оқжўхори, каноп, етиштириш бўйича ресубликада биринчи, пахта, кунжут етиштириш бўйича эса иккинчи ўринда туради. Шунингдек бу ерда маккажўхори ва узум етиштирилади.

Бу ерда республиканинг 20 фоиз пилласи тайёрланади. Шимолий минтақада сўнгги йилларда чорвачилик, айниқса қўйчилик ривожланиб бормоқда. Қўйлар асосан Сариқамиш қўли атрофларида боқилади. Минтақанинг иқтисодий ва маданий маркази Тошховуз шаҳри бўлиб, Амударёning қўйи қисмидаги, темир йўл ёқасида жойлашган. Шаҳар XIX асрларда Хива хонлиги қалъаси сифатида ташкил топган. Аҳолиси асосан ўзбеклардан иборат.

Собиқ советлар даврида Тошховуз йирик саноат ва транспорт маркази сифатида ривожланади. Чоржой-Құнғирот-Бейнов темир йўлининг қурилиши шаҳарнинг иқтисодий алоқаларини кучайтиради. Шаҳарни Шовот магистрал канали икки қисмга: эски ва янги шаҳарга бўлиб туради. Шаҳарда бир қанча саноат хорхоналари:-пахта тозалаш, ёғ-мой, нон, авторемонт, қишлоқ хўжалик машиналари ремонти заводи ва бошқалар ишга туширилган. Шунингдек шаҳарда миллий ҳунармандчиллик-гилам гўҳиши ва кулолчилик яхши ривожланган.

### **Саволлар**

1. Республика табиий шароитининг ўзига хос, хусусияти нимада?
2. Туркманистон хўжалигиниң ихтисослашган тармоқларини айтинг.
3. Аҳоли жойлашишидаги хилма-хилликга қандай омиллар таъсир кўрсатган?
4. Республика нинг йирик енгил саноат ва машинасизлик марказларини айтинг.
5. Республика нинг пахта етиштиришга ихтисослашган иқтисодий районларини айтинг.

### ІІІ БОБ. ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

#### Режа

1. Тожикистоннинг географик ўрни, чегаралари.
2. Табиий шароитининг ўзига хос хусусияти.
3. Аҳолиси ва уларнинг жойлашуви
4. Хўжалиги. Унинг ихтисослашган тармоқлари.
5. Ички тафоввутлари.

Тожикистон республикаси Марказий Осиё давлатларининг Жанубий шарқида жойлашган. Унинг майдони 143,1 минг км<sup>2</sup>, аҳолиси 6,4 миллион киши. Пойтахти Душанбе шаҳри. Аҳоли зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 42 киши тӯғри келади.

Республика Марказий Осиё давлатларининг 3,8 фоиз худудини, 11 фоиз аҳолисини ташкил этади. Майдонининг катталиги бўйича охирги ўринда туради. Унинг худуди шимолдан жанубга 350 км га, гарбдан шарқга эса 700 км масофага чўзилган. Республика шимолда Қирғизистон, гарбда Ўзбекистон, шарқда Хитой ва жанубда Афғонистон билан чегарадош.

#### ТАБИИЙ ШАРОИТИ ВА БОЙЛИКЛАРИ

Республика худудининг атига 10 фоиз қисми дengiz сатхидан 1000 м дан пастда, 50 фоизи эса 3000 м дан баландда жойлашган. Республика худуди асосан Помир - Олой ва Тян - Шань тоғ системасида (Қурама тизмаси) жойлашган. Минтақада нафақат Марказий Осиё балки МДҲ даги энг баланд нуқта Исмоил Самоний чўққиси жойлашган (7495м). Бундан ташқари баландлиги 7000 метрдан ошадиган ўнлаб чўққилар ҳам мавжуд.

Бу ёрда минтақадаги энг йирик музлик - Федченко музлиги жойлашган. Баланд тоғлар, тоғ оралиги водийлари, текисликлар хилма-хил табиат комплексларини ҳосил қилган.

Республиканинг жанубидаги водийларда иссиқ субтропик иқлими юқорига кўтарилилган сари совуқ иқлим билан алмашади. Ундан баландда эса доимий қор ва музликлар жойлашган.

Тоғлардаги қор ва музликлардан кўплаб йирик дарёлар бошланади. Тожикистон қўшни республикаларга нисбатан сув ресурслари билан яхши таъминланган. Гидроэнергетика ресурслари бўйича МДҲ давлатлари орасида Россиядан кейин

иккинчи ўринда туради. Йирик дарёлари Амударё (унинг ирмоқлари Вахш, Панж), Зарафшон ва бошқалар. Республика төгли ўлка бўлганлиги сабабли дарёларида йирик ГЭСлар ишлаб турибди. Айниқса бу ердаги Нурек ГЭС катта аҳамиятга эгадир.

Хўжалиги Ҳисор, Вахш, Фарғона водийларида ҳамда Дарвоз ва Улуг Пётр төглари этакларида яхши ривожланган.

Республика худудида фойдали қазилмалардан рангли металлар (суръма, симоб), шунингдек ош тузи (Хўжа Мўмин, Хўжа Сартис кони), оҳактош, полиметалл рудалари (Олтин топган, Адрасман, Чорух-Дайрон ва бошқалар), висмут, дала шлати кабилар топилган.

Тожикистоннинг айрим худудларида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган нефт (Нефтеобод), кўмир (Шўроб) газ ва вольфрам конлари учрайди.

## АҲОЛИСИ

Тожикистонда 6.4 млндан ортиқ аҳоли яшайди. Республика аҳолисининг сони бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида учинчи ўринда (Ўзбекстон ва Қозогистондан сўнг) туради. Республика аҳолисининг табиий кўпайиши юқори бўлган давр 1979-80 йилларга тўғри келади. Шу йилларда республика аҳолининг табиий ўсиши бўйича собиқ иттифоқда биринчи ўринда бўлган. Кейинги вақтларда республикада рўй берган ўзаро келишмовчиликлар натижасида аҳолининг табиий ўсишида ҳам салбий оқибатлар кузатилади. Республикада аҳолининг табиий ўсиши сўнги йилларда 1,9 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич қўшни республикалар Ўзбекситонда 2,1 фоизни, Туркманистонда эса 4,1 фоизга тўғри келади. Тожикистонда ҳам бошқа Марказий Осиё давлатлари каби кўп фарзандлилик хусусиятлари мавжуд. Аксарият оиласаларда 5-6 фарзанд кўриши ҳали ҳам давом этмоқда. Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби таҳлили шуни курсатадики табиий ўсиш юқори бўлганлиги сабабли аҳолининг 42 фоизини 0-14 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бу ёшдагилар орасида ўғил болаларнинг улуши 50.4 фоизга, қиз болалар эса 49.6 фоизга тўғри келади. 15 ёшдан 64 ёшгача булган аҳоли эса 54 фоиз булиб . буларда аёллар 50.2 фоизни эркаклар 49.8 фоизни ташкил этади. 65 ёшдан юқоридагиларга

жами аҳолининг 4 фоизи тўғри келади. Булар орасида аёлларини юқори (56.9 фоиз). Республика буйича олганда эркаклар ва лўллар деярли тенг (49.8 ва 50.2).

Республика кўпмиллатли мамлакат бўлиб, аҳолининг миллий таркибида тоҷиклар кўпчиликни ташкил этади. Жами аҳолининг 64.9 фоизи тоҷиклар, 25 фоизи ўзбеклар, 5 фоизи руслар, 2 фоизи татарлар ва бошқалар ташкил этади. Минтақада аҳоли жуда нотекис жойлашган. Республика аҳолисининг асосий қисми паст текисликлардан ва сойликлардан иборат бўлган Вахш, Ҳисор ва Фарғона водийларида жойлашган. Бундай худудларда аҳоли зичлиги  $1 \text{ km}^2$  га 400-500 кишига етади. Бу ерларда одамлар қадимдан суғориб дехқончилик қилиб келишади. Аҳолининг нотекис жойлашишига унинг орографияси катта таъсир кўрсатади. Республиkanинг 90 фоиз худуди тоғ олди ва тоғлардан иборат бўлиб денгиз сатхидан 1000 м дан баландда жойлашган. Тоғ ва баланд тоғ зоналарида хўжалик юритиш мураккабчилик тугдиради. Аҳоли манзилгоҳлари ҳам кам. Бу ерда зичлик  $1 \text{ km}^2$  га 1-2 киши тўғри келади.

Республикадаги ўзбекларнинг асосий қисми Фарғона водийсида Сўғд (Ленинобод) вилоятида яшашади. Бу ердаги жами аҳолининг 40 фоизи ўзбеклардир. Тоҷиклар бутун республика худудида, руслар йирик саноат марказларида, қирғизлар эса асосан тоғ яйловларида истиқомат қилишади.

Республикада урбанизация даражаси Марказий Осиё давлатлари орасида энг паст, яъни жами аҳолисининг 36 фоизга яқини шаҳарларда яшайди. Энг йирик шаҳарлари Душанбе, Хўжанд, Турсунзода, Кўргон тепа ва бошқалардир. Республика нинг асосий шаҳарлари аҳолиси 50 минт кишигача бўлган кичик шаҳарлардир. Сўнгти йилларда шаҳарларда янги янги саноат корхоналари ташкил этилмоқда.

Аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлганлиги сабали меҳнат ресурсларига бой. Мамлакат аҳолисининг кўпчилигини меҳнатга лаёқатли ёшлар ташкил этади. Бироқ республикада меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш тўлиқ йўлга кўйилмаган. Айниқса республиkanинг тоғли минтақаларидаги кўплаб аҳоли манзилгоҳларида бир қанча ишсиз кишилар мавжуд. Уларнинг асосий қисми аёллар ва ёшлардан иборат. Бу ерда аҳолини фойдали меҳнатга жалб этиш долзарб муаммолардан биридир.

## ХЎЖАЛИГИ

Тожикистон аграр индустрисал мамлакатлардан биридир. Унинг иқтисодиёти яқин вақтларгача бир томонлама ривожланышда бўлган. Марказий Осиёning бошқа давлатлари каби Тожикистон ҳам Собиқ Иттифоқнинг асосий хом-ашё базаларидан бири бўлиб келган.

Республика мустақилликка эришгач унинг иқтисодиётида ҳам янги ўзгаришлар рўй берди. Мамлакат ўзи етиштирган хом-ашёни четга чиқармасдан ўз худудида қайта ишлайдиган янги корхоналар қурилишига катта эътибор бера бошлади.

Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўринда туради. Миллий даромаднинг асосий қисми ҳамда ҳалқ хўжалигига банд бўлган аҳолининг 45 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Қишлоқ хўжалигига сугориб дехқончилик қилиш, төғ яйлов чорвачилиги, мева ва узум етиштириш яхши ривожланган.

Саноатда етакчи тармоқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи - пахта тозалаш, ипакчилик, ёғ-мой, консерва ва бошқа корхоналар ҳисобланади.

Айниқса бу тармоқ республиканинг шимолий қисмida Фарғона водийсида ҳамда Душанбе шахри атрофларида яхши йўлга қўйилган. Шунингдек қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, ирригация ва қишлоқ хўжалиги машинасозлик тармоқлари яхши ривожланган.

Республикада топилган фойдали қазилмалар асосида төғ кон саноати, арzon гидроэнергетика ресурслари асосида эса рангдор металургия ва кимё саноатлари ривожланиб бормоқда.

Республикада электр энергия ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эгадир. Вахш дарёсида қурилган ГЭС лар каскади асосида Жанубий Тожикистон ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси (ҲИЧМ) ташкил топган. Вахш дарёсидаги Норак ГЭС и ўзига хослиги билан ажralиб туради. Унинг арzon энёргияси асосида Турсунзода алюмин заводи ишга туширилди. Бундан ташқари республикада йирик Иссиқлик электр станциялари ҳам бунёд этилган. Булар Душанбе, Явон ва бошқа шаҳарларда жойлашган. Мазкур ИЭС ва Вахш дарёдаги ГЭС лар марказий ва жанубий Тожикистонни электр энергияси билан таъминлайди.

Республикада кўплаб рангли металл конлари топилган. Шу сабабли бу ерда тоғ-кон металлургия комбинати бунёд этилган. Кейинги йилларда янги саноат тармоғи- алюминий ишлаб чиқариш ривожланди. Турсунзода алюминий заводи нафақат республикада балки МДҲ давлатлари орасидаги энг йирик корхоналардан биридир.

Мамлакатда кимё саноати 1960 йиллардан бошлаб ривожланди. Республикадаги Вахш кимё заводида ишлаб чиқарилган азотли ўғитлар республикадан ташқари қўшни давлатларда ҳам ишлатилади.

Арzon электр энергия ва йирик ҳом ашё (ош тузи) кони асосида Явонда электрокимё заводи ишга туширилган. Заводда калцийли сода, суюқ хлор, хлорли оҳак ҳамда майший кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Мамлакат иқтисодиётида машинасозликнинг ҳам ўз ўрни бор. Машинасозлик корхоналари йирик шаҳарлар Душанбе, Хўжанд, Кўргонтепа ва бошқаларда жойлашган. Машинасозлик корхоналарида турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу корхоналарда қишлоқ хўжалиги машиналарига эҳтиёт қисмлардан тортиб трансформаторлар, тўкув станоклари, электр саноати учун деталлар ва бошқалар ишлаб чиқарилади. Ўлга қўйилган.Хўжанд шахрида Россия билан ҳамкорликда ПАЗ автобуслари йигилади. Бундан ташқари электротехника, приборсозлик ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари қурилган.

Тожикистоннинг ёқилғи саноатининг асосини- кўмир саноати ташкил этади. Республиканинг шимолида Шўроб кўмир кони жойлашган. Бу ердан қазиб олинган кўмир маҳаллий эҳтиёжни қондириш учун сарф бўлади, қисман қўшни давлатларга чиқарилади. Бундан ташқари Марказий Тожикистонда, бориш қийин бўлган жойда Фан-Янгоб кони жойлашган. Кондан асосан коксланувчи тошкўмир олинади.

Курилиш материаллари, саноатининг асосини йирик цемент заводлари, темир бетон-конструкциялари, ойна ишлаб чиқариш заводлари ташкил этади. Булар деярли барча худудларда жойлашган. Курилишнинг ортиши бу саноатнинг янада ривожланишини тақозо этади. Енгил ва озиқ-овқат саноати Тожикистоннинг ихтисослашган саноат тармоқлари дир. Бу тармоқ жами саноат маҳсулотининг 2/3 қисмини ётказиб беради, ҳамда саноатда банд аҳолининг 50-фоизини ташкил этади.

Енгил саноат тармоқларидан энг йириклари пахта тозалаш, тұқымачилик, тикувчилик, оёқ кийими фабрикалари ва бошқалардир.

Пахта тозалаш заводлари республикада етиштириладиган жами пахтани қайта ишлайды. Душанбе шаҳрида йирик ип-газлама комбинати ишга туширилган. Душанбе, Хўжанд шаҳарларида шойи комбинатлари, Қайроққумда гилам тўкиш комбинатларида шойи ва гилам тўкиш йўлга қўйилган. Республикада енгил саноат тармоғи келажакда янада ривожлантирилади.

Озиқ-овқат саноатида вино ва вино маҳсулотлари, мева консервалари, майиз, пахта ва ўсимлик (зигир, кунжут) мойи, ун ва ун маҳсулотлари, сут-гўшт маҳсулотлари етиштириш ривожланган.

Республикада сўнгти йиллардаги иқтисодий қийинчилликлар натижасида саноат маҳсулотлари, айниқса тўқымачилик, тикувчилик, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш нисбатан камайган.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Республика қишлоқ хўжалигида пахтачилик етакчи тармоқлардан биридир. Бундан ташқари пиллачилик, боғдорчилик ва узумчилик, тоғли минтақаларда эса дончилик боғдорчилик ва чорвачилик ривожланган.

Тожикистон тоғли ўлка бўлганлиги сабабли хайдаладиган ерлар кўп эмас. Қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар Республика худудининг атига 44 фоизини ташкил этади. Ҳайдаладиган ерлар 19 фоиздан ошмайди. Шунга қарамасдан республика айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз эҳтиёжидан ташқари қўшни мамлакатларга ҳам экспорт қиласди. Четта асосан пахта толаси, тамаки, сабзавот, полиз экинлари, мева, узум ва бошқаларни чиқаради.

Республикада 1 млн тоннага яқин пахта етиштирилади. Фарғона водийсида оддий, Вахш, Хисар водийларида эса ингичка толали пахта экиласди. Тожикистон Марказий Осиёда етиштириладиган кимматбаҳо ингичка толали пахтанинг 50 фоизини етказиб беради. Пахтанинг бу навидан юқори сифатли газламалар олинади.

Сугориши иншоотларининг яхшиланиши янги ерларнинг узнаштирилиши келажакда пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини янада ривожлантириш имконини беради.

Тожикистонинг агроиклим шароити боғдорчилик ва узумчилик учун ҳам қулай. Республикада шафтоли, ўрик, олма, нок, олча, гилос, беҳи узум, анжир, анор, бодом, хурмо каби мевалар етиштирилади. Бундан ташқари иссиқсевар сабзавот ва полиз экинлари ҳам етиштирилади. Айрим сабзавотлардан йилига 2-3 мартағача ҳосил олинади.

Чорвачилик - дехқончилиқдан сўнг иккинчи ўринда туради. Унда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 30 фоизи тайёрланади. Чорвачилик сут-гўшт чорвачилиги, қўйчилик, чўчқачилик паррандачилик тармоқларига бўлинади. Қорамолчилиқда сутдан ташқари 50 фоизга яқин гўшт етказиб берилади. Қорамолчилик пахтачилик мажмуаси билан чамбарчас боғлиқ, равишда ривожланмоқда.

Кўйчилик қорамолчилиқдан кейин иккинчи ўринда туради. Улар асосан республикадаги табиий яйловларда боқиласди. Мамлакатда ҳисори зотдор қўйлари боқиласди. Бу қўйлар ийриклиги, тез семириши билан дунёга машҳур. Унинг оғирлитиги 120-130 кг дан ортади. Республикада қоракўл қўйларини боқиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Қоракўл қўйлари сони бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида Тожикистон олдинги ўринларда туради.

Помир тоғли халқнинг асосий чорвачилиги бўлган қўтослар боқиласди. Бу ҳайвонлар совуқ иқлимга мослашган бўлиб, улардан сут олиш билан бирга юқ ташишда фойдаланилади. Улардан ўртача 300-350 литр ёғли сут соғиб олинади.

Республиканинг барча худудларида (Тоғли Бадаҳшондан ташқари) қадимги қишлоқ хўжалик тармоғи-пиллачилик ривожланган. Пилла етиштириш бўйича Тожикистон Марказий Осиё давлатлари орасида алоҳида ўринда туради.

## ТРАНСПОРТИ

Республика иқтисодиётини ривожлантиришда транспортнинг аҳамияти бекиёсдир. Минтақада барча транспорт турлари-темир йўли, автомобил транспорти, қувур, сув ва ҳаво транспортлари мавжуд. Республика ҳаётида темир йўл ва автомобил транспортлари етакчи аҳамиятга эга.

Темир йўл транспорти республиканинг ички худудлараро, ҳамда унинг ташқи алоқасида муҳим ўринни эгаллайди. Минтақа худудида тор изли ва кенг изли темир йўллар ўтган.

Республика ташқи иқтисодий алоқасида Душанбе-Термиз темир йўлининг аҳамияти катта. Бу йўл орқали Тожикистон Марказий Осиё ва бошқа МДҲ давлатлари билан боғланган. 1970 йилларда мамлакатнинг жанубий шарқий қисмида Термиз-Кўргонтепа-Ёвон, ҳамда Вахш билан Кўлоб водийларини туғаштирувчи янги темир йўллар қурилган. Районлараро юк ташишда тоғли республика бўлганлиги сабабли автомобил транспортининг аҳамияти каттадир. Автомобил йўлларининг умумий узунлиги 13 минг км дан ортади. Уларнинг 80 фоизидан ортиги қаттиқ қопламли йўллардир.

Йирик автомобил йўллари Душанбе шаҳридан бошланади. Душанбе-Термиз, Душанбе-Кўргонтепа автомагистраллари мамлакат пойтахтини Узбекистонинг порт шаҳри Термиз ҳамда Кўргонтепа вилоятининг маркази Кўргонтепа билан боғлайди. Душанбе - Хўжанд, Душанбе-Хоруғ каби автомобил йўллари вақтинча ишлайди. Қишки мавсумда довонда қор кўп бўлган даврларда транспорт қатнови тўхтатилади.

Тоғли Бадахшон обlastидан қўшни Қирғизистонинг йўш шаҳрига очилган автомобил йўли Фарғона водийси билан боғлайди.

Йўловчилар темир йўл, автомобил ва ҳаво транспортларида ташилади. Айниқса уларни узоқ масофага ташишда ҳаво транспортининг улуши каттадир. Ҳаво транспорти орқали мамлакат пойтахти барча йирик шаҳарлари билан боғланган.

Шунингдек Душанбедан МДҲ давлатларининг Москва, Санк-Петербург, Тошкент, Новосибирск шаҳарлари, Кавказ орти мамлакатлари ҳамда бошқа хорижий мамлакатларга ҳаво транспорти қатнови йўлга қўйилган.

Мамлакатда ички сув транспорти ҳам мавжуд. Панж ва Амударё орқали Марказий Осиёning айрим давлатлари ва Афғонистон билан иқтисодий алоқа йўлга қўйилган.

Республика қўшни давлатлар ва хорижий мамлакатларга пахта толаси, ўсимлик ёғи, қуруқ мева, сабзавот ва мева консервалари, вино каби маҳсулотлар сотади. Бундан ташқари машинасозлик ва электротехника маҳсулотлари: тўқув станоклар, трансформаторлар, рўзгор холодилниклари, автомобил ва

тракторларга ёрдамчи қисмлар, енгил саноат маҳсулотларидан ип ва шойи газламалар, гилам ва бошқа кўплаб маҳсулотлар етказиб беради.

## ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРИ

Унча катта бўлмаган республика худуди 8 та иқтисодий районга бўлинади, булар ўз навбатида учта иқтисодий зонага бирлаштирилади: Жанубий гарбий Тожикистон, Шимолий Тожикистон, ҳамда Жанубий шарқий Тожикистон.

1. Жанубий гарбий Тожикистон-республика худудининг 37 фоизини, аҳолисининг эса 66 фоизини ташкил этади. Минтақада аҳоли зичлиги  $1 \text{ км}^2$  га 40 киши тўғри келади. Хисар водийси республикадаги қулай табиий, иқтисодий ва бошқа шароитларга эгадир. Водийда республиканинг 1/3 қисмдан ортиқ саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрланади.

Минтақа табиий ресурсларга анча бой бўлиб қурилиш ҳом ашёлари, вольфрам, кўмир, нефт, газ ва бошқалар топилган.

Асосий транспорт турлари автомобил ва темир йўл транспортлари ҳисобланади.

Саноатида - машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, рангли металлургия, ип газлама, трикотаж ва бошқалар яхши ривожланган.

Қишлоқ хўжалиги пахта етиштириш (республиканинг 50 фоиз пахтаси) чорвачилик, боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтиносланган.

Районда республиканинг нисбатан йирик шаҳарларидан Душанбе, Турсунзода, Норак ва бошқалар жойлашган.

Республиканинг пойтахти Душанбе - йирик саноат ва маданият маркази ҳисобланади. Йирик корхоналардан "Тожиктекстильмаш", "Тожик қишлоқ хўжалик маш", "Тожик гидро агрегат" ва бошқа кўплаб оғир саноат корхоналари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда Цемент заводи уйсозлик ва ёғочни қайта ишлаш комбинатлари, темир - бетон конструкциялари заводлари муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек озиқ овқат ва енгил саноат тармоқлари ҳам яхши ривожланган.

Йирик саноат марказларидан бири Турсунзода шаҳридир. Шаҳар алюминий заводининг қурилиши билан яна ҳам ривожланди. Шунингдек, шаҳарда форфор заводи, пахта тозалаш,

эфир мойи ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби корхоналар ишга туширилган.

Минтақада Норак ГЭС и қурилиши билан Нурек шахри ҳам бунёд этилган. Ҳозирги кунда Норак - йирик гидро энергетика, озиқ - овқат ва енгил саноат маркази ҳисобланади.

Вахш водийси республиканинг энг иссиқ иқлимли ҳамда текисликлардан иборат ҳудуди ҳисобланади. Январ ойида ҳам ўртача ҳаво температураси  $0^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлади. Шу сабабли Вахш водийси республиканинг асосий ингичка толали пахта етиширадиган ва субтропик экинлар маркази ҳамdir.

Водий гидро энергетика ресурсларига бой. Бу ерда нефт ва газ конлари топилган. Шунингдек, кимёвий хом ашёлардан ош тузи (Тут булоқ), доломит (Ёвон), қурилиш материалларидан гипс, цемент хом ашёси, оҳактош ва бошқалар топилган.

Водий қишлоқ хўжалиги ахамиятига кўра Тожикистонда Ҳисор ва Шимолий минтақалардан кейинда турди, бу ерда республиканинг 20 фоиздан юқори саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Енгил саноат нисбатан яхши ривожланган; бунда пахта тозалаш саноати асосий ўринда турди. Водийда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари хажимида енгил саноатнинг улуши 70 фоизга яқин, озиқ - овқат саноати 20 фоизини, оғир саноат эса 15 фоизни ташкил этади. Водий саноатининг ихтисослашган тармоқларига электр энергетика, кимё, пахта тозалаш, ёғ мой тармоқлари киради.

Вахш водийси қишлоқ хўжалиги юқори дражада ривожланган. Мамлакатда етиширилаётган ингичка толали пахтанинг 1/3 қисми шу ерга тўғри келади. Пахтачилик билан бирга боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва полиз экинлари етишириш ҳам ривожланган. Шунингдек, цитрус мевалари ҳам етиширилади.

Водийда республиканинг йирик саноат ва маданият марказларидан бири - Кўргонтепа шахри жойлашган. Бу ерда электротехника, енгил, озиқ - овқат саноатларининг йирик корхоналари мавжуд. Шахарда ингичка толали пахтанинг янги навларини яратадиган селекция маркази бор. Шахар ва водий иқтисодиётининг ривожланишига Термиз - Кўргонтепа - Ёвон темир йўли катта таъсир кўрсатади. Минтақадаги Вахш азот -

тук заводи республика қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар етказиб беради.

Ваҳш водийсининг юқори қисмida Кўлоб зонаси жойлашган. Зона қулай табиий ва иқлимий шароитга эга. Унинг худудида республикадаги йирик ош тузи конлари (Хўжа Мўмин, Хўжа Сартис) топилган. Бу ерда қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган. Агроиқтисодиётда пахтачилик ва чорвачилик етакчи ўринда туради. Шунингдек, дон етиштириш, пиллачилик ҳам яхши ривожланмоқда.

Асосий саноат маркази Кўлоб шахри. Шахар атрофида йирик қишлоқ хўжалиги районлари жойлашганлиги сабабли, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш яхши йўлга кўйилган.

Фарм водийсида баланд тоғликлар кўп. Унинг хўжалигига қишлоқ хўжалиги етакчи ўринда туради. Чорвачилик, боғдорчилик, картошка етиштириш, тамакичилик каби соҳалар яхши ривожланган. Кишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг асосий қисми яйловлар билан қопланган. Сугориб дехқончилик қилиш яхши йўлга кўйилган. Саноати маҳаллий эҳтиёжини қондириш учун хизмат қиласи.

Шимолий Тожикистон - Республика худудининг 19 фоизини, ахолисининг 31 фоизини ташкил этади. Ахоли зичлиги  $1\text{км}^2$ га 60 киши атрофида тўғри келади.

Минтақа табиий шароити анча қулай. Унинг катта қисми Фарғона водийси ва Мирзачўlda жойлашган шимолий ва жанубга томон тоғларга кўтарилиб боради. Шимолий Тожикистон фойдали қазилмаларга бой. Бу ерда оҳактош, гипс, шағал, керамзит хом ашёлари ва бошқа қурилиш хом ашёларининг катта заҳиралари жойлашган. Шунингдек минтақада рангли металлар – полиметал рудалари, вольфрам, молибден, висмут, рух, ёнувчи фойдали қазилмалардан нефт, газ ва кўмир конлари топилган.

Шимолий минтақада транспорт яхши ривожланган бўлиб, республика кўрсаткичидан икки баробар юқоридир. Бу ерда Тожикистоннинг 1/3 қисм саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Саноатнинг асосини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ёнгил ва озиқ - овқат саноати тармоқлари ташкил этади. Минтақада гилам тўқиши ва ил газлами ишлаб

чиқариш яхши ривожланган. Шу билан бирга тикувчилик, трикотаж, ун ва ун махсулотлари, консерва ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу районда рангли металлургия, ёқилғи, электротехника каби саноат тармоқлари ҳам шакилланган.

Қишлоқ хўжалиги пахтачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Шу билан бирга боғдорчилик, узумчилик ва пиплачилик ҳам муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади. Асосий саноат марказлари - Хўжанд, Конибодом, Исфара, Қайроқум ва бошқалар.

Хўжанд - иирик саноат ва маданият маркази бўлиб, аҳолиси бўйича республикада Душанбедан кейинда туради. Шахар Фарғона водийси кираверишида жойлашган. Мўгилтоғ ва Туркистон тоғлари орасида тор йўлак хосил бўлган ва бу ер Хўжанд дарвозаси деб аталади. Хўжанд Ўрта Осиёning қадимий шахарларидан (III аср э.о.).

Хозир шахарда 20 дан ортиқ турли саноат корхоналари ишлаб турибди. Энг иирик корхоналардан - шойи тўқиши комбинати (тўла цикли), пахта тозалаш, консерва заводлари, машинасозлик ва бошқалардир.

Шунингдек Хўжанд орқали иирик автомобил ва темир йўллар ўтган. Тошкент - Андижон, Бишкек - Жалолобод темир йўллари, Тошкен - Кўқон, Хўжанд - Душанбе автомобил йўллари шулар жумласидандир. Хўжанд - Душанбе автомобил йўли бўйида Ўратеппа шахри жойлашган. Шахар X асрда Зарафшон ва Фарғона водийси ўртасидаги қалъа сифатида ташкил топган. Ўратеппа ўзининг миллий хунармандчилиги билан машхур. (Пичоқчилик, сўзана, заргарлик буюмлари, ёғочга ишлов бериш).

Хўжанддан шарқда Конибодом шахри жойлашган. Шахар қадимдан ўзининг бодомлари билан машхур бўлган (IX-X аср). Унинг атрофида қишлоқ хўжалиги районлари жойлашганлиги сабабли, саноати қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Шахарда пахта тозалаш, консерва, ёғ мой комбинати, тўқимачилик фабрикаси каби корхоналар жойлашган, Машинасозлик саноатини пахта тозалаш ва тог кон саноати учун деталлар тайёрлайди.

Сирдарёда Қайроқум сув омборининг курилиши билан шу номли шахар ташкил топди. Хоэирги кунда шахарда Қайроқум гилам комбинати ишлаб турибди. Бу ерда тайёрланган гиламлар хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинади. Район

хўжалигини ривожлантиришда Қайроқкум ГЭС ининг аҳамияти каттадир.

Минтақадаги Исфара шахри ўзининг гўзаллиги билан ажралиб турди. У тоғ орасида Исфара дарёси бўйида жойлашган қадимий шаҳардир ( VIII аср ). Шаҳар атрофида дам олиш масканлари, дала ховлилар кўп. Исфарарада консерва ва электромеханика заводлар ишлаб турибди.

Жанубий шарқий Тожикистон - ( Тоғли Бадаҳшон вилояти) Республика худудининг 44 фоизини, аҳолисининг эса атига 3 фоизини ташкил этади. Минтақа асосан Шарқий Помирни ўз ичига олади. Бу ерда хилма хил ландшафтлар учрайди.

Тоғли Бадаҳшон энг баланд ва аҳолиси энг кам минтақалардан биридир. Кўплаб тоғ музикалари Марказий Осиёning деярли барча дарёларининг манбаи хисобланади. Иқлими совуқ, кескин - контентал, республикадаги энг паст ҳаво ҳарорати шу ерда кузатилади.

Минтақа табиий ресурсларга бой. Бу ерда нодир ва қиммат баҳо металлар, тоғ хрустали, кўмир, асвест, слюда каби кўплаб минерал ресурслар топилган. Бу ерда 50 дан ортиқ иссиқ ва совуқ минерал шифобахш булоқлар мавжуд. Тоғлардан кўплаб қимматбаҳо тошлар олинади. Уларни қайта ишлаш учун Душанбе заргарлик заводларига олиб кетилади.

Минтақа гидроэнергетика ресурсларига ҳам бой. Лекин иқлимининг совуқлиги, транспорт нокулайлиги туфайли улардан тўлиқ фойдаланилмайди.

Бу ер тоғли ўлка бўлганлиги сабабли фақат автомобил транспорти яхши ривожланган. Ўш – Хоруғ автомобил тракти тоғли Бадаҳшонни Қирғизистон билан боғлайди.

Иқлимининг совуқлиги, тоғли ўлка бўлганлиги учун унинг иқтисодиётида кўпроқ қишлоқ хўжалиги ривожланишга имкон беради. Қишлоқ хўжалигига етакчи тармоқ чорвачилик хисобланади. У жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 70 % ни ташкил этади. Район учун тоғ яйлов чорвачилиги хос бўлиб, асосан қўтослар боқилади. Районнинг ғарбида унча катта бўлмаган худудларда дехқончилик билан шуғулланишади. Асосан буғдой, тариқ, нўхат етиштирилади. Картошка етиштириш ва тамакичилик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аҳолисининг кўпчилиги Помир тожиклари ва қирғизларидир. Минтақа маъмурий ва саноат маркази Хоруғ шахри бўлиб, у ғунт дарёси водийсида жойлаш-

ган. Шахарда нон заводи, сут - гүшт комбинатлари, тикувчилик фабрикаси, темир - бетон конструкция заводи ва бошқа корхоналар ишлаб турибди.

Хоруғ баланд тоғда жойлашган ботаника боғи билан ҳам машхур. Бу боғга МДУ профессори И.В.Шукин асос солған. Богда Европа, Африка, Австралия, Америкадан келтирилиб иқлимга мослаштирилган бута ва дараҳтлар ўстирилади.

### **Саволлар:**

1. Тожикистон табиий шароитининг ўзига хос ҳусусияти нимада?
2. Республика ҳўжалигига етакчи тармоқни айтинг.
3. Мамлакат гидроэнергетика ресурсларига таъриф беринг.
4. Республика аҳолиси табиий ўсишининг ҳарактерли ҳусусиятлари нимада?
5. Шарқий Помирда қишлоқ ҳўжалигининг қайси тармоги устуворроқ ривожланган?

## IV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**Режа:**

1. Ўзбекистон табиий шароити ва табиий ресурслари.
2. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.
3. Ҳўжалиги. Саноати, қишлоқ ҳўжалиги, транспорти.
4. Иқтисодий географик районлари.

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАБИИЙ ШАРОИТИ ВА БОЙЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё давлатларининг ўртасида, Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган бўлиб, ғарбий қисми Турон паст текислигини, жануби ва Шарқий қисми эса тоғли ўлкаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистоннинг майдони  $448,9$  минг км<sup>2</sup> бўлиб Марказий Осиё давлатлари орасида учинчи ўринда (МДҲ давлатлари орасида бешинчи) туради. Пойтахти Тошкент шаҳри. Унинг майдони шимолдан жанубга  $930$  кмга ғарбдан шарқга эса  $1400$  кмга чўзилган. Республика Марказий Осиё давлатларининг  $11,2$  фоиз худудини аҳолисининг эса  $45$  фоизини ташкил этади.

Ўзбекистоннинг географик ўрни анча қулай. У шимолда ва шимолий ғарбда Қозогистон, ғарбда Туркманистон, жанубда Афғонистон, шарқда эса Тожикистон ва Қирғизистон республикалари билан чегарадош.

Ўзбекистоннинг табиати бой ва жуда хилма-хилдир. Худудининг катта қисмини ( $78,7$  фоиз) текисликлар эгаллайди, қолган қисми эса ( $21,3$ ) тоғлардан ва тоғ оралиги ботиқларидан иборат.

Республика рельефида текисликлар, тепалик ва тоғликлар ўзига хос равишда уйғунлашиб кетган. Республикамиз шарқий қисмларида тоғлар оралиғида бир қанча тоғ оралиги ботиқлари жойлашган бўлиб, айниқса Фарғона ботиги алоҳида ажралиб туради. Бундан ташқари Чирчик-Оҳангарон водийси, Қашқадарё ва Сурхондарё водийлари ўзига хосдир. Булардан энг йириги Фарғона ботиги бўлиб шимолдан жанубга  $190-200$  км, ғарбдан шарқга эса  $370$  км масофага чўзилган. Водий ҳамма томондан тоғлар билан ўралган бўлиб, бодомсимон шаклни ҳосил қилган. Фақатгина ғарбий қисмida Ҳўжанд дарвозаси орқали Мирзачўл

ва Далварзин текисликлари билан туташган. Ўзининг ажойиб табиий шароити билан Фарғона водийси “Ўрта Осиёнинг жавоҳири” деган ном олган. Ўзбекистоннинг текислик қисмларига асосан Устюрт платоси ва Қизилқум чўллари киради. Республика нинг энг паст нуқтаси Мингбулоқ ботиги бўлиб, у қадимги емирилган тоғлар орасида жойлашган. Унинг мутлақ баландлиги денгиз сатҳидан- 12м ни ташкил этади. Энг баланд нуқтаси эса, Ҳисор тоғидаги Ҳазрати Султон чўққисидир. Унинг денгиз сатҳидан баландлиги 4643м. ташкил этади.

Ўзбекистон серқуёш ўлқадир. Иқлими қуруқ - континентал. Иқлимининг ташкил топишига географик ўрни, қуёш радиацияси, атмосфера циркуляцияси ва ер юзасининг тузилиши катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистоннинг ёзи жуда иссиқ ва узоқ бўлади. Июль ойининг ўртача температураси  $32^{\circ}\text{C}$ , энг юқори ҳаво ҳарорати Термизда  $50^{\circ}\text{C}$  га етади. Қишида ҳаво ҳарорати  $0^{\circ}$  дан пасаяди. Январь ойида Устюртда  $-10^{\circ}\text{C}$ , Тошкентда  $-1^{\circ}\text{C}$ , Термизда эса  $2.8^{\circ}\text{C}$  бўлади.

Ўзбекистон иқлимига шимолдан Арктика ва Ғарбий Сибирдан, ғарбдан эса Атлантика океанидан келадиган ҳаво массалари катта таъсир кўрсатади. Арктика ҳаво массалари совук ва қуруқ бўлса, Атлантика океани ҳаво массалари эса нам ва илиқдир. Ёгин миқдори худудлар бўйича нотекис тақсимланган. Республика мизнинг ғарбий қисмларида ўртача 100мм дан жануби-шарқда 700-800мм гача ёгин тушади. Ёгинларнинг асосий қисмлари қишиш ва баҳор ойларига тўғри келади. (40-30 фоиз)

Энг кам ёгин бу ёз ойида бўлади (7-10 фоиз).

Республика худудида бир қанча маҳаллий шамоллар ҳосил бўлади. Булар Фарғона водийсида Кўқон шамоли, Далварзин текислигида Бекобод шамоли, Сурхондарё водийсидаги иссиқ гармсел “Афғон” шамолидир.

Республика дарёлари берк ҳавзага киради ва улар худуд бўйича нотекис тақсимланган. Дарёлар асосан тоғлардан бошланади ва кўпчилиги текисликларга келиб сугоришга ишлатилганлиги сабабли қуриб қолади. Ўзбекистон худудининг қарийб учдан иккӣ қисмини эгаллаган поёнсиз текисликларда сув манбалари жуда ҳам кам. Айни пайтда республика шарқий қисмida жойлашган тоғлардан кўплаб сой ва дарёлар бошланади. Ер усти сувларининг республика худудлари бўйлаб нотекис

тақсимланиши мамлакатимиз табиий шароити натижасидир. Бу эса ўз навбатида мамлакат қишлоқ ҳўжалиги ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ўрта Осиё дарёлари каби Ўзбекистон дарёлари ҳам тоғпардаги қор ва музликпардан тўйинади. Ёгинлар ҳам асосан баҳор ойларида кўп ёғади. Шу сабабли дарёлар май-июнъ ойларида тўлиб оқади. Сувнинг бекорга оқиб кетмаслиги учун дарёларга бир қанча сув омборлари қурилган. Бу сув омборларида тўпланган сувлардан ёз ойларида суғориш учун ишлатилади.

Ўзбекистонни сув билан таъминлашда Ўрта Осиёнинг энг иирик дарёлари: Амударё ва Сирдарё катта аҳамиятга эгадир. Энг узун дарё Сирдарё бўлиб, унинг узунлиги 2981 км ни ташкил қилади. Энг серсув дарё эса Амударё, унинг узунлиги 2660 км дир. Аммо бу дарёлар республиканинг сувга бўлган эҳтиёжини қондирмайди.

Ўзбекистон дехқончилиги сунъий суғоришга асосланган минтақалар қаторига киради. Шу сабабли дарёлар моҳияти, уларнинг роли мавжуд дехқончилик ерлари учунгина эмас, балки янги ерларни ўзлаштириш учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Республика ҳудудида суғоришни яхшилаш мақсадида қадимдан дарёлардан кўплаб каналлар қазилган. Айниқса Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчик дарёларидан, Фаргона водийсидаги Қорадарё, Норин, Исфара, Сўх каби сойлардан кўплаб каналлар бошланган. Бу каналлар асосан суғориш мақсадида ҳамда гидроэлектро станциялар қурилишида катта аҳамиятга эгадир. Энг иирик каналлардан У.Юсупов номли катта Фаргона канали. Шимолий Фаргона, Наманган, эски Анҳор, Аму-Бухоро, Бўзсув ва бошқалардир. Иирик сув омборларидан-Туямўйин, Чорвоқ, Каттақўрғон, Туябўғиз ва бошқалар буёд этилган.

Ўзбекистон ҳудудида 250 га яқин кўллар бўлиб улар асосан майда кўллардир. Бу кўллардан энг иириклари Орол, Айдарқўл ҳисобланади. Орол кўли катталиги сабабли денгиз номини олган эди. Лекин унинг сатҳи кейинги йилларда кескин пасайиб кетди. Кичик кўллардан айримлари шифобахштилиги билан ажralиб туради. Булар жумласига Тузкон, Ахсикент, Денгизкўл, Қурбонкўли, Балиқкўл ва бошқалар киради.

Охирги йилларда кўплаб янги сув омборлари бунёд этилди. Буларга Оҳангарон, Жанубий Сурхон, Чимқўрғон ва бошқалар мисол бўлади. Бу сув омборлари асосан дарё режимини тартибга солиб, баҳорги, қишки, кузги сувларни тўплаб, ёзда сув танқис бўлган пайтда экин далаларини сув билан таъминлаш мақсадида қурилган.

Республикамиз ер ости сувларига ҳам бой. Айниқса уларнинг заҳиралари текисликларда ва тоғ оралиғи ботикларида кўплаб топилган. Артезиан сувларидан ташқари минерал сувлар ҳам кўп бўлиб, уларнинг иирик заҳиралари Фарғона, Сурхандарё ва Чирчик водийларида топилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 70 га яқин шифобахш минерал сув манбалари топилган. Булардан энг асосийлари Тошкент, Чорток, Фарғона, Олтиариқ, Чимён, Жайронхона ва бошқалардир. Бундай сувлар таркибида олтигурут, водород, радий, йод, бром кабилар кўп бўлганлиги боис катта ахамиятга эгадир ва шифобахш сувлар сифатида кенг фойдаланилади. Айниқса Фарғона водийси минерал сувлари кимёвий таркибига кўра жаҳондаги кўплаб минерал сув хавзаларидан қолишмайди. Жумладан Чорток ва Чимён минерал сувларининг довруги нафақат Ўзбекистон балки, қўшни мамлакатларда ҳам машхурдир.

Республикада хилма-хил ўсимликлар ўсади. Айниқса тоғли минтақаларда доривор ўсимликлар кўплаб учрайди. Уларнинг айрим турлари фақат Ўзбекистонда учрайди холос.

Ўзбекистон ҳудудида турли хил минерал ресурслар тарқалган. Республика ҳудудида ёнувчи, рудали ва рудасиз фойдали қазилмалар кўп. Айниқса олтин, вольфрам, мис, қўрғошин, рух, табиий газ ва бошқаларнинг заҳираларининг кўплиги бўйича жаҳон мамлакатларининг орасида етакчи ўринларда туради. Республика ҳудудида қурилиш материаллари (айниқса мармар), ойна қуми, кейинги йилларда очилган иирик фосфорит конлари ҳам алоҳида ахамиятга эгадир.

Ўзбекистон айниқса олтин қазиб чиқариш бўйича ажralиб туради. МДҲ давлатлари орасида Россиядан кейин иккинчи, жаҳонда эса саккизинчи ўринда туради. Сифатлилиги даражаси ҳам юқори. Олтиннинг иирик конлари Мурунтоғ, Кўкпатас, Учкудуқ, бундан ташқари, Зармитон, Маржонбулоқ, Чодак, Кўйтоташ ва бошқалардир. Мурунтоғ олтин кони асосида Қизилқумда иирик саноат маркази Зарафшон шахри қад кўтарган.

Рангли металлар Тошент вилоятида кўплаб топилган. Булар орасида мис қазиб чиқариш яхши ривожланган. Рангли металлар қазиб чиқариш асосида Олмалиқ шахри ривожланди. У республика иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эгадир.

Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари худуди Ўзбекистоннинг иирик газ минтақаси ҳисобланади. Иирик конларидан Муборак, Шўртанг, Жарқоқ ва бошқалар шу ерда жойлашган. Айниқса Шўртанг газ кони истиқболи порлоқдир. Газ факат ёқилғигина бўлиб қолмай. балки қимматбаҳо кимёвий хом-ашёси ҳамdir.

Қашқадарё вилояти газ заҳиралари жихатидан Республикада етакчи ўринни эгаллайди. Кейинги пайтларда Устюрт платоси худудларида ҳам янги-янги газ конлари топилди.

Республика ҳаётида кўмирнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Республикада қазиб олинадиган кўмирнинг 95% и Тошкент вилоятида-Ангрен кўмир ҳавzasига тўғри келади. Бу ерда кўмир очиқ усулда қазиб олинади. Шу сабабли маҳсулотнинг таннархи анча арzonдир.

Сурхандарё вилояти тоғларида саноатда катта аҳамиятга эга бўлган тошкўмир конлари топилган. Булар Шарғун ва Бойсун конлари бўлиб, коксланувчанлиги билан ажralиб туради.

Республикада кўплаб миқдорда нефт қазиб чиқазилади. Дастрлабки нефт кони Фарғона водийсида 1904 йилда топилган Чимён конидир. Кейинчалик бу минтақада Полвонтош, Сўх, Жанубий \*Оламушук, Андижон ва бошқа конлар очилди. Мустақиллик йилларида эса (1992) Наманган вилоятида Мингбулоқ нефт кони топилди. Нефтни қайта ишлаш мақсадида Фарғона ва Олтиариқда нефтни қайта ишлашлаш заводлари қурилган. Ҳозирги кунга келиб, Сурхон водийсида, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари худудида ҳам нефт конлари очилган. Айниқса Кўқдумалоқ, Қоровулбозор конларининг истиқболи каттадир. 1990 йилларда 2 млн т атрофида нефт қазиб олинган бўлса, бу кўрсаткич 1998йилга келиб, 8 млн т дан ошиб кетди. Ўзбекистон ўз нефт мустақиллигига эришди. Айниқса Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда хилма-хил нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ер ости ва усти бойликлари табиатнинг энг буюк инъомидир. Бу бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, атроф мухитни муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эгадир.

## АҲОЛИСИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ

Ўзбекистон республикаси кўп миллатли мамлакатлардан бири бўлиб, 120 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қиласди. Жами аҳолиси 25 млн 210 минг кишидан ортиқ. Аҳолисининг сони бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи ўринда туради. (МДҲ давлатлари орасида Россия ва Украинадан кейин учинчи). Республикада Марказий Осиё аҳолисининг 43% и истиқомат қиласди.

Мамлакат аҳолиси тез ортиб бормоқда. Аҳоли сонининг кўпайиши асосан табиий ўсиш ҳисобига рўй бермоқда. Республика аҳолиси ҳар йили ўртacha 400-450минг кишига кўпаймоқда.

Аҳолининг кўпчилигини ўзбеклар ташкил қиласди. (78%). Бундан ташқари қозоқлар, тожиклар, қорақалпоқлар, туркманлар, қирғизлар, руслар, украинлар ва бошқалар истиқомат қилишади.

Республикада урбанизация даражаси ўртacha кўрсаткичга эга, яъни жами аҳолисининг 38 % шахарларда яшайди. Ўзбекистонда айниқса кейинги пайтларда қишлоқ аҳолиси тез ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби қишлоқларда туғилишнинг юқорилигидир.

Ўзбекистонда аҳоли ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланган. Аҳолининг ўртacha зичлиги  $1\text{km}^2$  га 54 кишини ташкил этади. Пекин бу кўрсаткич вилоятлар ўртасида бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, аҳолиси энг зич вилоятлар: Андижон, Фарғона, Тошкент, Наманган вилоятлари бўлиб, буларда 300-500 кишини ташкил этгани ҳолда, Қорақалпоғистон республикаси, Навоий вилоятларида энг паст, яъни 8-10 кишига тўғри келади.

Республика аҳолисининг 45 фоиздан кўпроғини 20 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. 55 ва ундан катта ёщдагилар эса жами аҳолининг 8% ни ташкил этади.

Аҳолининг жинсий таркибида аёллар салмоғи юқори бўлиб, жами аҳолининг 50,5 фоизини ташкил этади. Кейинги йилларда аёллар билан эркаклар орасидаги фарқ тобора камайиб бормоқда. Масалан 1980 йилда аёллар эркакларга нисбатан 268 минг кишига кўп бўлган бўлса, 1990 йилга келиб 119 мингга тушиб қолди.

Аҳолининг жинсий ва ёш таркибига оид бўлган хусусиятлар меҳнат ресурсларида ҳам намоён бўлади. Меҳнат ресурсларининг асосини меҳнатга қобилиятли аҳоли ташкил этади. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларига 16 ёшдан 60 ёшгacha бўлган эркаклар, 16 ёшдан 55 ёшгacha бўлган аёллар киради. Республика аҳолисининг 50 фоизга яқини меҳнат ресурсларига тўғри келади.

Ҳар йили ўртача 200-250 минг киши меҳнатга лайоқатли аҳоли таркибига қўшилади. Бу эса ўз навбатида меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш муаммосини келтириб чиқаради.

Меҳнат ёшидаги айрим аҳоли маълум объектив ва субъектив сабабларга кўра ишлаб чиқаришда иштирок эта олмайди.

Объектив сабабларга - ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда ўқиш, ҳарбий хизматни ўташ кабилар кирса, субъектив сабабга кўра - яъни ёш болали ва кўп фарзандли аёлларнинг бола тарбияси билан, шахсий хўжалик юмушлари билан бандлиги мисол бўлади.

Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳолининг ҳалқ хўжалик тармоқлари бўйича бандлиги бир-биридан фарқ қиласди. Республика аҳолисининг асосий кўпчилиги моддий ишлаб чиқариш тармоқлари - яъни қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, қурилиш ва бошқаларда банд. Номоддий ишлаб чиқариш тармоқларига эса республика аҳолисининг 30 фоизга яқини тўғри келади.

Хозирги кунга келиб, яъни иқтисоднинг бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳоли бандлигига зарур ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Кичик ва ўрта бизнесинг ривожланиши билан якка тартибда иш билан банд аҳоли сони ортиб давлат корхоналарида ишлаётганлар сони тобора камайиб бормоқда.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда 120 та шаҳар, 113 та шаҳарча мавжуд. Шаҳар мақомини бериш давлатларда бир-биридан фарқ қиласди. Қўшни республикаларда аҳоли сони 5 минг кишидан ошса, Ўзбекистонда эса 7 минг кишидан ошса, аҳолисининг 2/3 қисми қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқларда банд бўлса шаҳар деб аталади.

Республикада аҳолиси юз мингдан ортиқ бўлган 17 та шаҳар бўлиб, буларда шаҳар аҳолисиниг 59 фоизи яшамоқда. Энг йирик шаҳарлари Тошкет (2149 минг), Наманган (397 минг),

Самарқанд, (363 минг), Андижон (343 минг), Кўқон, (202 минг), Марғилон ва бошқалардир.

Республикадаги барча вилоят марказлари (Гулистандан ташқари) йирик шаҳарлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда аниқ шаклланган иккита агломерациялар мавжуд. Булар Тошкент ва Фарғона-Марғилон агломерациялариdir.

Шунингдек Самарқанд, Андижон, Бухоро каби шаҳар агломерациялари ҳам шаклланмоқда.

## ХЎЖАЛИГИ

Ўзбекистон хўжалигида қадимдан қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ ҳисобланиб келинган. Лекин сўнгги йилларда саноатнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Республика саноати кўп тармоқли бўлиб - қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электр энергетика, нефт ва газ, кўмир, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати кабилардир.

Республика саноатида етакчи ўрини оғир саноат згаллади. Маълумки бунга ёқилғи-энергетика, машинасозлик, металлургия ва қурилиш материаллари саноат тармоқлари киради. Оғир саноат халқ хўжаликнинг кўплаб тармоқларини янги техника жихозлари билан таъминлайди. Ҳозирги замон иқтисодиётини ривожлантиришда электр-энергетикасиз тасаввур этиб бўлмайди.

Республикада ишлаб чиқариладиган электр эргиянинг кўлчилиги ГРЭСлардан олинади. Буларга Сирдарё, Навоий, Тошкент, Ангрен, Тахиатош ва бошқа ГРЭСлар киради. Шунингдек ГЭСлар ҳам катта аҳамиятга эга, айниқса Чирчик-Бўзсув каскади ГЭСлари алоҳида ўринда туради.

Мамлакат саноатида етакчи тармоқлардан бири машинасозлик. Машинасозлик саноатида пахта терувчи машиналар, чигит зкувчи, йигирувчи, суғорувчи машиналар, автомобиллар, самолётлар ва ҳокозолар ишлаб чиқарилади.

Айниқса республиканинг Андижон вилоятида (Асака шаҳри) 1996 йилда Жанубий Корея билан ҳамкорликда қурилиб ишга туширилган ЎзДЭУ авто қўшма корхонаси катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон жаҳонда автомобиллар ишлаб чиқарадиган 28 мамлакатнинг бирига айланди. Бу ерда "Нексия", "Тико",

"Дамас", автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги кунга келиб эса янги автомобил русуми "Матиз" ишлаб чиқариш йўлга кўйилди.

1999 йил март ойидан бошлаб яна бир автомобил заводи ишга тушди. Бу қадимий Самарқанд шаҳридир. Шахарда Туркия билан ҳамкорликда "Самкочавто" қўшма корхонаси ташкил этилиб, ЎзОтайўл микро автобуслари ишлаб чиқаришлари йўлга кўйилди.

Республика машинасозлик тармоғида кўплаб корхона ва бирлашмалар ишлаб турибди. Булардан асосийлари Тошкент Агрегат заводи, ТТЗ, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Чирчик кимё машинасозлиги, Андижон ирмаш ва бошқа заводлардир.

Оғир саноатнинг муҳим тармоқларидан яна бири ёқилғи саноати бўлиб, табиий газ, нефт, кўмир қазиб чиқариш, нефтни қайта ишлишни ўз ичига олади. Газ саноати республика ёқилғи саноатининг энг ёш тармоғи ҳисобланади. Янти газ конларининг очилиши билан Ўзбекистон табиий газга бой ва газ саноати ривожланган мамлакатлардан бирига айланди. Республика газ қазиб чиқаришда МДҲ давлатлари орасида Россия ва Туркманистондан кейин учинчи ўринда туради. Мамлакатда олиандиган табиий газнинг 80% ини Қашқадарё вилояти беради. Республикада барча ёқилғилар орасида газнинг салмоғи 85%дан ортиқдир.

Нефт саноати ҳозирги замон ёқилғи саноатининг самарали турларидан биридир. Нефт саноати республика ёқилғи саноатининг тўнгич тармоғи ҳисобланади. Ўзбекистон мустақиллик йилларида нефт мустақиллигига ҳам эришди. Асосий нефтни қайта ишлиш заводлари Фарғона водийсидаги Фарғона, Олтиариқ ва Бухоро вилоятидаги Қоравулбозор нефтни қайта ишлиш заводлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда кўмир захиралари унча катта эмас. Асосий конлари Тошкент вилоятидаги Ангрен ва Сурхондарё вилоятидаги Шарғун ва Бойсун конларидир. Асосий кўмир Ангрен конидан олинади. (95 ф) Унинг таннархи анча арzon. Кўмир саноати республикада яна ҳам ривожланниб бораверади.

Республика саноат тармоқлари орасида рангли металлургия ҳам ўзига хос аҳамиятга эгадир. Минтақада мис, вольфрам, молибден, кўргошин, рух, олтин қазиб чиқариш ривожланган.

Рангли металлургиянинг маркази Олмалиқ ҳисобланса, нодир металлар асосан Мурунтовда (Зарафшон) топилган. Йирик саноат марказлари Олмалиқ-тоғ металлургия комбинати, Чирчиқ ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар заводи, Навоий-тоғ металлургия комбинатлари ва бошқалардир. Мурунтов олтин конада Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси “Зарафшон-Ньюмонт” ташкил этилган. Бу қўшма корхона чиқиндилардан олтин ажратиб олишга ихтисослашган.

Республикада қора металлургия ҳам шаклланган. Унинг маркази Бекобод шахри бўлиб, бу ерда 1946 йили металлургия комбинати ишга туширилган. Бу корхона металлом асосида ишлайди.

Кимё саноати ҳам халқ хўжалигида катта ахҳамиятга эгадир. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришини пластмасса, сунъий тола, лак- бўёқ, кислота ва бошқа кимёвий маҳсулотларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Кимё саноати марказлари Тошкент, Самарқанд, Чирчик, Андижон, Фарғона, Навоий, Олмалиқ, Поп, Жиззах каби қатор шахарлар ҳисобланади. Шунингдек республикада электротехника, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари ҳам анча яхши ривожланган.

## Қишлоқ хўжалиги

Республика иқтисодиётини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат билан, саноат тармоқларини эса қимматбаҳо хом-ашёлар билан таъминлаб турadi. Республика аҳолиси қадимдан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб келишган, бой тажрибага эгадир. Қишлоқ хўжалигида етакчи тармоқ дехқончилик ҳисобланади.

Ўзбекистонда дехқончиликнинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликда сугоришдан кенг фойдаланилади. Лекин республикада сугориладиган ерлар салмоғи унча катта эмас. Ерларнинг кўпчилигини чўллар ва чала чўллар эгаллаган. Дехқончилик ҳудудларида барча экинлар экилади. Пахтачилик билан алмашлаб маккажӯҳори, буғдой экилади. Шунингдек, шоликорлик, боғдорчилик, узумчилик ҳам тараққий этган.

Республиканинг барча ҳудуларида ғалла, асосан буғдой экилади. Лекин яқин вақтларгача четдан кўплаб миқдорда дон олиб келинган. Республикада олиб борилган аграр сиёсат туфайли бу нарса аста секин барҳам толмоқда. Ҳозирги кунда республикада тўрт миллион тоннага яқин буғдой етиштирилмоқда. Бу эса ўз навбатида ғалла мустақиллигига эришишга олиб келмоқда. Ғаллачиликда шоли етиштириш ҳам катта аҳамият касб этади. Шоли етиштирищда Қорақалпогистон республикаси ва Хоразм вилояти етакчи ўринда туради.

Шунингдек республикада каноп етиштириш (Тошкент вилояти), тамаки етиштириш (Самарқанд вилояти), Махсар (ёғ олиш учун, Самарқанд вилояти), қандловлаги (Хоразм вилояти), полиз экинлари (Сирдарё, Жиззах вилоятлари), картошка (Самарқанд, Тошкент вилоятлари) етиштириш ҳам яхши ривожланган.

Ўзбекистон иклим шароити боғдорчилик учун ҳам қулай. Боғдорчилик ва узумчилик иқтисослашган тармоқлардан бири-дир. Ўрик етиштириш Фарғона водийсида, анор Қашқадарё вилояти (Варғанза), Фарғона вилояти (Кува), Сурхондарё вилояти (Дошноввот) да кўплаб етиштирилади.

Узумчилик барча вилоятларда ривожланган. Бу соҳада айниқса Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари етакчи ўринда туради.

Чорвачилик дәҳқончиликдан кейин туради. Чорвачиликда етакчи тармоқ қўйчиликидир. Айниқса республикада қоракўл қўйлари боқиш яхши йўлга қўйилган бўлиб, ҳалқаро ихтисослашган тармоқдир. Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ҳамда Қорақалпогистонда кўплаб қоракўл қўйлари боқилади. Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида ҳисори қўйлари кўп бўлиб, улар асосан гўшти ва юнги учун боқилади. Наманган вилояти эса майин юнгли ангор эчкиларни боқища етакчи ўринда туради. Қорамоллар барча вилоятларда боқилади. Энг кўп Қашқадарё, Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларига тўғри келади.

Йирик шаҳарлар атрофида сут-гўшт чорвачилик, чўл минтақаларида эса гўшт - сут чорвачилиги ривожланган. Мустақиллик йилларидан бошлаб йилқичилик ҳам кўпая бошлади. Шунингдек республикада паррандачилик, даррандачилик ҳам ривожланиб бормоқда.

## ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАР

Республикада 8 та иқтисодий район ажратилади.

1. Тошкент иқтисодий райони (Тошкент вилояти)
2. Мирзачўл иқтисодий райони (Сирдарё, Жиззах вилоятлари)
3. Фарғона иқтисодий райони (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари)
4. Самарқанд иқтисодий райони (Самарқанд вилояти)
5. Бухоро - Навоий иқтисодий райони (Бухоро, Навоий вилоятлари)
6. Қашқадарё иқтисодий райони (Қашқадарё вилояти)
7. Сурхондарё иқтисодий райони (Сурхондарё вилояти)
8. Қўйи Амударё иқтисодий райони (Қорақалпогистон республикаси ва Хоразм вилояти)

## ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Иқтисодий район маъмурий жиҳатдан Тошкент вилоятидан иборат бўлиб, унинг майдони  $15.6 \text{ минг км}^2$ , Аҳолиси 4560,3 минг киши (2002). Бу район республика ҳудудининг 3,5 фоизини, аҳолисининг эса 18 фоизини ташкил этади. Аҳоли зичлиги  $1\text{км}^2$  га 292,3 киши тўғри келади.

Иқтисодий район Республиkanинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, шимолда Қозогистон, шимолий-шарқда Қирғизистон ва Наманган вилояти, жанубда Тожикистон ва гарбда Сирдарё вилояти билан чегараланади. Ҳудудининг катталиги бўйича иқтисодий районлар орасида ўринда туради.

Табиий шароити хилма хил бўлиб, ер юзаси гарбдан шарқга томон кўтарилиб боради. Табий ресурсларга бой. Айниқса минтақа қудудида кўмир, рангли металлар, қурилиш материаллари кўплаб топилган. Минтақа хўжалигининг ривожланганлиги бўйича республикада етакчи ўринни згаллади. Иқтисодий район республика ялпи саноат махсулотининг 40фоизга яқинини беради: саноат махсулотининг 3/2 қисми оғир саноатта тўғри келади. Республикада ишлаб чиқариладиган электр-энергиянинг 44 фоизини, кўмирнинг 95 фоизини, қишлоқ хўжалик машиналарининг 95 фоизини, кўн-пойафзалнинг 3/1

қисмини, ўсимлик майининг 30 фоизини ва бошқа кўплаб маҳсулотларни етказиб беради.

Иқтисодий район аҳолиси ҳудудлар бўйича нотекис жойлашган. Дарё водийлари сугориладиган ерпарда 1км<sup>2</sup> га 400-450, тоғ ён бағирларида эса 5-10 киши тўғри келади. Аҳолисининг миллий таркиби хилма-хил бўлиб, ўзбеклар кўпчиликни-45фоизни, руслар 15 фоизни, татарлар 7 фоизни, қозоқлар 6,3 фоизи, корейслар 3,2 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари украинлар, яхудийлар, тожиклар ва бошқа миллатлар ҳам истиқомат қилишади.

Аҳолисининг асосий қисми шаҳарларда яшайди. Тошкент шаҳри билан қўшиб ҳисобланганда 71 фоиздан ортади. Минтақада 17 та шаҳар ва 19 та шаҳарча мавжуд. Энг йирик шаҳарлари Тошкент, Ангрен, Олмалиқ, Чирчикдир. Бу ерда Тошкент агломерацияси ташкил топған бўлиб, у моноцентрик аҳамиятга эгадир.

Тошкент шаҳри-республика пойтахти, йирик саноат, транспорт марказидир. Аҳолиси 2149 минг киши (2002). Маъмурий жиҳатдан 11 та туманга бўлинган. У нафақат Марказий Осиё, балки МДҲ даги энг йирик шаҳарлардан биридир. Шаҳарда республика саноат маҳсулотларининг 25 фоизга яқини ишлаб чиқарилади. Энг йирик корхоналари Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, самолётсозлик ва бошқалар.

Асосий темир йўллар Тошкент-Оренбург-Москва, Тошкент-Туркманбоши, Тошкент-Андижон, Тошкент-Душанбе ва бошқалардир. Ҳаво йўллари - Тошкентдан-Дехли, Ханой, Истанбул, Манила, Дубай, Франкфурт на Майне ва бошқа кўплаб мамлакатлар шаҳарлари билан боғланган бўлса, автомобил йўллари орқали Марказий Осиё давлатларининг барчаси билан боғланган.

Чирчик-аҳолиси сони (142 минг киши) ва саноат ҳажми бўйича Тошкентдан сўнг иккинчи ўринда туради. Шаҳарда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, капролактам, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл қотишмалари, трансформатор ва бошқа корхоналар ишлаб турибди.

Ангрен - (130 минг киши)йирик саноат маркази бўлиб, кўмир асосида ишлайдиган корхоналар кўп. Ангрен ГРЭСи, резина техника буюмлари, подземугольгаз корхонаси, тоғ-кон, слитин бойитиш ва бошқалар жойлашган.

Олмалиқ (114 минг киши) районнинг асосий рангли металлургия марказидир. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида мис ва рух бойитиш, олтин қуиши, сульфат кислота олиш ва бошқа цехлар ишлаб турибди. Шахарда кимё саноати ҳам яхши ривожланган, бу ерда пластмасса идишлар, кир ювиш воситалари, аммофос ишлаб чиқариш ва бошқалар йўлга қўйилган.

Иқтисодий районда ёқилғи энргетика мажмуаси яхши ривожланган. Минтақада республиканинг 45%га яқин электр энергетикаси ҳосил қилинади. Улар Тошкент, Ангрен, Янги Ангрен ГРЭС лари ва Чирчик - Бўзсув каскадидаги ГЭСлардан олинади.

Иқтисодий район республикада ягона қора металлургия марказига ҳам эга. Бекобод металлургия заводи республикада тўплланган темир-терсак асосида ишлайди.

Чирчик шаҳрида қийин зрийдиган ва ўтга чидамли қотишмалар комбинати ишлаб турибди. Комбинатда вольфрам ва молибдендан кўплаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Машинасозлик энг ривожланган тармоқлардан биридир. Бу ерда қишлоқ хўжалик машинасозлиги (Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Чирчик қишлоқ хўжалик машинасозлиги), электротехника (Тошенткабель, Чирчик трансформатор, Тошкент электротехника заводлари), кимё машинасозлиги кабилар муҳим аҳамиятта эгадир. Шунингдек районда самолётсозлик, электротехника (Ал-Хоразмий, Зенит, Миконд) ва бошқа корхоналар ишлаб турибди.

Итисодий районда ёнгил ва озиқ-овқат саноати ҳам яхши ривожланган. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Минтақада йирик пахта тозалаш заводлари, луб заводлари мавжуд.

Енгил саноатнинг энг йирик корхонаси Тошкент тўқимачилик комбинати бўлиб, бу ерда ип газлама ва бошқалар ишлаб чиқарилади. Шунингдек "Малика, Юлдуз, Қизил тонг" ишлаб чиқариш бирлашмалари, Орзу чарм-галантерия, Олмалиқ гилам фабрикаси, Тошкент, Чирчик, Янгийўл пойафзал корхоналари ҳам катта аҳамиятта эгадир.

Шу билан бирга мебел, термос, пластмасса маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзига хос ўринда туради.

Иқтисодий район қишлоқ хўжалиги ҳам яхши ривожланган. Минтақа сабзовот, мева, каноп ҳамда дон етиштириш бўйича пахта олдинги ўринларда туради. Бу ерда шолининг 11 фоиз, картошканинг 17,4 фоизи, сабзавотнинг 20 фоизи етиштирилади. Тор ён бағирларида лалмикор дехқончилик, текисликларда эса суғориб дехқончилик қилиш ривожланган.

Иқтисодий район чорвачилиги гўшт-сут етиштиришга ихтинослашган. Йирик шаҳарлар атрофида сут-гўшт чорвачилиги устун туради. Қорамоплар, чўчқа ва паррандалар шаҳар атрофида боқилса, қўй ва эчкилар эса тог ён бағирларида кўплаб боқилади. Айниқса ангор эчкилари боқиш яхши ривожланган.

## МИРЗАЧЎЛ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Бу иқтисодий район маъмурий жиҳатдан Сирдарё ва Жиззах вилоятларини ўз ичига олади. Унинг майдони  $25,5$  минг  $\text{км}^2$ , аҳолиси  $1,7$  (2000) миллион киши, Майдони бўйича  $4$  ўринда туради. Аҳоли зичлиги  $1\text{km}^2$  га  $63,9$  киши тўғри келгани ҳолда, Жиззах вилоятида  $47,7$  киши тўғри келади холос. Аҳолининг миллий таркибида ўзбеклар кўпчиликни ташкил қиласиди. Жами аҳолининг 71 фоизи ўзбеклар, булардан ташқари руслар, қозоқлар, корейслар ва бошқа миллатлар ҳам кўл. Урбанизация даражаси анча паст. Шаҳар аҳолиси 30 фоизни ташкил этади. Минтақада 12 та шаҳар ва 10 та шаҳарча мавжуд бўлиб, улардан энг йириги Жиззах шаҳридир. Шаҳарда 134 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Гулистон, Янгиер шаҳарлари нисбатан кичикроқдир.

Мирзачўл хўжалигида қишлоқ хўжалиги устун туради. Минтақа Ўзбекистоннинг асосий пахтачилик марказларидан бири ҳисобланади. Бу ерда Республика қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 16 фоизи етиштирилади. Кейинги йилларида саноат ҳам анча ривожланиб бормоқда. Айниқса Сирдарё ГРЭС и қурилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек минтақада рангли metallurgия саноати яхши ривожланган. Машинасозлик энди ривожланиб бормоқда. Айниқса Жиззах аккумулятор заводи алоҳида ўринда туради.

Кимё саноати маркази Жиззах шаҳридир. Бу ерда ирригация ва мелиорация мақсадларида ишлатиладиган полиэтилен кувурлар ишлаб чиқариш комбинати жойлашган.

Минтақада қурилиш материаллари саноати анча яхши ривожланган. Йирик марказлари Жиззах ва Янгиер шаҳарлари дир. Минтақа худудидан кўплаб мармар қазиб олинади.

Иқтисодий районда енгил ва озиқ-овқат саноати анча тез ривожланиб бормоқда. Бу ерда йирик пахта тозалаш заводлари кўпчиликни ташкил этади. Барча шаҳарларда озиқ-овқат корхоналари ишлаб турибди.

Иқтисодий район республиканинг йирик пахтачилик марказларидан биридир. Минтақа ҳудудининг деярли ярмига пахта экилади. Пахта билан алмашлаб буғдой, маккажӯхори етиштирилади.

Галла етиштириш бўйича республикада олдинги ўринда туради. Шунингдек Мирзачўл ўзининг полиз экинлари билан ҳам машҳур. Республикада қовун-тарвуз етиштириш бўйича биринчи ўринда (26,2 фоиз) туради. Полиз экинлари мамлакат ташқарисига ҳам чиқарилади.

Минтақа қишлоқ ҳўжалигида чорвачиликнинг ҳам аҳмамияти каттадир. Районда республика қоракўлининг 10 фоизга яқини етиштирилади. Шунингдек паррандачилик, пиллачилик ҳам яхши ривожланган.

Мирзачўл ҳўжалиги бундан кейин ҳам ривожланиб бора-веради. Бунинг асосий сабаби унинг географик ўрнининг қулайлигидир. Унинг ҳудудидан асосий автомобил ва темир йўллар ўтган бўлиб, республиканинг бошқа иқтисодий районлари билан алоқани яхшилайди.

## ФАРГОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Минтақа маъмурий жиҳатдан Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидан иборат бўлиб, уларнинг ҳудуди 18,3 минг  $\text{km}^2$  га teng. Аҳолиси 6984 минг киши (2002). Аҳоли зичлиги  $1\text{km}^2$  363 киши га тўғри келади.

Минтақа республика ҳудудининг 4,3 фоизни, аҳолининг эса 25 фоиздан кўргонини ташкил қиласди.

Фарғона водийси табиий шароитига кўра республика бошқа минтақаларидан кескин фарқ қиласди. Унинг барча томони тоғлар билан ўралган. Минтақа гарбдан шарққа чўзилган бўлиб, бодом шаклига эгадир. Водийнинг гарбий қисмидагина очиқ жой бўлиб, Ҳўжанд дарвозаси орқали Мирзачўл ва Тош-

кент иқтисодий районларига чиқиш имкониятига эга. Табиий ресурсларга анча бой. Нефт, рангли металлар, қурилиш хомашёлари ва бошқалар алоҳида аҳамиятга эгадир. Республикадати дастлабки нефт кони ҳам Фарғона водийсида топилган. (Чимён)

Табиий шароитининг қулайлиги бу ерда қадимдан аҳолининг зич яшашига имкон беради.

Минтақа хўжалигининг ривожланганлиги бўйича Тошкент иқтисодий районидан кейин туради. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ялпи саноат маҳсулотининг 25 фоиздан кўпроғини, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 30 фоизни, шу жумладан пахтанинг 27 фоизи, пилланинг 3/2 қисмини шу иқтисодий район етказиб беради.

Минтақа аҳолиси ҳудудлар бўйича нотекис жойлашган. Аҳоли энг зич худуд Андижон вилояти бўлиб,  $1\text{km}^2$  га 536 кишидан ортиқ тўғри келади. Аксинча Наманган вилояти тоғ ён бағирларида нисбатан кам. Минтақада урбанизация даражаси анча паст. Жами аҳолининг 32 фоизга яқини шаҳарларда яшайди. Лекин шаҳарлар сони бўйича барча иқтисодий районлардан олдинда туради. Бу ерда 28 та шаҳар, 26 та шаҳарча бор.

Энг йирик шаҳарлари Наманган, Андижон, Қўқон, Марғон, Фарғона ва бошқалардир. Наманган шаҳри аҳолисийнинг сони бўйича пойтахт Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринда туради 9397 минг).

Минтақада республика саноат маҳсулотининг 25 фоизи ишлаб чиқарилади. Ўз маҳсулотининг салмоғи бўйича машини-созлик, енгил ва озиқ-овқат саноати етакчи ўринда туради.

Яхши ривожланган саноат тармоқларидан-машинасозлик катта аҳамиятга эгадир. Бу ерда ирригация ва мелиорация машинасозлиги, қишлоқ хўжалик машиналари қисмлари, тўқимачилик машинасозлиги ва бошқалар ривожланган. Шунингдек минтақада Марказий Осиёдаги дастлабки автомобил заводи қурилиб ишга туширилган. Заводда "Нексия, Тико, Дамас" автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги кунда янги автомобил модели "Матиз" ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Минтақада кимё саноати ҳам яхши ривожланган. Фарғонада азот ўғитлар, Қўқонда суперфосфат заводи, Андижон гидролиз заводи, Попда резина техника буюмлари илаб чиқариш ва бошқалар катта аҳамиятта эга.

Шунингдек иқтисодий районда енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ҳам яхши ривожланган. Йирик марказлари Наманган, Марғилон, Кўқон ва бошқалар.

Фарғона иқтисодий райони энг йирик қишлоқ хўжалик минтақаси ҳамдир. Унинг асосини дехқончилик ташкил этади. Сугориладиган ерларда пахтачилик билан шугулланишади. Ёрдамчи тармоқ эса буғдой етиштиришдан иборат. Бодорчилик ва узумчилик ҳам яхши ривожланган. Айниқса Кувга анорлари, Наманган олмалари, Олтиариқ турп ва бодринглари жуда машҳур. Кейинги пайтларда иссиқ хоналарда лимон етиштириш ривожланмоқда.

Минтақада чорвачилик дехқончиликка нисбатан анча суст ривожланган. Тоғ яйловлари қўшни республикалар ҳудудига тўғри келади. Қорамолчилик ҳам ривожланиб бормоқда.

Минтақа транспорти ҳам яхши ривожланган. Водий бўйлаб йирик шаҳарларни тулаштирувчи халқа йўли қурилган. Бу ерга Тошкент-Наманган-Андижон, Тошкент-Марғилон-Андижон, Бишкек-Жалолобод тёмир йўллари юк ва йўловчи ташишда катта аҳамиятга эга. Барча йирик шаҳарлардан Тошкент шаҳрига хаво йўли очилган.

## САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Иқтисодий район Самарқанд вилоятидан иборат бўлиб, унинг майдони 16,8 минг км<sup>2</sup>, аҳолиси 2,7 миллион киши. Минтақа республика ҳудудининг З фоизини, аҳолисининг эса 10,7 фоизини ташкил этади. Иқтисодий район республиканинг марказий қисмида Зарафшон водийсида жойлашган.

Табиий шароити ўзига хос. Шимолда Нурота, шимолий шарқда Туркистон, шарқда ва жанубий шарқда эса Зарафшон тизма тоғлари билан ўралган. Республикада энг кўл ёғин микдори шу ерга тушади (900 мм). Табиий ресурсларга анча бой. Бу ерда рангли металлар, мармар, оҳактош, керамзит ва қатъ бошқалар учрайди.

Минтақада аҳоли зичлиги нисбатан юқори бўлиб, 1 км<sup>2</sup> га 100 киши тўғри келади. Аҳолининг миллий таркибида ўзбеклар, тоҷиклар кўпчилликни ташкил этади. Бундан ташқари руслар, еврейлар, эронийлар, татарлар, озарбайжонлар ва бошқалар ҳам истиқомат қилишади. Аҳолисининг 28 фоизи шаҳарларда

яшайди. Минтақада 11 та шаҳар ва 12 та шаҳарча бор. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида 33,8 фоиз аҳолиси банд.

Иқтисодий район хўжалигида саноат етакчи ўринда бўлиб, тоғ-кон, машинасозлик, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари яхши ривожланган.

Самарқанд шаҳри (аҳолиси 363 минг киши) (2002) энг қадимий шаҳарлардан биридир. Тарихий ва меъморчилик ёдгорликлари кўп бўлганлиги сабабли жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан туристларни ўзига жалб қиласди. Айиқса Улугбек, Тиллақори, Шердор мадрасалари, Улугбек расадхонаси, Гўри Амир, Бибихоним мачити ва бошқалар жуда машҳур.

Шаҳарда кўплаб машинасозлик корхоналари қурилган. <sup>АДИ</sup> “Красний двигатель, Кинап”, Лифтсозлик, “Сик” совутгичлар <sup>Чинни</sup> ишлаб чиқариш заводлари ишлаб турибди. <sup>Чинни</sup> Минтақа республика нинг иккинчи автомобил маркази ҳамдир. Бу ерда Туркия билан ҳамкорликда “Самкосавто” қўшма корхонаси қурилиб, микроавтобуслар (Ўз Отайул) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Кимё саноатида Самарқад суперфосфат заводи етакчи ўринда туради.

Иқтисодий районда енгил саноат яхши ривожланган. Йирик пахта тозалаш заводлари, шойи газлама ишлаб чиқариш, чинни заводи ва бошқалар катта аҳамиятга эга. Республика трико<sup>таж</sup> буюмларининг 20 фоиз шу минтақага тўғри келади.

Озиқ-овқат саноати маҳаллий хом ашёлар асосида ишлайди. Консерва, ўсимлик мойи, тамаки, чой қадоқлаш, бройлер корхонаси яхши ривожланган.

Минтақада қишлоқ хўжалиги яхши йўлга қўйилган. Ҳудудининг катта қисми суғорилиб дехқончилик қилишга яроқли. Асосан пахтачилик ривожланган. Бундан ташқари техника экинларидан зигир, кунжут, махсар кабилар экиласди. Ургут республиканинг тамаки етиштиришга ихтисослашган туманидир.

Пахта билағалмашлаб маккажӯҳори, буғдой экиласди. Лалмикор ерларда буғдой, арпа етиштириш яхши йўлга қўйилган. Шунингдек митақада сабзавот, (16 фоиз) айиқса картошка кўплаб етиштирилади. Картошка етиштириш бўйича республикада (23 фоиз) биринчи ўринда туради. Шу билан бирга борглар ва узумзорлар ҳам кўп. Майиз етиштириш бўйича ҳам республикада олдинги ўринда туради.

Иқтисодий район қишлоқ хўжалигида чорвачилик ҳам катта ахамиятга эга. Қорамолларнинг умумий сони бўйича биринчи ўриндадир. Қора моллар барча худудларда боқилади.

Районда қўйчилик, қоракўлчилик ҳам яхши ривожланган. Қоракўлчилик бўйича Бухоро-Навоий ва Қашқадарё иқтисодий районларидан сўнг учинчи ўринда туради. Нарпай тумани? қоракўлчиликка ихтисослашган.

Шунингдек пиллачилик ҳам яхши ривожланган бўлиб, Фаргона ва Бухоро-Навоий иқтисодий районларидан кейинда туради. Минтақада чўчқачилик ва паррандачилик ҳам ривожланниб бормокда.

Район хўжилиги бундан кейин ҳам ривожланиб бораверади. Самарқанд ҳозирги пайтда йирик илм-фан, саноат, транспорт ва рекреация маркази ҳисобланади. Шаҳар аэропорти халқаро аэропорт мақомига эга бўлиб, МДҲ давлатлари ва бошқа хорижий давлатлар билан ҳаво йўли орқали боғланган.

## БУХОРО – НАВОИЙ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Иқтисодий район Бухоро ва Навоий вилоятларидан иборат. Унинг майдони 153,3 минг қм<sup>2</sup>. Аҳолиси 2,2 млн киши (2002). Иқтисодий район республика худудининг 34 фоизини ташкил этгани ҳолда, аҳолиси атига 8,1 фоизга тўғри келади.

Минтақа худуди асосан текисликлардан иборат (90 фоизи). Фақатгина унинг шарқий қисмида Нурота тоғлари, Марказий қисмларида эса қадимги қолдик тоғлар (Бўконтог, Томдитог, Овминзатог ва бошқалар) жойлашган.

Иқтисодий район фойдали қазилмаларга бой. Айниқса табиий газ, рангли металлар, минерал тузлар, қурилиш материалы катта аҳамиятга эгадир.

Минтақа аҳолиси жуда нотекис жойлашган. Ўртacha зичлиги 1км<sup>2</sup>га 10-12 кишини ташкил этгани ҳолда сугориладиган ерларда бу кўрсаткич 45-50 киши бўлса, чўлларда 2-3 кишига тўғри келади. Жами аҳолининг 41,2 фоизи иқтисодий фаол аҳоли ҳисобланади.

Урбанизация даражаси нисбатан юқори. Бу ерда жами аҳолисининг 35 фоизга яқини шаҳарда яшайди. Йирик шаҳлари Бухоро (240 минг) Навоий (141 минг) Зарафшон, Учқудук.

Аҳолининг миллий таркиби хилма-хил. Жами аҳолининг 74 фоизи ўзбеклар, бундан ташқари руслар, тожиклар, қозоқлар, қорақалпоқлар, украинлар ва бошқа миллат вакиллари ташкил этади. Ўзбеклар барча ҳудудларда, руслар ва украинлар саноат марказларида, қозоқлар Томди туманида кўпчиликни ташкил этади.

Иқтисодий район хўжалиги қадимдан яхши тарақкий этган. Ҳозирги кунга келиб замонавий саноат тармоқлари ривожлашиб бормоқда. Минтақада электрэнергетика, рангдор металлургия, кимё саноати, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари етакчи ўринда туради.

Иқтисодий район республика электрэнергиясининг 18 фоизга яқинини ишлаб чиқаради. Бу ерда энг йирик ГРЭСлардан бири Навоий ГРЭСи ишлаб турибди. Газ саноати ҳам яхши ривожланган. Яқин вақтларгача республикада етакчи ўринни эгаллаб келган бўлса, ҳозирги кунда Қашқадарё вилоятидан кейин иккинчи ўринда туради.

Иқтисодий районнинг энг ривожланган саноат тармоғи рангдор металлургиядир. Бу ерда республиканинг асосий олтин заҳираси тўпланган. Йирик олтин конлари асосида (Муронтов, Кўкпотас) Зарафшон, Учкудуқ шаҳарлари ривожланди.

Кимё саноати ўзига хос аҳамиятга эга. Унинг асосий маркази Навоий шаҳри ҳисобланади.

Минтақада нефт саноати ҳам ривожланиб бормоқда. Коровул-бозор нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши Республиkanинг нефт мустақиллигига эришишига катта хисса қўшди. Иқтисодий районда кўплаб хорижий давлатлар билан қўшма корхоналар ташкил этилган. Улардан асосийлари Бухоро-Омега (Ўзбекистон-Греция), Зарафшон - Нюмонд (Ўзбекистон-АҚШ) ва бошқалардир. Шунингдек минтақада енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам яхши ривожланган. Улар асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган.

Иқтисодий район қишлоқ хўжалигига дехқончилик ва қоракўлчилик етакчи ўринда туради. Дехқончиликда пахтацилик яхши ривожланган. Ингичка толали пахта етишириш катта аҳамиятга эга. Пахта билан алмашлаб маккажӯхори, бугдой экилади. Баҳорикор ерларда бугдой, арпа етишириш ва боғдорчилик билан шуғулланишади. Шунингдек минтақада полиз экинлари кўплаб экилади.

Минтақа ҳудудининг катта қисми чўллардан иборат. Шу сабабли чўл яйлов чорвачилиги бўйича етакчи. Бу ерда республиканинг асосий қоракўл қўйлари, тұялари боқилади. Айниқса түячилик Томди туманида яхши ривожланган.

Қоракўл терилари ишлаб чиқариш учун минтақада Бухоро-Омега (Ўзбекистон-Греция) кўшма корхонаси ташкил этилган. Бу ерда ҳар йили 700 мингга яқин турли хил сифатли қоракўл терилари ишлаб чиқарилади.

Иқтисодий район ҳудудидан йирик төмир йўл, автомобил ва қувур транспортлари ўтказилган. Янги қурилган Учқудук-Султон Увайс төмир йўли минтақа хўжалигининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

## ҚАШҚАДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Иқтисодий район Қашқадарё вилоятидан иборат. Унинг майдони 28,6 минг км<sup>2</sup>, аҳолиси 2 млн 57 минг киши (2002). У республика ҳудудини 6,3 фоизини аҳолисининг эса 10 фоизга яқинини ташкил этади.

Минтақа Ўзбекистоннинг жанубий қисмida жойлашган. Унинг ҳудудида кўплаб минерал ресурслар топилган. Айниқса табиий газ захиралари кўп. Уларнинг йирик конлари Кўкду-малок, Муборак, Зеворди, Шўртанғ ва бошқалардир. Газ қазиб чиқариш буийча республикада биринчи ўринда туради. Шунингдек бу ерда нефт, оҳактош, ёнувчи спанец? минерал тузлар ва бошқа кўплаб қурилиш материаллари конлари топилган.

Аҳолиси тез ўсиб бормоқда. Аҳоли зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 78 киши тўғри келади. Китоб-Шаҳрисабз ботигида эса энг юқори 250-300 киши тўғри келса, чўлларда ва баланд тоғларда 2-3 кишини ташкил этади. Аҳолининг миллий тарқибида ўзбеклар кўпчилликни ташкил этади. Бундан ташқари руслар, тожиклар, татарлар, туркманлар ва бошқа миллатлар яшашади.

Урбанизация даражаси унча юқори эмас. Жами аҳолининг 23 фоизи шаҳарларда яшайди. Асосий шаҳарлари кичик шаҳарлардир. Энг йириги Қарши шаҳри (207 минг киши) ва Шаҳрисабз (89 минг киши). Минтақа аҳолисининг 32,1 фоизи иқтисодий фаол аҳоли хисобланади.

Иқтисодий район хўжалигига саноат алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса газ саноати яхши ривожланган. Ҳозирги пайтда

Республикадаги энг йирик газ конлари иқтисодий район ҳудудида жойлашган. Газ фақат ёқилғи бўлибгина қолмай, кимё саноатида қимматли хом-ашё ҳамдир. Бу ерда Муборак газ-кимё мажмуаси, Шўртан газ-кимё мажмуалари шаклланган.

Енгил саноат иқтисодий районнинг етакчи тармоғи ҳисобланади. Шаҳрисабз, Китоб, Якка боғ, Қарши шаҳарларида йирик пахта тозалаш заводлари ишлаб турибди. Шунингдек Шаҳрисабзда йирик пиллакашлик фабрикаси, "Хўжум" бадиий буюмлар фабрикаларида ипак калавалар, палослар, дўлпи ва бошқа миллий буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Иқтисодий районда озиқ-овқат саноати ҳам яхши ривожланган. Районда пахта ёғи, гўшт-сут, шароб, консерва, қандолат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Курилиш материаллари саноати ривожланаётган тармоқларидан биридир. Минтақа қишлоқ хўжалигда дехқончилик етакчи ўринда турди. Пахтачилик ихтисослашган тармоқлардан бири бўлиб, ингичка толали пахта етиштириш бўйича Сурхондарё иқтисодий районидан кейин иккинчи ўринда турди.

Қишлоқ хўжалигига дон етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Суғориладиган ерларда пахта билан алмашлаб маккажӯҳори, буғдой экилади. Лалмикор ерларда эса буғдой, арпа кўплаб етиштирилади.

Минтақада богдорчилик ҳам яхши ривожланган.

Иқтисодий райондаги узум, анжир, анорлари ўзининг ширалилиги билан ажралиб турди. Бу ерда анор етиштиришга ихтисослашган "Варғанза" хўжалиги жойлашган.

Дехқончиликдан ташқари чорвачилик ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чўл минтақаларида қоракўлчилик, адир-тоғ минтақаларида эса қўй ва эчкичилик, барча минтақаларда қорамолчилик яхши ривожланган. Қейинги пайтларда йилқичилик ривожланиб бормоқда. Минтақада республиканинг 23 фоиз қоракўл териси, 17 фоизга яқин жуни тайёрланади.

Район хўжалигининг ривожлантиришда транспорт катта аҳамиятга эгадир. Айниқса темир йўл транспорти, кувур ва автомабил транспортлари яхши йўлга қўйилган. Янги қурилаётган Фузор-Бойсун-Кумкўргон темир йўли Сурхондарё иқтисодий райони билан алоқани яхшилайди.

## СУРХОНДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Сурхондарё иқтисодий райони маъмурий жиҳатдан Сурхандарё вилоятидан иборат. Сурхандарё Узбекистоннинг энг жанубида жойлашган. У учта тамондан хорижий мамалакатлар билан ўралган. Шарқда Тожикистон республикаси ғарб ва шимоли ғарбда Туркманистон республикаси ва Қашқадарё вилояти, жанубда эса Афғонистон билан чегарадош.

Майдони 20,1 минг км<sup>2</sup>, Аҳолиси 1800 минг киши. Минтақа республика худудининг 4,6 фоизини, аҳолисининг эса 7,2 фоизини ташкил этади. Аҳоли зичлиги 1км<sup>2</sup>га 89 кишига тўғри келади.

Сурхандарё вилояти Сурхон-Шерабод водийсида жойлашган. Минтақанинг худуди унча катта бўлмаса ҳам табиий шароити бошқа районлардан кескин фарқ қиласди. Рельефи шимолдан жанубга тамон пасайиб боради. Иклими куруқ субтропик. Сурхандарё шимол, ғарб ва шарқ тамонларидан тоғлар билан ўралган. Бу ерда Узбекистоннинг энг баланд нуқтаси Ҳазрати Султон чўққиси жойлашган. Ёгин миқдори 150 мм дан-600 мм гача тушади. Текисликларда сугориб, тоғ ёнбагирларида лалмикор дехқончилик билан шугулланишади.

Минерал ресурсларга анча бой. Айниқса нефт, газ, тошкўмир, минерал тузлар, олтингурут, ҳамда минерал сувлар кўплаб топилган. Иирик нефт ва газ конлари Ховдоғ, Учқизил, Кўкайди, Лалмикор ва бошқалар. Бойсун ва Шарғун конларида тошкўмир, Хўжайпокда туз қазиб олинади.

Минтақа минерал ресурсларга бойлиги сабабли тоғ-кон, рангдор металургия, энергетика, кимё, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

Аҳолиси табиий ўсиш ҳисобига ортиб бормоқда. Аҳоли миллий таркибида ўзбеклар кўпчиликни ташкил этади. Яъни 82 фоиз ўзбеклар, 1,5 фоиз руслар, 1,7 фоиз тожиклар булардан ташқари туркманлар, татарлар ва бошқа миллатлар яшайди.

Сурхандарё иқтисодий райони шаҳар аҳолиси энг кам фоизни ташкип этадиган минтақадир. Жами аҳолининг 20 фоизга яқини шаҳарларда яшайди. Энг иирик шаҳарлари Термиз (117 минг киши), Денов (66,1 минг киши). Бундан ташқари туманларга бўйсунувчи 6 та шаҳар мавжуд.

Минтақа ҳўжалигига қишлоқ ҳўжалиги етакчи ўринда туради. Иклими иссиқ бўлганлиги сабабли ингичка толали пахта, шакарқамиш каби иссиқсевар ўсимликлар етиштириллади. Шу-

нингдек минтақада анжир, анор, писта, бодом, хурмо каби кўплаб ўсимликлар экилади. Сурхандарёниг Ангор, Жарқўрғон, Кумқўрғон, Термиз, Шерабод туманлари ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган. Узбекистон мустақилликка эришгандан кейин дон етиштиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Минтақада бир йилда ўртача 270,6 минг т. дон етиштирилмоқда, бу республикада етиштириладиган ҳосилнинг 6,9 фоизини ташкил этади.

Сурхандарёда сабзавот ва полиз экинлари етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган. 2000 й да 56,2 минг т. картошка етиштирилди. Бу республиканинг 7,6 фоизига тўғри кедади.

Чорвачилик дехқончиликдан кейин туради. Айниқса минтақада қаракўлчилик яхши ривожланган. Тоғли минтақаларда зотдор ҳисори қўйлари боқилади. Аҳолининг сут ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун қорамолчилик ҳам яхши ривожлантирилган. Кейинги пайтларда паррандачилик, пиллачилик, йилқичилик ва бошқалар ҳам ривожлантирилмоқда. Минтақа саноатининг асосини ёқилғи - энергетика, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқлари ташкил этади. Машинасозлик саноати минтақада жуда суст ривожланган.

Ёқилғи энергетика саноати 1950 йилдан бошлаб, минтақада нефт, газ, кўмир конларининг ишга тушиши билан ривожланди. Минтақада айниқса нефт қазиб чиқариш йилдан йилга ортиб бормоқда. Шунингдек газ ва кўмир қазиб чиқариш ҳам ортмоқда.

Сурхондарёда қурилиш материаллари ва кимё саноатини ривожлантиришга имкониятлар етарли.

Минтақада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи енгил ва озиқ овқат саноати яхши ривожланган. Узбекистон мустақилликка эришгандан сўнг вилоятда ип, газлама, трикотаж, тикувчилик, пайабзал, гилам тўқиш ва бошқалар ривожлантирилмоқда. Шу билан бирга озиқ овқат маҳсулотлари -ун ва ун маҳсулотлари, ёғ, сут ва сут маҳсулотлари, шарбатлар, мева ва узум консервалари ишлаб чиқарилиши ўсмоқда. Минтақа ташқи иқтисодий алоқасини ривожлантириш учун барча табиий ва иқтисодий омиллар етарли. Шу сабабли бу ерда Ҳиндистон, Югославия, Тожикистон ва бошқа мамлакатлар билан қўшма корхоналар ташкил этилган. Вилоят худудидан автомобил, темир ва ҳаво йўллари ўtkazилган. Ҳозирги кунда Сурхондарё-

Қашқадарё вилоятлари ўртасида Гузор-Бойсун Кўмкўргон темир йўли қурилмоқда. Бу йўлнинг қурилиши Сурхандарёни Республика пойтахти билан қилинадиган алоқасини анча қисқартиради.

## ҚУЙИ АМУДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Иқтисодий район Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятидан иборат. Майдони  $172,7$  минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси  $2,9$  миллион киши. Иқтисодий район республика худудининг деярли 38 фоизига яқинини ташкил этгани ҳолда аҳолисининг атиги 10 фоизи тўғри келади. Район республиканинг энг чекка гарбida жойлашган. Рельефи текисликлардан иборат. Ҳар-жой ҳаржойда қирлар ва қолдик тоғлар учрайди. Фойдали қазилмалардан қурилиш материаллари кўп тарқалган. Бундан ташқари Устюртда табиий газ конлари топилган. Султон Увайс тоғида фосфорит, темир рудаси, минерал түзлар ва ҳокозолар учрайди.

Аҳоли минтақа худудида нотеккис жойлашган. Хоразм вилоятида аҳоли зичлиги  $1$  км<sup>2</sup> га  $175$  киши тўғри келгани ҳолда Қорақалпоғистон Республикасида  $8$  кишини ташкил этади. Ўртача аҳоли зичлиги  $10\text{--}12$  кишига тўғри келади. Қорақалпоғистон Республикаси урбанизация даражаси нисбатан юқори бўлиб, жами аҳолининг 37,1 фоизи шаҳарларда яшайди. Бу кўрсатгич Хоразм вилоятида  $23,4$  фоизга тушиб қолади.

Йирик шаҳарлари Нукус ( $214$  минг киши) Урганч ( $138$  минг киши) Хўжайли ( $70$  минг киши) ва бошқалардир. Бу шаҳарлар минтақанинг йирик саноат ва транспорт марказлари ҳамdir.

Аҳолининг миллӣ таркибида ўзбеклар кўпчиликни ташкил этади.  $50$  ҳамга яқин ўзбеклар,  $20$  ҳам қорақалпоқлар,  $10$  фоиз қозоқлар ташкил этади. Бундан ташқари туркманлар, руслар, корейслар, татарлар, украинлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Жами аҳолисининг  $32,7$  фоизи иқтисодий фаол аҳоли ҳисобланади.

Минтақа хўжалигида қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ ҳисобланади. Айниқса дехқончилик яхши ривожланган бўлиб қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 75 фоизга яқинини беради. Дехқончиликнинг асосини лаҳтачилик, шоликорлик, сабзавотчилик ва полиз экинлари етиштириш ташкил этади. Қорақалпоғистон республикаси жаҳонда энг шимолда пахта етиштирадиган ягона худуд ҳисобланади.

Минтақа Ўзбекистоннинг асосий шоликорлик райони ҳамдир. Шунингдек беда етиштириш яхши йўлга қўйилган. Уруғлик беда етиштириш бўйича биринчи ўринда турди. Хоразм қовунлари қадимдан машҳур. Аксинча бу минтақада боғдорчилик ва узумчилик яхши ривожланмаган.

Иқтисодий районда чорвачилик ҳам катта аҳамиятга эга. Қорамолчилик бошқа иқтисодий районларга нисбатан яхши ривожланган бўлиб, бу ерда республика 15,5 фоиз қорамоллари боқилади. Бундан ташқари йилқичилик, туячилик ва қоракўлчилик ҳам анча таррақий этган. Кейинги пайтларда Амударё тўқайларида паррандачиликни ривожлантиришга катта аҳамият бериляпти. Бу ерларда сувсар, нутрия, норка, қора тулки каби ҳайвонлар боқилмоқда.

Минтақа хўжалигига саноат ҳам ривожланиб бораяпти. Айниқса саноат Қорақалпоғистон Республикасида яхши ривожланган. Асосий саноат тармоқлари енгил ва озиқ-овқат саноатларидир. Минтақада кўплаб паҳта тозалаш заводлари ишлаб турибди. Нукус, Элликқалъада тўқимачилик комбинатлари, Хивада гилам тўқиши яхши йўлга қўйилган.

Район озиқ овқат саноат корхоналарида паҳта ёғи, шоли оқлаш, сут, консерва ишлаб чиқариш ривожланган.

Курилиш материаллари саноати, электроэнергия ишлаб чиқариш ҳали тўлиқ ривожланмаган. Келгусида бу тармоқларни ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

#### Саволлар:

1. Ўзбекистон қандай фойдали қазилмалар бўйича Жаҳонда етакчи ўринда турди?
2. Ўзбекистоннинг қайси шаҳарлари кимё саноати маркази ҳисобланади?
3. Республикализнинг аҳолиси энг зич ва зичлиги кам вилоятларни айтинг.
4. Республикализнинг қайси вилоятларида нефтни қайта ишлаш заводлари ишлаб турибди?
5. Ўзбекистоннинг автомобилсозлик саноати жойлашган шаҳарларни айтинг.
6. Ўзбекистоннинг қора металлургия ривожланган иқтисодий райони қайси?

## V. ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**Режа:**

1. Географик ўрни, табиий шароити ва бойликлари.
2. Аҳолиси. Жинсий ёш ва миллий таркиби.
3. Ҳўжалиги, ҳўжалигининг ихтисослашган тармоқлари.
4. Ички тафоввутлари.

### ГЕОГРАФИК ЎРНИ, ТАБИИЙ ШАРОИТИ ВА БОЙЛИКЛАРИ

Қирғизистон Марказий Осиё давлатларининг Шарқий қисмида жойлашган. Унинг майдони  $198,5 \text{ минг км}^2$  бўлиб Марказий Осиё давлатлари орасида тўртинчи ўринда туради.

Аҳолиси 4,8 млн. киши. Аҳоли зичлиги  $1 \text{ км}^2$  га 24 киши тўғри келади. У Марказий Осиё давлатларининг 4,9 фоиз худудини, 8 фоиз аҳолисини ташкил этади. Пойтахти-Бишкек шаҳри.

Республика шимолида Қозогистон, гарбida Ўзбекистон, жанубий гарбда Тоҷикистон, жануби ва шарқда Хитой билан чегарадош. Маъмурий жиҳатдан олтига бўлинади.

Қирғизистон республикаси тоғли республика сифатида ажralиб туради. Бу ерда Тянь-Шан ва Помир-Олой системасидаги тоғ тизмалари жойлашган. Баландлиги 7000 м дан ортадиган (Ғалаба 7439 м) чўққилари кўп. Юксак тоғ занжирларининг чўққилари абадий қор ва музликлар билан қопланган. Республика худудининг 1F3 қисми денгиз сатҳидан 3000 м ва ундан баландда жойлашган. Худудининг ярмига яқин 1000-3000 м баландда жорйлашган. Тоғ водийлари ва яйловлар ҳалқ ҳўжалиги учун катта аҳамиятга эгадир. Худудининг 30 фоизга яқин қисмини ўрмонлар ташкил этади.

Қирғизистон тоғлари Марказий Осиё давлатлари учун катта аҳамиятга эга. Гарбдан келадиган нам хаво массаларини тўсиб кўплаб миқдорда ёғин ёғишига сабаб бўлади. Ёгинларнинг бир қисми ер остига сингиб кетади, бир қисми эса Норин, Чувт, Талас ҳавзалари дарёлари тўйинишига сабаб бўлади. Республика худудида Марказий Осиёning 50 фоиз сув оқим ҳосил бўлгани ҳолда, унинг 5/1 қисми сугоришга сарф бўлади. Сувнинг қолган қисми эса қўшни республикалар Ўзбекистон, Тоҷикистон, Қозогистонда ишлатилади.

Дарёларининг асосий қисми тоғ дарёлари бўлганлиги сабабли сугориш ва гидроэнергетика сифатида катта аҳамиятга

эга. Гидроэнергетика ресурслари бўйича МДҲда Россия ва Тожикистондан кейинги ўринда туради. (Норин каскадлар)

Иқлими куруқ кескин континентал Ёғин миқдори 100-120 мм дан айрим жойларда 700-1000 мм гача тушади.

Табиат республика худудида кўплаб гўзал манзарани яратган. Булардан асосийлари Иссиққўл бўлиб жаҳонда баланд тоғдаги энг катта ва чуқур кўллардан бири ҳисобланади. Республика худудида Марказий Осиёда катталги бўйича иккинчи ўринда турадиган Инильчек музлиги жойлашган. Унинг узунлиги 60 км дан ҳам ортиқ. Тоғлардаги дарёлар даралари чиройлилиги билан ажралиб туради. Республикада давлат муҳофазасига олинган худудлар бўлиб, уларда Иссиққўл, Сари-Челак, Беторол каби қўриқхоналар ташкил этилган.

Республикада кўплаб фойдали қазилма конлари топилган. Йирик олтин конлари (Иссиққўл областида) Суръма ва симоб (Қадамжой, Ҳайдаркент) рудалари, тошкўмир ва қўнғир кўмир конлари (Тошкўмир, Ўзган, Кўк ёнгок), вольфрам (майлисой) ҳамда Фарғона водийсида қисман нефт ва газ конлари топилган. Рангдор металлургия Қирғизистоннинг ихтисослашган тармоқларидан биридир.

## АҲОЛИСИ

Республиканинг аҳолиси 4,8 млн. киши бўлиб аҳолининг миллий таркибида қирғизлар кўпчиликни ташкил этади (60 физдан ортиқ). Республика ҳам шу миллат номи билан аталади. Инқилобгача улар қоракиригиз деб аталган.

**5-жадвал.**

### Қирғизистон аҳолиси динамикаси.

Йиллар	Жами аҳолиси	Шу жумладан шаҳар аҳолиси	
		Минг киши	%
1913 (йил охири)	863,9	105,8	12,3
1926 (17.12 аҳоли рўйхати)	1001,7	122,3	12,2
1939 (17.01 аҳ. рўйхати)	1458,5	270,1	18,5
1959 (15.01 аҳоли рўйхати)	2066,1	696,2	33,7
1970 (15.01 аҳоли рўйхати)	2933,2	1097,5	37,4
1979 (17.01 аҳоли рўйхати)	3529,0	1366,3	38,4
1989 (12.01 аҳ. рўйхати)	4290,5	1640,9	38,2
1999 (24.03 аҳ. рўйхати)	4850,7	1713,8	35,3

Манбаа: Население и общество маълумотлари (2001)

Аҳолиси миллий таркиби бўйича айрим районлари бир-биридан фарқ қилади. Фарғона водийсининг Ўш вилояти суғориладиган ерларида ўзбеклар истиқомат қилишади. Руслар, украинлар асосан Чуй водийсида ҳамда Иссиққўл бўйларда, қозоқлар эса Талас водийсида яшашади. Бундан ташқари татарлар, уйғурлар, тоҷиклар, дунгандар, немислар ва бошқалар яшашади.

#### 6-жадвал

#### Республика аҳоли сонида айрим миллатлар динамикаси.

	Аҳол сони, минг киши			Фоиз ҳисобида		
	1979	1989	1999	1979	1989	1999
Жами аҳоли, жумладан	3523	4258	4823	100	100	100
Қирғизлар	1687	2230	3128	47,9	52,4	64,9
Ўзбеклар	426	550	665	12,1	12,9	13,8
Руслар	912	916	603	25,9	21,5	12,5
Дунгонлар	26,6	37	52	0,8	0,9	1,1
Украинлар	109,3	108	504	3,1	2,5	1,0
Уйғурлар	29,8	36,7	46,7	0,8	0,9	1,0
Татарлар	71,7	70	45,4	2,0	1,6	0,9
Қозоқлар	27,4	37,3	42,6	0,8	0,9	0,9
Тоҷиклар	23,2	33,5	42,6	0,7	0,8	0,9
Турклар	1,60	2,3	33,3	0,1	0,5	0,7
немислар	101	101,3	21,4	2,9	2,4	0,4
Бошқа миллатлар	103	116,2	92,1	2,9	2,7	1,9

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики Республика аҳолиси йилдан йилга табиий ўсиш ҳисобига ортиб бормоқда. Миллий таркиблар бўйича энг юқори ўсиш қирғизларда кузатилган. Яъни 1979 йил аҳоли рўйхати бўйча 1687 минг қирғизлар яшаган бўлса, 89 йилда 2230 минг киши, 199 йил маълумоти бўйича эса 3128 минг кишини ёки жами аҳолининг 64,9 фоизини қирғизлар ташкил этган.

Аксинча рус миллатига мансуб кишилар мустақллик йиллари анча камайган. 1979 йилда 912 минг киши, 1989 йилда 916 минг киши яшаган бўлса 1999 йилда 603 минг кишини ташкил этган, ёки 1979 йилда 25,9 фоиздан 1999 йилда 12,5 фоизга

тушиб қолган. Шунингдек немис, татар, украин миллатларига мансуб аҳоли сонининг ҳам камайиши кузатилган.

Республикада урбанизация даражаси мустақллик йилларида нисбатан пасайди.

## ХҮЖАЛИГИ

Қирғизистон хўжалиги Марказий Осиё давлатлари хўжалигидаги фарқ қиласди. Республика машинасозлик саноати, айниқса кўп меҳнат талаб қиласидиган-электорника, радиотехника, приборсозлик ҳамда қишлоқ хўжалик машинасозлиги яхши ривожланган. Бишкеқдаги авто-йигув ва физика приборлари заводлари, Қирғизкабел, Қирғизэлектородивигател, Мойлисой лампа заводи ва бошқалар йирик корхоналар ҳисобланади.

Республика саноати маҳаллий ёқилғи ва минерал хом ашёлар асосида ривожланиб бормоқда. Саноат корхоналарининг 3/2 қисми Бишкеқ, Ўш, Тоқмоқ, Жалолобод шаҳарларида жойлашган. Охирги йилларда саноатни комплекс ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Кичик ва ўрта шаҳарларда ҳам бир қанча янги саноат корхоналари ташкил этилмоқда. Прижевальск, Норин, Рибачье, Қора-болта, Тошқўмир, Қизилқия ва бошқа кўплаб шаҳарлар ва қишлоқлар шулар жумласидандир. Қирғизистон Марказий Осиёда суръма, симоб, ўрувийигув машиналарни ишлаб чиқариш, жун газламалар ишлаб чиқариш, ҳайвон ёғи ва бошқа саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича алоҳида ўринда туради.

Меҳнат ресурсларининг ортиб бориши республикада меҳнат ресурсларининг кўп талаб қилувчи машинасозлик тармоқларини ривожлантиришга имкон яратди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича машинасозлик етакчи тармоқлардан (30 фоиз) биридир. Машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Республика Марказий Осиё давлатлари орасида еткачи ўринларда туради.

Республика машинасозлик корхоналарида хилма-хил маҳсулотлар-металл қиркувчи станоклар, қишлоқ хўжалик машиналари, автосамосваллар, электр машиналари ва электродвигателлар, физик ўлчов асбоблари, электрон ҳисоблаш машиналари, электронасослар, кир ювиш машиналари (Кирғизия) электр лампалари ва бошқалар ишлаб чиқарилади. Бу

маҳсулотлар республика эхтиёжидан ташқари кўплаб хорижий мамлакатларга экспорт қилинади.

Мамлакатда рангдор металлургия саноати ҳам яхши ривожланган. 1970 йилларда Жанубий Фарбий Қирғизистонда төг металлургия комбинати қурилган. Комбинатда суръма маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. (Суръма қазиб олиш бўйича МДҲ да 1-чи ўрин). Шунингдек Жанубий Фарбий Қирғизистонда Ҳайдаркент тўла циклли симоб заводи ишга туширлган. Бу ерда қазиб олишдан тортиб симоб рудалари ишлаб чиқаришгача йўлга қўйилган.

Урушдан кейинги йилларда Чуй водийсининг шарқий қисмларида ҳам рангдор металлургия саноати ривожланди. Бу ерда қалай қазиб оладиган ва бойитадиган төг-бойитиш комбинати ишга туширилган. Республика худудида топилган олтин ва рух конлари асосида олтин ва рух рудалари комбинатлари ташкил этилган.

Қирғизистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири енгил саноатдир. (Бу тармоқда республиканинг 1/4 қисм иишлаб чиқариш кучлари банд). Айниқса тўқимачилик, тикувчилик, чарм-мўйна, пойафзал ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Енгил саноат учун ҳом ашё республиканинг ўзида тайёрланади (пахта, жун, тери, ипак ва бошқалар). Қирғизистонда тайёрланган енгил саноат маҳсулотлари қўшни республикаларга экспорт қилинади.

Республикадаги йирик енгил саноат корхоналаридан Ўш паҳтани қайта ишлаш комбинати, Тўқмоқ жун қайта ишлаш фабрикалари бўлиб, булар асосий маҳсулотларни ишлаб чиқаради.

Озиқ-овқат саноати асосини ун ва ун маҳсулотлари, нон комбинатлари, кондитер, қанд-шакар, виночлик, сут, гўшт, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкил этади. Бу тармоқлар республиканинг барча худудларида ривожланган. Республика қўшни мамлакатларга қанд-шакар, ўсимлик мойи, тамаки маҳсулотларини сотади.

Оғир саноат тармоқлари орасида кўмир саноати ҳам етакчи ўринда туради. Кўмир республикада унча катта бўлмаган, қадимдан таниқли бўлган Қизилқия, Сулюкта, Кўк -ёнғоқ, Тошкўмир каби конлардан қазиб олинади. Катта аҳамиятга эга бўлган конлардан Қовоқ ва Ўзген кўмир ҳавзалари бўлиб, уларда коксланувчи тошкўмир очиқ усуlda қазиб олинади.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида қурилиш материаллари саноати ҳам ўзига хос ўринда туради. Саноат корхоналари, уй-жой, йўллар қурилиши учун хизмат кўрсатадиган темир бетон комбинатлари, уй қурилиш комбинатлари, цемент, ойна, мармар, гранит ишлаб чиқариш заводлари ташкил этилган.

Республика қишлоқ хўжалиги ҳам яхши ривожланган. Қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли, механизациялашган тармоқлардан бўлиб, чорвачиликка ихтиисослашган. Айниқса қўйчилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Қирғизистон жун етиштириш бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи ўринларда туради.

Республикада 1,3 млн. га ҳайдаладиган ерлар (1 млн. га сугорилади) ва 10 млн. га яқин тоғ ва тоғ олди яйловлари мавжуд.

Қирғизистон тоғлари ва тоғ олди яйловларида яйлов чорвачилиги ривожланган. Бу ерларда арzon гўшт ва майин юнглар тайёрланади. Дарё водийлари ва тоғ оралиги ботиқларида сугориб дехқончилик қилиш ривожланган.

Республика сугориладиган ерларида 85-90 фоиз дехқончилик маҳсулотлари тайёрланади. Бу ерларда асосан қимматбаҳо техник экинлар ҳамда чорвачилик учун ем-хашак маҳсулотлари экилади. Кейинги йилларда тамаки етиштириш ривожланиб бормоқда.

Сугоришни яхшилаш мақсадида бир қанча каналлар ва сув омборлари бунёд этилган. Айниқса Чуй канали, Тохтагул, Киров, Найман, Норин каби сув омборлари сугоришда катта аҳамиятга эгадир. Қирғизистон агроиклим ресурслари ўзига хос ва хилма-хилдир. Жанубий Қирғизистонда республиканинг асосий пахта экиладиган майдонлар жойлашган.

Фарғона ва Талас водийлари тоғ ёнбағларида юқори сифатли сарик тамаки етиштирилади. Ўш вилоятининг жанубий гарбий қисмлари узумчилик, боғдорчилик, анор каби ўсимликларни етиштириш учун қулай. Чуй водийсида писта, узум қандлавлаги етиштириш яхши йўлга қўйилган. Иссиққўл бўйларида эса олма, шафтоли, қора смародина, малина каби ўсимликлар экилади.

Сўнгги йилларда чорвачилик яна ҳам ривожланиб бормоқда. Жумладан майин юнгли қўйчилик сут ва гўшт чорвачилиги,

чүчқачилик, бройлер жұжачилиги, паррандачилик яхши йўлга қўйилган. Йилдан йилга қўй ва эчкилар сони ортиб бормоқда. Махаллий селекционерлар ёрдамида янги қўй зотлари яратилган. Жумладан - Қирғиз майин юнгли қўйлари, Тянь-шан - яirim майин юнгли, Олой дағал юнгли Олатов йирик шоҳли қорамоллари, янги зотдор Қирғиз отлари шулар жумласидандир.

Республикада барча замонавий транспорт турлари мавжуд. Таşқи иқтисодий алоқалар олиб борища темир йўл транспорти етакни ўринда туради. Темир йўл транспортининг асосий марказлари Шимолий Қирғизистон ва Жанубий Қирғизистон ҳисобланади. Тоғли республика бўлганлиги сабабли мамлакат ички алоқаларини олиб борища автомобил транспорти катта аҳамиятга эга. Автомагистраллар орқали Чуй водийси-Талас водийси, Иссиққўл, Норин вилоятлари ҳамда Уш вилоятлари билан боғланган. Автомобил йўлларининг умумий узунлиги 35 минг км дан ортади. Йирик автомобил трактлари: Бишкек-Рибачье-Норин-Торугарт-Уш-Бишкек, Уш-Гулча-Серитон-Хорог, Бишкек-Тошкент, Бишкек-Олма- ота ва бошқалар.

Ушбу автомагистраллар республикада ички юк ва пассажирлар ташишдагина эмас, балки Марказий Осиё давлатлари ҳамда Хитой билан ҳам иқтисодий алоқалар қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Айrim автомобил йўллари тоғ яйловларигача чўзилган. Иқтисодий зоналарга ички ҳаво линиялари ўtkазилган. Йирик шаҳарлар Бишкек, Уш, Чўлпон ота ва бошқалардан кўшни республикаларга тўғридан -тўғри ҳаво йўллар очилган.

Кейниги йилларда Қувур транспорти ҳам ривожланиб бормоқда. Буларда Ўзбекистондан олинадиган табиий газ ташилади. Қирғизистонда барча алоқа воситалари ҳам яхши ривожланган. Ҳаттоқи энг узоқ масофада жойлашган водийларда ҳам телеграфлар радио, телевизор программалар ва бошқалар мавжуд.

Қирғизистон транспорт тармоқлари орқали Хорижий давлатлар билан ҳар томонлама алоқа қилади. Айниқса Марказий Осиё давлатларидан Ўзбекистон, Тоҷикистон, Қозогистон билан яхши алоқалар йўлга қўйилган. Мазкур давлатлар билан мавжуд бўлган темир йўл ва автомобил транспортларидағи алоқа, Марказий Осиёда ягона транспорт тизимининг яратилишига катта имкон беради.

Мамлакатдан Хорижий мамлакатларга кўмир, рангли ва нодир металлар, машина ва дастгоҳлар, жун, газлама, озиқ овқат ва бошқа маҳсулотлар чиқарилади. Ўз навбатида республика хорижий мамлакатлардан, маълум миқдорда минерал ўғитлар, нефт маҳсулотлари, дон ва бошқа маҳсулотларни сотиб олади.

## ИЧКИ ТАФОВУТЛАРИ

Республика рельефининг, иқлимининг ўзига хослиги асосида еттита район ажратилган. Булар ўз навбатида учта иқтисодий зонани ташкил этади. Шимолий (Чуй, Иссиқкўл, Талас), Марказий (Норин), Жанубий (Ўш-Жалолобод, Қуий Норин, Қадамжой - Ҳайдаркент).

Чуй водийси Қирғизистоннинг шимолида жойлашган бўлиб Қозогистон билан чегарадош. Минтақа (водий) табиий ресурсларга унчалик бой эмас. Асосий бойликлари полиметаллrudалари, қурилиш материаллари ва бошқалардир. Шунингдек бу ерда иссиқ минерал булоқлар ҳам топилган бўлиб, улар асосида Иссиқ-ота курорти ишга туширилган. Чуй водийси республиканинг қулай транспорт-географик ўрнини эгаллайди. Унинг худуди орқали муҳим транспорт магистраллари - Луговой - Бишкек - Рибачье темир йўли, Тошкент-Бишкек-Олма-ота автомобил йўллари ўтказилган. Чуй водийси Республиканинг асосий саноат ва қшлоқ хўжалик минтақаси ҳисобланади. Асосий саноат тармоқларидан машинасозлийда - физик приборлар, злектротехника маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шунингдек енгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари саноати ҳам яхши ривожланган. Чуй водийси - мамлакатнинг асосий сугориладиган минтақасидир. Бу ерда республика сугориладиган ерларининг 1/3 қисми жойлашган. Ҳайдаладиган ерларда қандловлаги, дон, полиз экинлар, сабзавотлар экилади. Дон етиштириш бўйича Чуй водийси етакчи ўринда туради. Республикада етиштириледиган доннинг 40 фоизи шу ерга тўғри келади. Донли экинлардан бугдой кўпчиликни ташкил этади. Бундан ташқари тарик, маккажўхори етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Бишкек, Тоқмоқ, Қора-болта каби саноат марказлари атрофларида сабзавотчилик ривожланган. Чуй водийсида Республиканинг 60

фоиздан ортиқ сабзавотлари етиштирилади. Бөгдорчилік ва узумчилик ҳам сугориладиган ерларда жойлашган. Водийда сут-гүшт чорвачилиги устун туради. Шунингдек құйчилик, чүчқа-чилик, паррандачилик ҳам яхши ривожланған.

Чуй водийси бошқа районларга нисбатан юқори даражада урбанизациялашған. Жами аҳолисининг 55 фоизга яқини шаҳарларда яшайды.

Унинг ҳудудида республика аҳолисининг 1/3 қисми истиқомат қиласы. Водийда аҳоли зичлиги 1 км<sup>2</sup>та 75 кишидан ортади.

Водийнинг марказий қисміда мамлакат пойтахты Бишкек шаҳри жойлашған. Шаҳарда хилма-хил саноат корхоналари қурилған. Булардан йирик қышлоқ хұжалик машинасозлиги, автомобил йигиши, электрон ҳисоблаш машинаси, чарм-пойабзal, трикотаж ва бошқа саноат корхоналари ишлаб турибди.

Бишкек йирик маданият маркази ҳамдир. Бу ерда күплаб олий ўқув юртлари, техникумлар ва умумтаълим мактаблари мавжуд. Шаҳарда барча замонавий транспорт турлари ривожланған. Шаҳар ўзининг күкаламзорлығи, замонавийлиги билан ажралиб туради. Бишкеқдан ташқари водийда Тоқмоқ ва Қораболта шаҳарлари жойлашған.

Тоқмоқда йирик корхоналардан түкүвчилик фабрикаси, ойна заводи, жунни қайта ишлеш фабрикалари ишлаб турибди. Шунингдек шаҳарда шакар, сут, гүшт, ун ва ун маҳсулотлари, консерва ишлаб чиқарищ ва бошқа озиқ-овқат корхоналари бор.

Машинасозликни асосини иккита авторемонт заводи ташкил этади.

Қора-болта шаҳри Бишкеқдан 60 км ғарбда жойлашған ёш шаҳарлардан биридир. Шаҳар йирик транспорт марказига айланған. Унинг ҳудудидан Бишкек-Уш, Бишкек-Тошкент автомагистралы үтган. Шаҳарда шакар, спирт, сут заводлари, ун ва ун маҳсулотлари саноати, электротехник үйинчоқлар заводи ва бошқа корхоналар ишлаб турибди.

Иссиккүл водийси республиканинг 12 фоиз ҳудудини ташкил этади. Иссиккүл ботиги шимолда Күнгай Олатов, Жанубда Терской Олтоги билан үралған. Табиий ресурсларидан тошкүмир, қалай рудалари, түрли қурилиш материаллари ва бошқалар топилған. Шунингдек водийда минерал булоқлар ва шифобахш балчиқлар ҳам топилған бўлиб, улар асосида Жети-Оғиз, Оксу, Жергалан каби курорт-санаторийлари ишлаб турибди.

Водий хўжалигида майин юнгли қўйчилик, гўшт ва сут чорвачилиги, йилқичилик етакчи ўринда туради.

Деҳқончилик асосан водийнинг шарқий қисмидаги ривожланган. Бу ерларда дончилик, картошка етиштириш, ҳамда чорва моллари учун озукабоп экинлар етиштириш яхши йўлга қўйилган. Богдорчилиқда олма, шафтоли, қора смородина кабилар экиласди.

Минтақа саноати қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Бундан ташқари қурилиш материаллари, айрим машинасозлик тармоқлари, тикувчилик, ёғочсозлик, кўмир, балиқ саноати ва бошқалар ривожланган. Иссиққўл водийси рекреацион ресурсларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ерга нафақат МДҲ давлатларидан, балки бошқа хорижий мамлакатлардан ҳам дам олувлар ташриф буюришади.

Водийнинг 70 фоиз аҳолиси қишлоқларда яшайди. Асосий шаҳарлари Прижевельск (Қоракўл) Рибачье, Чўллон ота.

Талас водийси Шимолий Қирғизистондаги энг кам ривожлаган райондир. Бу ерда асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишади. Водий чорвачилигида майин юнгли қўйчилик, қорамолчилик, йилқичилик деҳқончилиқда эса тамаки етиштириш, маккажӯҳори, буғдой, сабзавот ва мевачиликка ихтисослашган.

Саноати маҳаллий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайди. Охирги йилларда электроэнергетика саноати ҳам ривожланиб бормоқда. Тоғ кон саноати шаклланмоқда.

Маркази Талас шаҳри. Шаҳарда пойабзал ва тикувчилик фабрикалари, сут заводлари, қурилиш материаллари ва бошқа саноат корхоналари жойлашган. Таласдан ташқари Қоракўл шаҳри ҳам бор. У Тоҳтагўл сув омбориининг қурилиши билан ташкил топган.

### МАРКАЗИЙ ҚИРГИЗИСТОН (НОРИН ВИЛОЯТИ)

Республика худудининг 26 фоизини, аҳолисининг эса 6 фоизини ташкил этади. Аҳоли зичлиги  $1 \text{ км}^2$ га 5,5 киши тўғри келади. Минтақа баланд тоғлардан иборат бўлиб, бошқа иқтисодий зоналар ва асосий темир йўллардан олисда жойлашган. Минтақани - Шимолий Қирғизистон билан довон орқали ўтган Норин-Рибачье-Бишкек автомобиль йўл боғлаб туради.

Иқтисодий районнинг асосий бойлиги - Норин дарёси ва унинг ирмоқларидағи гидроэнергия ресурслари, ҳамда бепоён яйловлардир. Минтақанинг фойдали қазилмалари құнғир күмир, темир рудаси, олтин, минерал туз ва бошқалар бўлиб ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Район хўжалигига яйлов чорвачилиги устун туради. Аҳолиси чорвачилик билан шуғулланишади. Бу ерда кўплаб майин юнгли қўйлар бокиласди. Республикада етиштириладиган жуннинг 1/5 қисмини етказиб беради. Дехқончилик яхши ривожланмаган.

Минтақанинг айrim ҳудудларида дон етиштириш, доривор кўкнори ва чорва учун озуқабоп экинлар экиласди.

Аҳоли манзилгоҳлари дарё водийларида ва тог оралиғи ботиқларида жойлашган бўлиб, бир-биридан анча узилиб қолган. Районнинг маъмурий маркази Норин шаҳри бўлиб, Норин дарёсининг чап қирғозида, денгиз сатхидан 2037 метр баландда жойлашган. Шаҳарда гўшт-сут комбинатлари, сут заводи, тикувчилик фабрикаси ва бошқа корхоналар ишлаб турибди.

Жанубий Қирғизистон - Республика ҳудудининг 33 фоизини аҳолисининг эса 43 фоизини ташкил этади. Аҳоли зичлиги 1 км<sup>2</sup>га 30 киши тўғри келади.

Минтақанинг катта қисми Фарғона водийсига тўғри келади. Баланд тоғлар Шимолий Қирғизистондан ажратиб турди. Шимолий Қирғизистон билан Жанубий Қирғизистон Бишкек-Ўш автомобил йўли билан алоқа олиб боришади.

Рельефида текисликлар билан бир қторда тоголди ва баланд тоғликлар ҳам бор.

Жанубий Қирғизистон табиий ресурсларга бойлиги билан ажралиб турди. Айниқса бу минтақада ёқилғи - энергетика ресурслари ва рангдор металлургия конлари кўп. Жумладан құнғир ва тошқўмир конлари, нефт, газ, суръма, симоб, рух, қалай, олтингугурт, минерал туз ва бошқалар. Шунингдек минтақада шифобаҳш минерал булоқлар ҳам кўп.

Иқтисодий районда тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, кон-қазилов саноати, рангдор металлургия, машинасозлик саноатлари яхши ривожланган.

Қишлоқ хўжалигига пахта ва тамаки етиштириш устун турди. Шунингдек районда дончилик, боғдорчилик, узумчилик ва

сабзавотчилик ҳам яхши йўлга қўйилган. Минтақада чорвачилик сут-гўшт етиширишга ихтисослашган. Чорва моллари сугориладиган ерларда ҳамда тоғ яйловларида боқилади.

Аҳолисининг асосий қисми минтақанинг шарқий қисмida истиқомат қилишади. Бу ерда мамлакатнig иккинчи йирик шаҳри Ўш жойлашган. Ўш вилояти аҳоли зичлиги бўйича республикада биричи ўринда туради ( $1 \text{ km}^2$  га 110 киши).

Ўш шаҳри Марказий Осиёдаги қадимги шаҳарлардан бири бўлиб, унинг иқтисодий географик ўрни жуда қулай. Шаҳар Оқбура дарёсининг ҳар икки соҳилида жойлашган бўлиб, Жанубий Қирғизистоннинг саноати ривожланган маркази ҳисобланади.

Шаҳардан Тянь-шан, Помир тоғлари орқали Қошғар, Хиндистон ва Афғонистонга карvon йўллари бошланган.

Замонавий Ўш шаҳрида кўплаб саноат корхоналари, олий ўкув юртлари жойлашган. Тўқимачилик комбинатлари, ипакчиллик комбинати, насос заводи, темир-бетон конструкциялари заводи, Пединститут, Политехника институти ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўш шаҳридан сўнг иккинчи йирик саноат маркази Жалолобод шаҳридир. Шаҳарда 20 дан ортиқ саноат корхоналари ишга туширилган. Булар: қурилиш материаллари комбинати, пахта тозалаш заводи, мебел фабрикаси, тикувчилик фабрикалари, тамаки фабрикаси ва бошқалардир. Жалолобод ўзининг минерал иссиқ сувлари ва шифобахш балчиклари билан яна ҳам машхур. Шаҳардаги курорт-санаторийларда тери, суюк, асаб ва бошқа касалниклар даволанади.

Вилоятнинг шарқий қисмida Қорадарё водийсида Ўзген шаҳри жойлашган. Ўш каби Ўзген ҳам қадимий шаҳарлардан биридир. Қадимда бу ердан Марказий Осиёни Қошғар билан туаштирувчи савдо йўли ўтган. Шаҳарда қадимги тарихий обидалар кўп. Шаҳар қадимда Қорахонийлар давлатининг пойтахти бўлган. Шаҳар яқинида кўплаб минерал булоқлар топилган. Энг машҳури Қора-Шоро бўлиб, бу ерда минерал сувлар шишаларга қуилади. Ўзганга нафақат республика, балки кўплаб хорижий мамлакатлардан сайёхлар ташриф буюришади.

Тоғ-кон саноатининг ривожланиши натижасида Жанубий Қирғизистонда бир қанча ишчи посёлкалари ташкил топди. Мойлисой - республиканинг энг ёш шаҳарларидан бири бўлиб, нефт кони асосида бунёд этилган. Ҳозирги кунда шаҳарда злек-

тrotexnika саноати яхши ривожланган. (Электролампа, ёритиш приборлари, электроизоляция маҳсулотлари).

Минтақадаги Қизил-қия, Сулюкта, Тошкүмир, Кўк-Ёнғоқ каби шаҳарчалар кўмир конлари яқинида жойлашган ва асосий кўмир қазиб олувчи марказлар ҳисобланади. Булардан энг йириги Қизил-қия бўлиб, Фарғона водийсига энг кўп кўмир чиқазади. Шунингдек шаҳарда ўтта чидамли маҳсулотлар, йирик тамаки фабрикаси каби саноат корхоналари ишлаб турибди.

Қизил-қия яқинидаги симоб ва суръма конлари асосида Кадамжой, Хайдаркент каби ишчи посёлкалари ташкил топган. Ҳозирги кунда Мойлисой, Хайдаркент, Қадамжой рангли металлар қазиб олиш ва бойитиш марказлари ҳисобланади.

**Саволлар:**

1. Республика рельефининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. Республика иқтисодиётидаги етакчи тармоқларни айтинг.
3. Қирғизистон қандай фойдали қазилмалар бўйича МДҲ давлатлари орасида олдинги ўринда туради?
4. Республиkaning қайси вилоятида аҳоли зичлиги юқори.

## VI. ҚОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### *Режа:*

1. Қозогистоннинг табиий шароити ва табиий бойликпари.
2. Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.
3. Хўжалиги. Хўжалиги ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.
4. Ички тафоввутлари ва ташқи иқтисодий алоқалари.

Қозогистон республикаси МДҲ давлатлари орасида худудининг катталиги билан ажралиб туради. Унинг майдони 2,7 млн. км<sup>2</sup> бўлиб, МДҲ давлатлари орасида Россиядан кейин иккинчи ўринда, дунёда эса тўққизинчи ўринда туради (Россия, Канада, Хитой, АҚШ, Бразилия, Австралия, Ҳиндистон ва Аргентинадан кейин).

Аҳолиси 14,8 млн.(2001 й) киши бўлиб, МДҲ давлатларида тўрттинчи ўринда туради (Россия, Украина ва Ўзбекистондан кейин). Пойтахти Остона шаҳри.

### **ГЕОГРАФИК ЎРНИ, ТАБИИЙ ШАРОИТИ ВА ТАБИИЙ БОЙЛИКПАРИ**

Қозогистон республикаси ғарbdан шарққа Каспий денгизидан Олтой тоғларигача 3 минг км масофага, Шимолдан жанубга 1,5 минг кмдан ортиқ масофага чўзилган.

Қозогистон республикаси географик ўрни анча қулайдир. Табиий шароити жуда ҳам хилма-хил бўлиб, худудининг 1F3 қисми текисликдан (дениз сатҳидан 200-500 м баланд), 1F2 қисми яssi текисликлардан, Қозогистон паст тоғлари (дениз сатҳидан 500-600 м баланд) дан, қолган қисми эса (1F6) тоғлардан иборатdir.

Қозогистон республикаси фойдали қазилмаларга бой бўлиб, бу ерда ёнувчи, рудали, рудасиз фойдали қазилма конларининг кўплиги кўп тармоқли саноат корхоналарини ривожлантиришга имкон беради. Республика фойдали қазилмаларнинг кўплиги жиҳатидан дунёда олдинги ўринларда туради.

Фойдали қазилмалардан айниқса, кимё саноати учун хом ашёлар кўпчиликни ташкил этади. Ўрганилган йирик фосфорит

конлари асосан Қоратовда ва Актюбинск вилояти ҳудудига тұғри келади. Натрий сульфат конлари жанубий ва марказий Қозғистонда учрайди, йирик ош тузи конлари Павлодар ва Қызыл Үрда вилоятларидадир. Йирик калий тузи кони Актюбинск яқинида топилған.

Аниқланған нефт-газ районлари Каспий бүйін паст текислигі Манғышлөк, Устюрт, Шарқий Оролбайи, Түргай ботиги, шарқий ва жанубий Қозғистон тоғ оралиғи ботиқларига тұғри келади.

Күмирнинг умумий геологик заһирадаси (400 дан ортиқ кон) 140 млрд.тонна атрофика бўлиб, жумладан Қарағанда ҳавзасида -50 млрд.т. Түргай ҳавзасида 50 млрд.т, Экибастузда-12 млрд.т. Қарағанда кўмир ҳавзасидан тошкўмир қазиб олинади, бу коксланувчи кўмирдир.

Қозғистон республикаси халқаро географик меҳнат тақсимотида йирик саноат ишлаб чиқарувчи давлат бўлиб қатнашади. Унинг ҳисобига МДҲ давлатларидаги 1/3 қисм мис эритиш, тахминан 1/2 қисм рух, 2/3 қисмдан кўпроқ қалай тұғри келади.

Қозғистон қора металлар ишлаб чиқариш, нефт ва кўмир қазиб олиш, бундан ташқари озиқ-овқат саноати, дон етиштириш, жумладан, гўшт ва қоракўл териси етиштириш бўйича ҳам алоҳида ўринда туради.

Қозғистон полиметалл рудалари бўйича ҳам дунёда олдинги ўринлардан бирида, МДҲда эса 1 – ўринда туради (Олтой, Қоратов, Жунғория Олатовидаги конлар). Бу ерда қалай, руҳдан ташқари олтин, кумуш, кадмий ва бошқа 30 га яқин рангли ва нодир металлар учрайди.

Қозғистон республикаси мис заһиралари бўйича МДҲ давлатлари орасида биринчи ўринда туради (Энг катта конлардан Жезқазған, Балхаш марказий Қозғистонда, Бозшақол шимолий Қозғистонда, Орлов, Николаев-шарқий Қозғистонда, Чатиркўл-жанубда, Юбилений-ғарбий Қозғистонда), кумуш, вольфрам (Қозғистон паст тоғларида), хром (Актюбинск областида), ваннадий, барит ва бошқалар ҳам кўп.

Қозғистон республикаси нефт заһиралари бўйича МДҲ давлатлари орасида Россиядан кейин иккинчи ўринда турса, кўмир заһиралари бўйича учинчى ўринда туради.

Қозғистон республикасининг шимолий ғарбий қисмларида йирик темир рудаси конлари топилған. Энг йирик конлари Те-

миртов, Рудний, Кустанай, Соколов-Сарбой, Лисаковск ва бошқалардир. (МДХ давлатларидағи темир захирасининг 17 фоизни ташкил этади).

Қозогистон иқлими кескин континентал, қуруқ иқлиmdir. Шунинг учун дарёлар айниңса, республиканинг марказий қисміда жуда кам. Сув танқислиги ҳар қандай қурилишни аввал сув излаб топиш ва сув омборлари қуришдан бошлашга мажбур этади. Сув муаммоси ҳал этилмаса Қозогистонда минерал бойликларидан түлиқ фойдаланиб бўлмайди.

Қозогистоннинг умумий қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 225 млн. га. ни ташкил этади. Ўтлоқ ва яйловлар 190 млн. га, шудгор қилинадиган ерлар 36 млн.га. га яқинdir. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,3 га шудгор қилинадиган ер тўғри келса, дунё бўйича 0,23 га, Ўзбекистонда(4,4 млн га) 0,18 га тўғри келади. Шунга қарамасдан сув танқислиги бу ерда қишлоқ хўжалигидан юқори ҳосил олишга имкон бермайди.

## АҲОЛИСИ

Қозогистон – кўп миллатли мамлакатdir. Бу ерда 110 дан ортиқ миллат ва златлар истиқомат қилади. Миллий таркиб бўйича МДХ давлатлари орасида фақатгина Россия тенглашиб мумкин. Туб жой аҳолиси қозоқлар давлат номи ҳам шу ном билан аталади.

Аҳоли сони бўйича МДХ давлатлари орасида Россия, Украина ва Ўзбекистондан кейинги тўртинчи ўринда туради. Аҳолисининг зичлиги бўйича МДХ давлатларида охирги ўринларда туради. 1км<sup>2</sup>га 6 киши тўғри келади.


Қозогистон республикасида аҳоли жуда нотекис жойлашган. Илгариги вақтда мамлакатнинг яшаш учун кулай бўлган худудларида яъни гарбий, шимолий, шарқий Қозогистон ва республиканинг жанубий-шарқий қисмларида аҳоли зичлиги юқори бўлган. Барча асосий шаҳарлар ҳам шу минтақаларда жойлашган.

Кейинги пайтларда республика марказий қисмларида Қарағанда агломерациясининг ташкил топиши вазиятни ўзгартирди. Республикада аҳоли 1 км<sup>2</sup>га 10-100 киши тўғри келадиган жойлар ҳам, шунингдек умуман аҳоли яшамайдиган жойлар ҳам учрайди. Республика худуди катталиги сабабли

аҳоли зичлиги бўйича ҳатто Туркманистондан ҳам кейинги ўринда туради.

Қозогистон аҳолиси сони илгари жуда тез суратлар билан ўсган. Республика аҳолиси сони бўйича собиқ Иттифоқда кўп вақт давомида учинчи ўринда (Россия ва Украинадан кейин) бўлиб келди. Лекин сўнгги вақтларда Ўзбекистондан кейинги ўринга тушиб қолди.

Қозогистон аҳоли сонининг тадрижий ўсиши



Мамлакат аҳолиси МДҲ давлатлари орасида ёшларниң салмоги кўплиги билан характерланади. Аҳолининг жинсий таркибида аёллар кўпчиликни ташкил этади. (Жами аҳолининг 53,1% аёллар, 48,7% эса эркаклар 1995 й.)

Республикада саноат ва транспортнинг ривожланиши шаҳарлар сонининг тез ўсишига олиб келди. Янги шаҳарлар ва шаҳар типидаги посёлкалар асосан фойдали қазилма конлари, йўл қурилишлари ва йирик қишлоқлар асосида вужудга келмоқда.

Республиканинг янги шаҳарларига Қарағанда, Темиртау, Балхаш, Жезқазған, Орқалиқ, Текели, Кентау Хромтоу, Қоратай, Жанатас, Рудний, Экибастуз, Оқтобров, Янги Узенъ ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

Собиқ Иттифоқ пайтида республикада асосан қадимий шаҳарлар майдони кенгайди, аҳолиси сони ортиб борди.

Қадимги шаҳарлар мамлакатнинг Жанубий қисмидаги жойлашган бўлиб булар Тараз (2000 йил олдин ташкил топган бўлиб Қозогистонинг энг қадимий шаҳарлардан биридир). Чимкент ва Туркистон шаҳарларидир.

Мамлакатнинг шимолий ва шарқий қисмидаги област марказлари ва йирик шаҳарлар эса Россия империясининг ҳарбий кўрғонлари сифатида ташкил этилган эди.

Республиканинг ҳозирги энг йирик шаҳарлари Олма-ота (аҳолиси 1 млн. кишидан ортиқ), Қарағанда (600минг кишидан кўпроқ), Чимкент, Павлодар, Семипалатинск, Уст-Каменогорск ва Тараз шаҳарлари ҳисобланади. Бу шаҳарларда аҳоли сони 300 минг кишидан ортади. Бундан ташқари яна олтига шаҳарда- Оқмола, Актюбинск, Петропавловск, Темиртау, Кустанай ва Уральскада аҳоли сони 200 минг кишидан ортиқ. Қозогистонда ҳозирги пайтда 83 та шаҳар ва 204 та шаҳар ти-пидаги посёлкалар бўлиб, буларда 9,3 млн киши истиқомат қилишмоқда.

Революцияга қадар республика шаҳарлари маъмурий ва савдо марказлари функциясини бажарган бўлса, ҳозирги кунда йирик саноат марказлари, транспорт тугунлари, ҳамда маданий марказлар вазифасини ҳам бажармоқда.

Қозогистонда энг характерли ва кўп сонли шаҳарлар тоғкон саноати марказларидир. Бу эса МДҲ давлатлари орасида географик меҳнат тақсимотида республиканинг кўмир, нефт, темир рудаси, рангли металлар, фосфорит ва бошқа фойдали қазилмаларга ихтисослашганлигини кўрсатади. Республиkaning 40 фоизини шундай ишчи посёлкалар ташкил этади. Фойдали қазилмалар асосида ривожланган бундай шаҳарларни тўрт группага ажратиш мумкин. Рудали марказлар (Орқалиқ, Жетигара, Рудний, Текели, Хромтау, Кентау ва бошқалар), Кўмир марказлари (Қарағанда, Абай, Шохтали, Сарань, Экибастуз, Майкубен), нефт саноати марказлари (Макат, Кульсари, Жетибой, Янги Узенъ ва бошқалар), ҳамда кимёвий минерал хом ашё марказлари (Қоратов, Жанатас ва бошқалар).

Бундан ташқари Қозогистонда оғир саноат марказлари (Уст-Каменогорск, Шимкент, Павлодар, Тараз, Атирау, Актау, Актюбинск, Балхаш, Темиртау, Жезқазган) ҳамда енгил ва озиқовқат саноат марказлари (Олма-ота, Семипалатинск, Тараз,

Шымкент, Кокчатау, Уральск, Тальдиқұрган ва бошқалар)ға ҳам ажратиласы.

Қозғистон учун характерлы бүлган шаҳарлардан күпчилигини транспорт түгунлари (Тобол, Моинти, Чуй, Арысъ, Аягуз, Бейнеу ва бошқалар) ҳам ташкил этади. Улар республика шаҳар типидаги посёлкаларнинг 26 фоизига тұғри келади. Улар асосан Оренбург-Тошкент, Турксіб, Петропавловск-Қараганда-Моинти-Чуй, Қартали-Оқмола-Павлодор магистрал йўллари асосида вужудга келган.

Шунингдек шаҳар типидаги посёлкалар йирик қишлоқлар ўрнида (Толдиқұрғон, Макинск, Отбосар ва бошқалар) вужудга келган бўлиб, улар асосан қайта ишловчи саноат марказлари вазифасини бажармоқда. Булардан ташқари санаторий-курорт марказлари Жанубий Қозғистондаги Сари-ағач, Павлодар областида-Муялди, Қизил-ўрдада-Жанакарган, Семипалатинскда Аул, Олма-ота областида - Олма-Орсан ва бошқалар ривожланди.

Республикадаги йирик шаҳарлар атрофида йўлдош шаҳарларнинг тўпланиши шаҳарлар агломерацияларининг ташкил этмоқда. Масалан Қарағанда (Темиртоу, Сарань, Шахтинск, Абай, Долинка, Новодолинский ва бошқалар), Олма-ота (Талгар, Иссиқ, Қапчағай, Каскелен, Бурунчай, Фабричний ва бошқалар), Шымкент Тараз, Оқмола ва шу кабилардир.

Республикада қишлоқ аҳолиси ҳам жуда нотекис жойлашган. Уларнинг асосий қисми республиканинг шимолида, шарқида ва жанубида жойлашган бўлиб, бу ерлар қишлоқ хўжалиги айниқса суғорма дәхқончилик учун қулай ерлардир. Гарбий, марказий чала чўл ва чўлларда эса қишлоқ аҳоли сони деярли 10 баробар камдир.

Республика қишлоқлар шароитига кўра бир-биридан кескин фарқ қиласы. Республиkaning шимолий, жанубий ва жанубий шарқий районларида йирик қишлоқлар бўлиб, улар асосан бир-бирига яқин ва дарё, кўл, канал ва ариқлар бўйида жойлашганлиги билан характерланса, марказий ва гарбий Қозғистондаги қишлоқлар эса бир-биридан анча узоқда жойлашган ва кичик қишлоқлар ҳисобланади.

Қозғистон Республикаси учун шаҳар аҳолиси сонининг ўсиши, қишлоқ аҳолиси сонининг камайиши характерлидир. Аҳоли рўйхати маълумотларига қарайдиган бўлсак 1958 йилда шаҳар аҳолиси 44 фоиз, қишлоқ аҳолиси 56 фоиз, 1979 йилда

шаҳар аҳолиси 54 фоиз қишлоқ аҳолиси 46 фоиз, 1989 йилда шаҳар аҳолиси 57 фоиз, қишлоқ аҳолиси 43 фоизни ташкил этганигини кўрамиз.

1990 йилдан бошлаб урбанизация ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилиди, яъни 1992 йилда шаҳар аҳолиси 58 фоизни ташкил этган. Ҳозирги кунга келиб эса республика аҳолисининг 56 фоизи шаҳарларда истиқомат қилишади. Бу кўрсаткич қўшни Ўрта Осиё республикаларидан юқоридир. Жумладан шаҳар аҳолиси қўшни Тожикистон Республикасида 33 фоизни ташкил этса бу кўрсаткич Ўзбекистонда 38 фоиз атрофидадир.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун меҳнат ресурслари катта аҳамиятга эгадир. Республикада 16-62 ёшгача эркаклар, 16-57 ёшгача аёллар меҳнатга лаёқатли ҳисобланади.

1996 йилда Қозогистонда меҳнат ресурслари жами аҳолининг 55,0 фоизни ташкил этган. Аҳоли зич яшайдиган ерларда меҳнат ресурслари кўп бўлгани ҳолда, зичлиги кам минтақаларда меҳнат ресурслари танқислиги яққол сезилади.

#### 8-жадвал

#### Қозогистонда аҳоли сони ва меҳнат ресурслари тадрижий ўсиши

	1995		1996		1995 га нисбатан %
	минг киши	меҳнат ресурслари	минг киши	меҳнат ресурслари %	
Жами меҳнат ресурслари	9153,0	100	9140,0	100	99,8
Иқтисодий фаол аҳоли	7359,8	80,4	7489,5	81,9	101,8
Иқтисодиёт тармокларда банд аҳоли (жами)	65.51,5	71,6	6518,9	71,3	99,5
Жумладан Давлат саноат ташкилотларида	5039,4	55,1	4401,7	48,2	87,3
Фермер хўжалигига	102,1	1,1	208,6	2,3	204,3
Кичик корхоналарда	159,1	1,7	147,8	1,6	92,9
Кўшма корхоналарда	25,1	0,3	31,9	0,3	127,1
Мустақил банд бўлган аҳоли	1069,0	11,7	1567,5	17,1	146,6
Бошқа соҳаларда банд аҳоли	156,8	1,7	161,4	1,8	102,6

Ишсизлар жами	808,3	8,8	970,6	10,6	120,1
Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли	1793,2	19,6	1650,6	18,1	92,0
Жумладан: Уқишида банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли	625,4	6,8	610,9	6,7	97,7
Меҳнатга лаёқатли бўлиб, ўқиш ва ишда банд бўлмаган аҳоли	1167,8	12,8	1039,7	11,4	89,0

Қозоғистон госкомстат маълумотлари.

1996 йилда меҳнат ресурсларининг 81,9 фоизини иқтисодий фаол аҳоли, иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли эса 18,1 фоизни ташкил этган. Булар таркибига меҳнат ёшидаги ўкувчилар, уй бекапари ҳамда ҳар-хил сабаблар билан ишламайдиган кишилар киради.

Республика меҳнат бозорининг шаклланиши аҳолининг давлат корхоналарида бандлигини камайишини, аксинча но давлат секторларида - қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнесда, фермер хўжаликларида ортиб боришини кўрсатмоқда.

Масалан, 1996 йилда давлат корхоналарида иқтисодий фаол аҳолининг 35,3 фоизни банд бўлган бўлса, шахсий фирмаларда 48 фоизи чет эл фирмаларида эса 1,3 фоизи банд бўлган.

2001 йилга келиб республика аҳолиси 14,8 млн. Кишини ташкил этади. Аҳолисининг миллий таркибида қозоқларнинг салмоғи аста секин ортиб бормоқда. 1989 йил аҳоли рўйхатидан кейин қозоқ миллатига мансуб аҳоли табиий ўсиш ҳисобига 1,5 млн. Кишига ортди, бундан ташқари миграция ҳисобига ҳам қозоқлар ортиб бормоқда ва ҳозирги кунда жами аҳолининг 51 фоизини ташкил этмоқда, руслар эса аксинча камайиб 38 фоиздан 32 фоизга тушди, шунингдек украинлар 5,4 фоиздан 4,5 фоизга камайган.

Аҳолининг туғилиш даражаси 1995 йилга нисбатан 1996 йилда 8 фоиз га камайган, ҳар 1000 кишига 16 та туғилиш тўғри келган.

Туғилишнинг камайиши шаҳар аҳолисида ҳамда қишлоқ аҳолисида ҳам кузатилади, айниқса шаҳарларда яққол кўзга ташланади. Лекин аҳолининг тез камайишига аҳоли миграцияси катта таъсир кўрсатади. 1995 йилда республикадан 309,6 минг киши кўчиб кетишган.

## 9-жадвал

**Республика аҳолисининг айрим миллатлари  
бўйича табиий ўсиши**

	Ҳар 1000 кишига		
	Умумий түғилиш коэффициенти	Умумий ўлим коэффициенти	Табиий ўшиш коэффициенти
Жами аҳоли	15,9	10,4	5,5
Қозоқлар	20,4	6,9	13,5
Руслар	9,4	14,3	-4,9
Украинлар	9,4	18,1	-8,6
Ўзбеклар	28,6	6,6	22
Татарлар	10,3	14,2	-3,9
Немислар	17,7	14,7	3,0
Бошқа миллатлар	15,2	11,8	3,4

Манба: Қозогистон Республикаси госкомстат маълумотлари.

Қозогистон республикасида маъмурий худудий жиҳатдан 14 та вилоятга бўлинади. Булар ўз навбатида 5 та иқтисодий районга бирлаштирилган. Иқтисодий районлар орасида энг йириги Фарбий Қозогистон ҳисобланади. Унинг майдони 736,1 минг  $\text{км}^2$  ундан сўнг Жанубий Қозогистон (711,8), Шимолий Қозогистон (565,7 минг  $\text{км}^2$ ) Марказий Қозогистон (428,0 минг  $\text{км}^2$ ) энг кичиги эса Шарқий Қозогистон бўлиб, унинг худуди 283,3 минг  $\text{км}^2$  ни ташкил этади.

Энг кўп аҳоли Жанубий Қозогистон худудида истиқомат қилишади - 6,5 млн киши, аҳоли зичлиги 1  $\text{км}^2$  га 9,1 кишига тўғри келади. Кейинги ўринларда мос равишда Шимолий Қозогистон 4,4 млн киши (зичлиги 7,3), Фарбий Қозогистон 2,2 млн киши (зичлги 3,1), марказий Қозогистон 1,7 млн киши (зичлиги 4,2) истиқомат қиласади.

### ХЎЖАЛИГИ


Ҳозирги вақтда худудий меҳнат тақсимотида Қозогистон ихтисослашган тармоқлар-рангдор металлургия, кўмир, химия (ўғит ишлаб чиқариш), машинасозлик (кўп метал ишлатувчи), чорвачилик, дон хўжаликлари билан иштирок этади. Янги ихти-

сослашган тармоқлардан қора металлургия, нефть, электроэнергетика тармоқлари ҳисобланади.

Қозғистон хұжалигыда саноат етакчи үринде туралы. Саноат үз навбатида иккита йирик групта бўлинади: қазиб оловчи ва қайта ишловчи тармоқлар.

Биринчи тармоқ қазиб олиш ва бойитиш билан шуғилланса, иккинчи тармоқ улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради.

Иккинчи томондан барча саноат тармоқлари оғир саноат (саноатнинг А групти) яъни ишлаб чиқариш ва меҳнат куроллари ишлаб чиқариш ва енгил саноатга (саноатнинг В групти) яъни халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга бўлинади.



Қозғистон саноатида А груп тармоқларнинг В груп тармоқларидан устунлиги яққол кўзга ташланиб туради.

Қозғистон рангли металлургия саноати 50га яқин рангли ва нодир металлар, рангли металлургия саноати асосида эса 70га яқин турли хил химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Бу тармоқнинг ярмига яқини (47 фоиз) кўргошин рух саноатига, 30 фоизи мис, 8 фоизига яқини алюминий, қолгани эса олтин қазиб олиш, титан ва магний ишлаб чиқариш, вольфром-молибден ташкил этади.

Кўргошин ва рух саноати шаркий, жанубий ва марказий Қозғистонда ривожланган. Олтойда асосий рангли металлургия комбинати ишлаб турибди. Уст Коменагорск ва Ленинагорск комбинатларида рудаларни комплекс қайта ишлашни ва ундан 25 ҳилга

яқын рангдор металл әритиб олишни таъминлайди. Кустанай областида бокситдан фойдаланиш асосида Павлодорда алюминий заводи ишлаб турибди.

Мис қазиб олиш ва әритиш Қарағанда областидаги Балхаш ва Жезқазған төг металлургия комбинати ҳамда Карсакпай мис әритиш заводларидир. Барча заводлар Балхашбүйін ва Жезқазған конлари асосида иш олиб боради. Иртиш мис әритиш заводи мис концентратларини Олтой руда бойитиш комбинатидан олади.

Қора металлургия Қозғистон халқ хұжалигининг ихтисослашған мұхим тармоғидир. У республика оғир саноатининг ёш тармоқлари қаторига киради. Актауинск яқыннанған ферро-хром (төмір-хром) заводи Қозғистон металлургиясыннанған йирик корхонасидир. Мұғожардан шимоли-ғарбда жойлашған Хромтов конлари бу заводнинг хом ашё базаси ҳисобланади.

Республиканинг ёқилғи саноати күмир, нефт ва газ саноаттарини бирлаштиради. Коксланувчи күмирни Қозғистондан ташқары Урал металлургия заводларыда ишлатилади. Экибастуз хавзасида очиқ усул билан қазиб олинған арzon күмир йирик ГРЭСларда ёқилади. Нефт саноати мұхим үринни згаллайди. Манғышлоқ ярим оролида (Узень, Жетибай), Эмба ҳавзасида, Қызыл Орда вилоятидаги конлар ҳамда Атирау, Павлодар, Чимкент нефтни қайта ишлаш заводлари катта аҳамиятта згадыр. Нефт конларидан нефтни қайта ишлаш заводларыга құвурлар орқали нефт юборилади. Ғарбий Қозғистон-Форс құлтиғи нефт қувури орқали хорижий давлатларға юборилади.

Қозғистонда газ саноати энг ёш тармоқлардан ҳисобланади. Табиий газ асосан жанубий Манғышлоқ ва Устюрт платоларидан шунингдек Эмба ва Манғышлоқ нефт конларидаги йүлдош газлардан иборатдир. Қазиб олинған газнинг бир қисми үша жойнинг ўзидағи газни қайта ишлаш заводларыда – Яңғы Узень, Жанажол ва Тенгизда қайта ишланса, асосий қисми Үрта Осиё- Марказ, Бухоро-Урал магистрал газ құвурлари орқали жүннатилади. Республикамизнинг жанубий қисми эса Бухоро-Тошкент-Чимкент- Тараз-Бишкек-Олма-ота газ құвурларидан фойдаланилади.

Хозирги кунда Қозғистонда 8 млрд. м<sup>3</sup> газ қазиб олинади. Эхтиёжни қондириш учун эса 18 млрд. м<sup>3</sup> газ керак. Келажақда газ қазиб олиш 40-44 млрд. м<sup>3</sup>та етиши мүлжалланмоқда.

Электроэнергетика саноати республика халқ хұжалигининг мұхим тармоғидир. Асосан күмир ва табиий газ билан ишлайдиган иссиқлик электр станциялари электроэнергетиканың асосини ташкил этади. Хозирги пайтда 8 та ГРЭС, 50 та иссиқлик электр марказлари, 20 та ГЭС ҳамда 1 та АЭС ишлаб турибди.

Қозогистон машинасозлик комплекси нисбатан кам ривожланган. Уларнинг баъзилари: Остонадаги Қозоқсельмаш, Целиноград сельмаш, Павлодарда ўрмаловчи кучли тракторлар ишлаб чиқардиган заводлар ишламоқда. Кустанай ва Олма-отада турли қишлоқ хўжалик машиналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилади. Қарағандада төғ-кон ускуналари заводи, Олма-отада төғ-металлургияси ва энергетика ускуналари заводлари, Усть-Каменогорскда рангли металлургия учун машиналар ишлаб чиқариладиган корхоналар, Атирауда нефть саноати учун машиналар ишлаб чиқирадиган корхоналар бор. 1992 йилда Чимкент ва Олма-ота автомобил ремонти корхоналарида Россия билан ҳамкорликда Лиаз, ПАЗ автобуслари ишлаб чиқариш йўлга кўйилди.

Химия саноати МДҲда катта аҳамиятга эгадир. Асосан бой маҳаллий хом-ашё асосида ишлайди. Актюбинск ва Жамбулда фосфорит ўғитлари, Қарағандада азот ўғитлар ишлаб чиқарилади. Чимкентда фосфорли тузлар, Темиртовда синтетик спирт, Атирауда полизтилен ишлаб чиқариш йўлга кўйилган.

Қозогистонда озиқ-овқат саноати орасида гўшт ишлаб чиқариш яхши ривожланган. Қишлоқ хўжалик хом ашёси асосида енгил саноатда қўй териси ошлаш, чарм-пойабзal, тўқимачилик ривожланган.

## Қишлоқ хўжалиги

Қозогистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашган тармоқлардан биридир. Асосан донли экинлар етиштирилайди. Донли экинлардан буғдой, энг кўп экилиб, у барча донли экин майдонининг 2/3 қисмини эгаллади. Бундан ташқари донли экинлардан тарик, шоли, арпа экилади. Техника экинларидан пахта, кунгабоқар, қандлавлаги кўпроқ экилади.

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг ихтисослашган тармоқларидан бири бўлиб, айниқса қўйчилик яхши ривожланган. Бундан ташқари қорамол, йилқичилик, туячилик билан ҳам қадимдан шугулланиб келишади.

Қишлоқ хўжалиги республикада нотекис ривожланган. Жумладан сугориб дехқончилик қилиш Жанубий Қозогистонда яхши йўлга кўйилган. Бу ерда қадимдан дехқончилик билан шугулланиб келинади. Асосий экинлари пахта, қандлавлаги, тамаки, шоли, маккажӯхори хисобланади. Бундан ташқари боғдорчилик ва узумчилик ҳам катта аҳамиятга эга. Чорвачиликда қўйчилик, қорамолчилик етакчи тармоқ хисобланади. Республиканинг шимолий қисми эса кўпроқ дон етиштиришга ихтисослашган. Бу ер мамлакатнинг асосий экин экиладиган майдони ҳам хисобланади. Дехқончилик билан бир

қаторда чорвачилик ҳам ривожланган. Чорвачилдикда қорамолчилик ва чўчқачилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Шунингдек йилқичилик ҳам катта аҳамиятга зга. Чорвачиликка ихтисослашган минтақалардан яна бири Ғарбий Қозогистон ҳисобланади. Унинг чалачўл ва ҷўл ҳудудларида қоракўлчилик, шимолий ҳудудларида йирик шоҳли қорамолчилик ривожланган. Унинг ҳўжалигида йилқичилик, балиқчилик ҳам ўзига хос ўринда туради. Дехқончилик нисбатан кам ривожланган. Асосий экинлари буғдор, арпа ҳамда полиз экинлари ҳисобланади. Шудгор қилинадиган ҳудудлар Республикасининг 10 фоизга яқин ҳудудини ташкил этади.

Марказий Қозогистонда яйловлар кўп бўлиб бу ерда ҳам қўйчилик, қорамолчилик, йилқичилик ҳамда туючилик ривожланган. Йирик шаҳарлар атрофида сут-гўшт чорвачилиги, кургоҳчил минтақаларида эса гўшт чорвачилиги устун туради.

Дехқончиликда дон етишириш ривожланган. Шу билан бирга техника экинларидан писта ва зигир етишириш яхши йўлга қўйилган. Шарқий Қозогистон ўзининг чорвачилиги билан ажралиб туради. Бу ерда сут-гўшт чорвачилиги (қорамолчилик) ҳамда чўчқачилик ривожланган. Бундан ташқари Республикасининг ягона буғучилик ривожланган минтақаси ҳам ҳисобланади. Тоғли ҳудудларида асаларичилик билан ҳам шуғулланишади. Бу минтақада лалмикор дехқончилик ривожланган.

## ТРАНСПОРТИ

Транспорт-халқ-хўжалигининг асосий тармоги «Қон томири» ҳисобланади. Қозогистон ҳудудининг катта қисми қуруқлик бўлиб уларда табиий сув йўллари жуда ҳам кам. Шу сабабли юк ва йўловчи ташишда қуруқлик транспортининг аҳамияти каттадир.

Республикада ташиладиган юкларнинг 90 фоизи автомобил ва темир йўл транспортлари ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек мамлакатда юк ва йўловчи ташишда сув, ҳаво ва қувур транспортлари ҳам иштирок этади.

Қозогистон транспорти асосан собиқ иттифоқ даврида ривожланган. Мамлакатда мавжуд бўлган темир йўлнинг (14,5 минг км) 85 фоизи шунингдек автомобил, ҳаво ва қувур транспортлари тўлиғича ўша вакъларда қурилган.

Мамлакат транспортида темир йўл транспорти етакчи ҳисобланади. Темир йўллар узунлиги бўйича МДҲ орасида Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради. Дастребки

темир йўллари-Транссибир ва Оренбург-Тошкент революциядан олдин қурилган. Ҳозирги кунда Республика ҳудудида параллел ва меридионал йўналишда бир неча магистрал йўллар яни, меридионал йўналишда-Трансқозогистон (Петропавловск-Қарағанда-Моинти-Чув), Турксиб (Арис-Олма-ота-Семипалатинск) ва Оренбург-Қизилурда-Тошкент, параллел йўналишда Транссибир, Ўрта Сибир (Троицк-Кустанай-Кокчатор-Қорасук) ва Жанубий Сибир (Магнитогорск-Оқмола-Павлодар-Барнаул) темир йўллари ишлаб турибди.

Темир йўлда асосан кўмир, темир рудаси, рангли металлар, дон, нефт ва нефт маҳсулотлари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари каби юклар ташилади. Республикадан жўнатилган юклар нисбатан кўп бу актив транспорт балансига эга эканлигини кўрсатади. Мамлакат юк оборотининг 73,6 фоизи темир йўл транспортига тўғри келади.

Республика транспортида Автомобил транспорти ҳам катта аҳамиятга эга. Автомобил йўлининг узунлиги 115 минг кмга етади. Шундан 93 минг кмдан ортиқроғи қаттиқ қопламли йўллардир. Автомобил йўлларининг узунлиги бўйича ҳам Россия ва Украинадан кейин 3-ўринда турада. Мамлакат юк оборотида автомобил транспорти ҳиссасига 14,5 фоиз юк тўғри келади.

Энг йирик автомагистрал йўллар Жанубий Қозогистон ҳудудидага тўғри келади. Бу йўл Олма-Отани Тошкент, Бишкек, Чимкент шаҳарлари билан туташтиради. Мамлакат ҳўжалигига Олмаота-Чилик-Қарағанда-Оқмола-Кўкчатор-Петропавловск, Қарағанда-Кустаной-Атирау, Оқтов-Жетибай-Янги Узен йўллари ҳам катта аҳамиятга эга. Автомобил транспорти районлараро, ҳўжаликлар аро ҳамда бошқа минтақалар орасида юк ташишда ўзига хос ўринда туради.

Юк ташиш хажми бўйича кейинги ўринларда қувур транспорти туради. Бу республиканинг энг ёш транспорт тармоғи ҳисобланади. Қувур орқали нефт ва нефт маҳсулотлари, газ кабилар ташилади. Унинг умумий узунлиги тўрт минг км дан ортади.

Республика ҳудудида дарё ва кўплар кам бўлишига қарамасдан Қозогистон сув йўлларининг умумий узунлиги тўрт минг км атрофидадир. Сув йўли орқали дарё кемачилиги ривожланган. Кўпчилик сув йўллари автомобил ва темир йўл йўқ

бўлган жойларда ривожланганлиги сабабли катта аҳамият касб этади. Ташиладиган юкларнинг асосий қисми-қурилиш материалари, нон маҳсулотлари, ўрмон ва ёғочсозлик, нефт ва нефт маҳсулотлари, кўмир ва бошқалардир. Сув йўли орасида Иртиш дарёси катта аҳамият касб этади. Унинг ҳиссасига сувда ташиладиган юкларнинг 90 фоизи тўғри келади. (Зайсан кўли билан бирга узунлиги 1750 км). Иккинчи ўринда Урал дарёси турди, унинг узунлиги 1100 кмга етади. Или, Ишим, Сирдарё дарёларидан фойдаланиш анча қийинчиликлар туғдиради.

Каспий денгизида денгиз транспорти ривожланган. Каспий денгизи Республикани 2300 км масофада ювиб турди. Нефт конларининг очилиши натижасида денгизда юк ташиб ривожланди. Бу ерда Атирау портидан ташқари Оқтов, Баутико ва Ералиев портлари қурилган. Бу портлар орқали Қозогистон-Озарбажон, Догистон, Туркманистон Республикалари ҳамда кўйи Волга бўйи райони билан алоқа қилади. Денгиз орқали нефт ва нефт маҳсулотлари, қурилиш материаллари, балиқ, машина ва дастгоҳлар ҳалқ истеъмол буюмлари ташилади.

Худуднинг катталиги сабабли энг тез транспорт-Ҳаво транспорти ҳам катта аҳамиятга эга. Республиканинг кўплаб шаҳарларидан яқин ва узоқ ҳориж мамлакатларига ҳаво йўллари очилган. Республиканинг ҳаво йўллари 1000 км дан ортади. Барча област марказларида замонавий аэропортлар қурилган. Ҳар йили ўртача Қозогистон аэропортларидан саккиз миллион йўловчилар, 80 минг тонна тез бузулувчи ва қимматбаҳо юклар тушилади.

Республика мустақилликка эришгандан сўнг янги йўллар қурилиши давом этмоқда. Қозогистондан Хитойга очилган темир йўли шулар жумласидандир. Бундан ташқари Эрон ва Туркияга Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари орқали қурилаётган темир йўл ҳам катта аҳамиятга эга. Шунингдек алоқаларни яхшилаш мақсадида янги йўллар лойихалари ишлаб чиқилган.

## ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАРИ

Барча иқтисодий районлар табиий шароити ва ресурсларнинг хилма хиллиги билан бир-биридан фарқ қилади.

Жанубий Қозогистон - йириқ сугориб дехқончилик қиладиган, интенсив қишлоқ хўжалиги ривожланган минтақадир.

Бу ерда қадимдан қимматбаҳо техника экинлари: пахта, қанд лавлаги, тамаки, ҳамда донли экинлардан шоли ва маккожүхори етиштирилди. Шунингдек бөгдорчилик ва узумчилик бўйича ҳам олдинги ўринларда турди. Кўйчилик ҳам яхши ривожланган.

10-жадвал

**Қозогистон Республикаси иқтисодий районлари  
бўйича маълумот**  
**(1 январ, 1995 й)**

	Эгаллаган майдони		Аҳоли сони		Aҳолининг уртача зичлиги	Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбати	
	Минг км кв	%	Млн. киши	%	Кишиғи км.кв	шахар	қишлоқ
Фарбий Қозогистон	736,1	27,0	2,2	13,2	3,2	58	42
Шимолий Қозогистон	565,7	20,8	4,4	26,6	8,4	49	51
Марказий Қозогистон	428,0	15,7	11,8	10,8	5,8	82	18
Шарқий Қозогистон	283,3	10,4	1,7	10,2	7,0	57	43
Жанубий Қозогистон	711,8	26,1	6,5	39,2	10,7	42	58
Қозогистон Республикаси, жами	2724,9	100,0	16,6	100,0	7,0	56	44

Қозогистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида С.Р.Ердавлетов томонидан тузилган.

Жанубий Қозогистон мамлакатнинг йирик саноат райони ҳамдир. Бу минтақада фосфорит ва полиметалл рудалари

қазиб олиш, рух ва қалай ишлаб чиқариш, суперфосфат, ҳар хил машина ва дастгоҳлар ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Иқтисодий район енгил ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича республикада биринчи ўринни эгалайди.

Шимолий Қозогистон асосий аҳоли яшайдиган худудлардан бири бўлиб, бу МДҲнинг энг йирик дон хўжалиги ва гўшт-сут чорвачилиги минтақаси ҳисобланади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда ҳам алоҳида ўринда туради. Айниқса гўшт, сут, ун, ун маҳсулотлари саноати яхши ривожланган. Бу минтақа республиканинг йирик темир рудаси қазиб чиқариш, ҳамда бошқа тоғ-кон саноати маркази ҳам ҳисобланади. Шулар асосида минтақада қора ва рангли металлургия саноати ривожланиб бормоқда. Шунингдек машинасозлик, қўмир ва электроэнергетика саноати ҳам яхши ривожланган.

Марказий Қозогистон - нафақат республиканинг балки МДҲдаги энг йирик қўмир ва темир базаси ҳисобланади. Шунингдек бу ерда рангли металлургия, кўп металл талаб этувчи машинасозлик, ҳамда кимё саноати яхши тарақкий этган. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари - дон етиштириш, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланиб бормоқда. Шарқий Қозогистон - мамлакатнинг ва МДҲ давлатларининг энг йирик рангли металлургия ва Гидроэлектроэнергия ишлаб чиқариш маркази ҳисобланади. Шунингдек минтақа иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ҳам катта аҳамиятга эгадир. Дон етиштириш, гўшт чорвачилиги, қўйчилик асосида енгил ва озиқ-овқат саноати яхши ривожланган.

Ғарбий Қозогистон - мамлакатнинг ягона нефт қазиб олиш саноати ривожланган минтақадир. Шу билан бирга бу ерда никель ва хром қазиб чиқариш, нефт саноати машинасозлиги, ҳамда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Минтақада балиқ овлаш ва уларни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса чорвачилик ва дончилик яхши ривожлангандир.

Бу барча бешта иқтисодий районлар Қозогистон республикаси ягона халқ хўжалиги комплексини ташкил этади ва географик меҳнат тақсимотида катта ўрининга эгадир.

## ФАРБИЙ ҚОЗОГИСТОН

Фарбий Қозогистон - түртта вилоятни ўз ичига олади: Булар Фарбий Қозогистон, Актюбинск, Атирау ва Манғишлоқ. Бу иқтисодий район мамлакатнинг энг катта худудини эгаллайди, аҳолиси сони бўйича эса учинчи ўринда туради. Республика худудининг 27 фоизи, аҳолисининг эса 13,2 фоизини ташкил этади. Аҳоли зичлиги энг паст бўлиб, 1 км<sup>2</sup> га 3,2 киши тўғри келади. Бу кўрсаткич республика умумий кўрсаткичидан деярли икки марта паст. Минтақа худуди асосан текислик ва паст текисликлардан иборат. МДҲнинг энг паст нуқтаси Қорагиё (Ботир) ботиги ҳам шу ерда бўлиб, дengиз сатҳидан -132м пастда жойлашган. Минтақа худуди шарқга томон аста-секин кўтарилиб боради. Бу ерда Урал тоғларининг Жанубий қисми бўлган Муғожар тоғлари жойлашган. Бу тоғ қадимги, емирилган ва паст тоғ бўлиб, энг баланд нуқтаси Боқтибой - унинг баландлиги 656 метрни ташкил этади. Манғишлоқ ярим оролида Октоғ тоғи жойлашган, унинг баландлиги 700 метрдан ошмайди.

Фарбий Қозогистон фойдали қазилмаларга жуда бой. Асосий бойлиги нефт бўлиб, у кўплаб МДҲ давлатларига экспорт қилинади. Манғишлоқ ярим оролида нефтдан ташқари маргANEц, кўмир, темир рудаси, фосфорит, оҳактош каби фойдали қазилмалар топилган. Муғожар тоғларида эса темир рудаси конлари топилган. Шунингдек Актюбинск вилоятида фосфорит, хромит, никель, кобальт рудалари, мармар, шиша куми, оҳактош ва бошқа қимматбаҳо минераллар топилган. Хром, никель, кобальт рудалари захирасининг кўплиги жиҳатидан Қозогистон республикаси МДҲ давлатлари орасида олдинги ўринларда туради.

Юқорида таъкидлаганимиздек минтақа худудида аҳоли зичлиги анча паст. Энг юқори кўрсаткич унинг шимолий қисмида бўлиб, 1 км<sup>2</sup>га 10 киши атрофида тўғри келади. Ҳозирги кунда жами аҳолисининг 58 фоизи шаҳарларда истиқомат қиласди. Шаҳар аҳолиси асосан вилоят марказларида (Актюбинск, Атирау, Манғишлоқ) кўпчиликни ташкил этади. Бу вилоятлардан фарқли ўлароқ Фарбий Қозогистон вилоятида қишлоқ аҳолиси кўпроқдир.

Минтақада 14 та шаҳар бўлиб, шундан ярми Актюбинск вилоятига тўғри келади. Йирик шаҳарлари Актюбинск, Уральск,

Оқтөв, Атираулар бўлиб буларда 150-300 минг киши истиқомат қилишади. Бундан ташқари Оқсой, Янги Узенъ, Хромтов, Челкар каби шаҳарлари ҳам бор.

Ғарбий Қозогистон МДҲ давлатларидағи келажаги порлок нефт-газ минтақаси ҳисобланади. Дастрлаб бу ерда Жетибай, Узенъ конлари, кейинроқ Танга, Тасбулат, Карамандибас конлари очилган эди. Ҳозирги кунга келиб янги конлар: Шимолий Бўзаган, Каламкас, Каражанбас ва бошқалар топилди. Минтақада Макат-Бейнев, Шевченко-Узенъ темир йўли тортилган. Охирги станцияси асосида Янги Узенъ шахри ташкил этилди.

Манғишлоқда қазиб олинадиган нефт Узенъ-Атирау-Самара қувур транспорти орқали Волга бўйига, Узенъ-Актау нефтқувурлари орқали Октау портига келтирилиб МДҲ давлатларига жўнатилади.

Минтақа худудида Манғишлоқ ХИЧМ ривожланмоқда. Бу ХИЧМси нефтни қайта ишлаш, газ ва калий саноати ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Унинг географик ўрни жуда қулай бўлиб, ҳудудидан Волгабўйи, Шимолий Кавказ, Урал, Кавказ орти ва Ўрта Осиё республикаларини туаштирувчи темир йўллари ўтган. Ғарбий Қозогистонда республиканинг асосий газ конлари жойлашган. Лекин газ қазиб чиқариш ҳозирда кўп эмас. Қазиб олинган газ Қозогистон (Янги Узенъ) газ қайта ишлаш заводида тозаланиб истеъмолга жўнатилади. Бир қисми эса Ўрта Осиё – Марказ-газ қувури орқали Россияга юборилади.

Атирау вилоятида нефт-газ комплексидан ташқари металлургия-кимё саноат комплекси ҳам шаклланган. Минтақанинг кимё саноати нефт газ саноатидан ташқари хилма-хил кимё хом ашёси қазиб олиш саноати билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Бу минтақада Атирау полиэтилен ва Оқтөв пластмасса заводлари ишлаб турибди.

Ғарбий Қозогистонда озиқ-овқат саноати ҳам, айниқса балиқни қайта ишлаш яхши ривожланган. МДҲ давлатларида овланадиган осетр балигининг 70 фоизини ғарбий Қозогистон иқтисодий райони етказиб беради. Балиқ асосан Каспий денгизида ва Урал дарёларида овпанади. Бу ерда МДҲ давлатларидаги энг йирик консерва комбинатларидан бири - Атирау балиқ консерва комбинати жойлашган. Шунингдек минтақада ун ва ун

маҳсулотлари, гўшт, сут ишлаб чиқариш ҳам яхши тараққий этган.

Фарбий Қозогистон хўжалигида қишлоқ хўжалиги ҳам етакчи ўринда туради. Айниқса чорвачилик яхши ривожланган бўлиб, чорвачиликда етакчи тармоқни кўйчилик эгаллайди. Минтақанинг жанубий чалачўл ва чўл ҳудудларида қоракўлчилик яхши ривожланган. Шимолий ҳудудларида эса йирик шохли қорамоллар боқилади. Қадимдан минтақада йилқичилик билан шуғулланиб келишади. Жанубий ғарбий ҳудудларида түячилик ривожланган бўлиб, умумий сони бўйича республикада биринчи ўринни эгаллайди.

Деҳқончилик минтақада кам ривожланган. Бу ерда республиканинг атига 10 фоиз шудгор қилинадиган ери жойлашган. Деҳқончиликда дончилик етакчи ўринда туради. Асосан буғдой, тарик, арпа экиласади. Шунингдек полиз экинлари, писта етишириш ҳам яхши йўлга кўйилган.

Фарбий Қозогистонда табиий ва иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб, бир қанча қишлоқ хўжалик зоналари ажратилади.

1. Фарбий Қозогистон ва Актюбинск вилоятларининг шимолий қисмлари деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Бу ерда интенсив деҳқончилик ривожланган бўлиб, асосан буғдой етиширилади, ёрдамчи тармоқ эса гўшт-сут чорвачилиги ва майнин юнгли кўйчилик ҳисобланади.

2. Актюбинск ва Ғарбий Қозогистоннинг марказий қисмлари чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган. Бу ерда гўшт ва жун етишириш етакчи ўринда туради. Деҳқончилик эса ёрдамчи тармоқ ҳисобланади.

3. Ғарбий Қозогистон ва Актюбинск вилоятининг жанубий қисмлари, Атирау ва Мангішлоқ вилоятлари барча ҳудудлари чорвачилик зоналари ҳисобланади: Минтақа гўшт ва с юнг учун кўйчилик, қоракўлчилик, йилқичилик ва түячиликка ихтинослашган.

Минтақа транспортида етакчи ўринни темирйўл транспорти эгаллайди. Автомобил транспорти ва сув йўллари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Республиkaning бошқа ҳудудларига нисбатан қувур транспорти олдинги ўринларда туради. Шунингдек денгиз транспорти ҳам яхши ривожланган.

Ғарбий Қозогистондан кўплаб саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қўшни районларга ташилади. Асосий олиб

чиқиладиган маҳсулотлар нефт ва нефт маҳсулотлари, газ, никель рудалари, хромит, турли хил машинасозлик маҳсулотлари, балик, консерва, трикотаж, тикувчилик маҳсулотлари, минерал ўғит ва бошқалардир.

## ШИМОЛИЙ ҚОЗОГИСТОН

Шимолий Қозогистон тўртта вилоятни ўз ичига олади. Булар - Кустанай, Шимолий Қозогистон, Ақмола ва Павлодор вилоятлари. Ҳудудига кўра учинчи ўринда, аҳолиси сонига кўра ҳам учинчи ўринни эгаллайди. Республика ҳудудининг 20,8 фоизини, аҳолисининг 26,6 фоизини ташкил этади. Аҳоли зичлиги бўйича Жанубий Қозогистондан кейин туради.

Минтақа ҳудуди асосан текислиқдан иборат. Шимолий қисми Фарбий Сибирь текислиги билан қўшилган бўлса, жанубий қисми Қозогистон паст топгларидан иборат (баландлиги 300-400 м).

Шимолий Қозогистон фойдали қазилмаларга жуда бой. Бу ерда йирик темир рудаси конлари, тошқумир ва кўнғир кўмир, боксит, рангли ва нодир металлар, қурилиш материаллари ва бошқа конлар топилган. Минтақада йирик боксит (Арқалиқ), олтин (Степняк, Майкален), асбест (Жетигора), ош тузи ва мирабилит (Павлодор), цемент ҳом ашёси, ойна қумлари конлари жойлашган.

Шимолий Қозогистонда 4,4 млн. киши истиқомат қиласди. Аҳоли зичлиги 1км<sup>2</sup> га 8,5 кишини ташкил этади. Аҳоли миллый таркиби жуда хилма-хил. Шимолий Қозогистон ва Кустанай вилоятларида аҳоли зичлиги яна ҳам юқори бўлиб, 10-15 кишига тўғри келади.

Аҳолининг миллый таркибida қозоқлар ва руслар кўпчиликни ташкил этади. Бундан ташқари украинлар, белоруслар, татар, удмурт, бошқирд, мордва, немец ва бошқалар ҳам яшашади. Қозоқлар барча ҳудудларда жойлашган. Лекин асосий қисми марказий ва жанубий қисмларда яшашади.

Минтақа аҳолисининг 49 фоизи шаҳарларда яшайди. Шимолий Қозогистон вилоятида қишлоқ аҳолиси 5 фоизни ташкил этади. Шимолий Қозогистонда 24 та шаҳар ва 45 та шаҳар типидаги посёлка бор. Павлодор (61 фоиз) ва Ақмола (59 фоиз) вилоятларида шаҳар аҳолиси кўлчиликни ташкил этади. Йирик

шаҳарлари вилоят марказлари ҳисобланади. Энг йирик шаҳар Павлодар бўлиб, 350 минг дан ортиқ аҳоли яшайди. Шунингдек Ақмала(280минг) Петропавловск(250) Кустонай (225), Кокчатов (137) каби йирик шаҳарлари бор. Бундан ташқари Арқалик, Рудний, Лисоковск, Экибастуз Ермак, Иртиш каби шаҳарлари ҳам бор. Шимолий Қозогистонда Майкубен кўмир бассейни (ховзаси) жойлашган бўлиб, унинг заҳираси 10 млрд. тонна атрофида деб баҳоланган. Арzon кўмир асосида Экибастуз ёқилғи энергетика комплекси ривожланган. Электроэнергия Экибастуз - Урал - Марказ, Экибостуз-Қоратов, Экибастуз-Барноул электр узатиш линиялари орқали МДҲ давлатларига юборилади.

Шимолий Қозогистонда темир рудалари қазиб чиқариш, боксит, кўмир, асбест, қурилиш материаллари каби саноат тармоқлари шаклланган. Охирги ўн йилликларда саноат тармоқлари кескин ўсди. Озиқ-овқат ва енгил саноат хажмига нисбатан оғир саноат тез ривожланди.

Қора металлургия Кустаной темир хавзасидан қазиб олиш ва бойитиш асосида ривожланган. Магнитли рудаларни Соколов-Сарбой ҳамда Кочар төғ бойитиш комбинати беради.

Машинисозлик саноати қишлоқ хўжалиги учун машина ва дастгоҳлар етказиб беради. Булар Павлодар трактор заводи, Ақмоладаги иккита қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Магнитогорск ва Атбазардаги қишлоқ хўжалик машиналари деталлари заводи ва бошқалардир.

Район иқтисодиётида озиқ-овқат саноати катта ахамиятга эгадир. Бу тармоқ жами саноат маҳсулотининг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Етакчи тармоғи гўшт саноатидир. Петропавловск, Кустанай, Кокчатов, Ақмола, Павлодор, Экибастуз каби шаҳарларда йирик гўшт комбинатлари жойлашган.

Шимолий Қозогистон - Республиқанинг йирик дон етиштиришга ихтисослашган миңтақаси ҳисобланади. Унинг ҳисобига республикадаги 60 фоиз экин майдони, 80 фоиз нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тўғри келади. Шу билан бирга шимолий Қозогистон йирик чорвачилик райони ҳамдир. Миңтақада республиқанинг 50 фоиз йирик шохли қорамоли, 60 фоиз чўчқа, 30 фоиз йилқи, 16 фоиз қўй ва эчкилари боқилади.

Чорвачилик - шимолий қисмida сут ва гўшт, жанубий қисмida гўшт-жун етиштиришга ихтисослашган. Йирик шохли қорамоллар Кустанай, Шимолий Қозогистон вилоятларида, қўй

ва эчикилар Павлодар, Ақмала, Кустанай вилоятларида, чүчка-Кустанайды, Шимолий Қозогистонда ва Ақмала вилоятларида күпчиликни ташкил этади. Деярли барча вилоятларда йилқичилик ва паррандачилик ривожланган. Айниқса Кустанай йилқиси зотлари күплаб бөкілади.

Шимолий Қозогистон Россиянинг Урал ва Ғарбий Сибирь иқтисодий районлари билан чегарадош бўлиб, унинг худудидан Транссибир, Ўртасибир, Жанубий Сибир, Трансқозоғситон транспорт йўллари кесиб ўтган. Шунингдек Иртиш дарёси - Қозогистоннинг асосий сув йўли ҳисоблади. Шу сабабли ташқи иқтисодий алоқаларида темир йўл транспорти ва сув транспортининг аҳамияти каттадир.

Кейинги йилларда бошқа замонавий транспорт турлари (автомобил ва қувур)нинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Райондан асосан темир рудаси, кўмир электроэнергия, алюминий, тракторлар, бульдозерлар, қишлоқ хўжалик машиналари, кимёвий махсулотлар, озиқ-овқат, тўқимачилик махсулотлари, нефт махсулотлари четга олиб кетилади.

Дон махсулотлари, қурилиш материаллари, туз, нефт махсулотлари ташишда Иртиш дарёсининг аҳамияти каттадир. Да-ре орқали Ғарбий Сибирдан Шарқий Қозогистонга ва аксинча Транзит юклар ҳам ташилади.

## МАРКАЗИЙ ҚОЗОГИСТОН

Марказий Қозогистон иқтисодий районига маъмурий жиҳатдан битта Қараганда вилояти киради. Майдонининг катталиги ва аҳолиси сонига кўра иқтисодий районлар орасида тўртинчи ўринда туради. (Майдони 428 минг км<sup>2</sup>, аҳолиси 1.8 млн киши). Республика худудининг 15,7 фоизини, аҳолисининг 10,8 фоизини ташкил этади. Аҳоли зичлиги 1км<sup>2</sup> га 5,8 киши тўғри келади.

Иқтисодий район Нура ва Сарису дарёлари ҳавзасида жойлашган. Рельефи текисликдан иборат бўлиб, мутлақ ба-ландлиги 400-500 м дан ошмайди. Минтақа ер ости бойликла-рига нихоятда бой. Бу ерда МДҲ нинг энг йирик кўмир, мис, вольфрам, молибден, рух, қалай, нодир металлар, темир рудаси, кимёвий хом-ашё ва қурилиш материаллари конлари топилган.

Марказий Қозғистон ҳудудида доимий оқар дарёлар кам. Асосий даёлари Нура ва Сарису бўлиб, қорларнинг эришидан тўйинади. Шу сабабли дарё баҳор ойларида тўлиб оқади. Ёзда Нура дарёсидан ташқари барча дарёлари қуриб қолади. Шу сабабли дарё сувларидан унумли фойдаланиш мақсадида сув омборлари қурилмоқда.

Кўллар кўп улар-2000 атрофида бўлиб ,Тоғли минтақаларда чучук сувли, текисликларда шўр сувли кўллар жойлашган. баъзилари шифобахшлилиги билан ахамиятлидир.

Минтақанинг Жанубий-Шарқий қисмида Балхаш кўли жойлашган бўлиб, хўжалик фраолиятида мухим ўринни эгаллайди. Шу билан бирга ер ости сувлари ҳам кўп, улардан айниқса жанубий қисмларида фойдаланиш яхши йўлга қўйилган.

Марказий Қозғистонда аҳоли зичлиги нисбатан паст. Фақатгина Ғарбий Қозғистондан олдинда туради. Аҳоли минтақа ҳудудида нотекис жойлашган. Кўпчилиги минтақанинг шимолий қисмида шахар ва шахар типидаги посёлкаларда истиқомат қилишади. Энг юқори зичлик Қарағанда ва Темиртов райони ҳудудида бўлиб, 1 км<sup>2</sup> га 120 киши атрофида тўғри келади. Аксинча Бетпақ Далада ва Балхаш бўйида эса 1км<sup>2</sup> га 2-3 кишини ташкил этади. Иқтисодий районнинг шимолий қисмида шахар ва қишлоқлар автомобил ва темир йўллар бўйида, дарё ва кўл соҳилларида жойлашган бўлиб анча йириклиги билан ажралиб туради. Жанубий қисмида овуллар жойлашган ва улар жуда кичик ва тарқоқдир.

Район аҳолиси миллий таркиби хилма-хил бўлиб 30 дан ортиқ миллатлар истиқомат қиласди. Қозоқлар ва руслар кўпчилик бўлиб, жами аҳолининг 60%ини ташкил қиласди

Иқтисодий район аҳолисининг 82 фоизи шахарларда яшашади. Бу МДҲ давлатларидаги энг урбанизациялашган минтақалардан биридир. Районда 10 та шахар ва 50 дан ортиқ ишчи посёлкалари бор. Энг йирик шахарлари Қараганда, Темиртау (212минг) Жесқазган(109), Сарань, Шахтинск, Балхаш ва бошқалар.

Марказий Қозғистон Донбасс, Кузбасс каби МДҲ давлатларининг саноати ривожланган марказлардан биридир. Саноатининг етакчи тармоғи кўмир саноати, рангли ва қора металлургия, машинасозлик ва кимё саноати. Район республикада қазиб олинадиган тошкўмирнинг ҳаммаси, чўян, пўлат,

прокат ҳамда күплаб миқторда рангли металларни етказиб беради. Марказий Қозоғистон корхоналарида төр-кон саноати учун машина ва дастгоҳларининг асосий қисми ишлаб чиқазилади. Бундан ташқари минтақада резина - техника маҳсулотлари, қурилиш материаллари, пойафзап, трикотаж ва тикувчилик материаллари ишлаб чиқазилади. Саноат корхоналаридан энг машҳурлари түлиқ циклли Қараганда металлургия комбинати, Темиртов "Қозоғистон магнити", Балхаш төр металлургия комбинати, Жезқазған металлургия комбинати ва бошқалардир.

Марказий Қозоғистоннинг катта қисми яйловлардан иборатdir. Шу сабабли бу ерда құйчилик, йилқиличик, йирик шохли қорамоллар; туячилек яхши ривожланган. Қишлоқ хұжалигига дон етиштириш ҳам яхши йүлга құйилған. Минтақаның шимолий ва жанубий қисмларида дарё водийларида дәхқончилик билан шуғулланишади. Асосий әқинлари буғдой техника әқинларидан эса писта ва зигир күп әкилади.

Марказий иқтисодий район чорвачилигига құйчилик ва қорамолчилик етакчи ўринда туради. Шаҳарлар атрофида ва сугориладиган ерларда сут-гүшт чорвачилиги, қурғоқчил минтақалрида эса гүшт чорвачилиги йүлга құйилған. Құйчилик барча ҳудудларда, қоракүлчилик эса минтақаның жанубий қисміда ривожланған.

Минтақа хұжалигига темир йүл транспорти етакчи ўринда туради. Бу ердан Транс Қозоғистон темир йўли ўтган. Автомобил ва ҳаво транспорти минтақани МДҲ давлатлари билан боғлайды. Марказий иқтисодий райондан күплаб юклар Уралга, Волга буйига, Шарқий ва Жанубий Қозоғистон ҳамда Ўрта Осиё республикаларига ташилади. Асосий ташиладиган юклар күмир, марганец, рангли ва қора металлар, дон маҳсулотлари, халқ истеъмол буюмлари ва бошқалардир.

## ШАРҚИЙ ҚОЗОҒИСТОН

Бу иқтисодий район битта - Шарқий Қозоғистон вилоятидан иборат. Республика ҳудудининг атига 10%ини ташкил этади. Аҳолисининг сонига күра ҳам Республикада сүнгги 5-чи ўринда туради (10 фоиз). Аҳоли зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 7 киши түғри келади.

Унинг ҳудуди Иртиш дарёсининг юқори ҳавзасида Хитой билан чегарарадош жойлашған. Жанубий шарқдан шимолий

ғарбга томон Иртиш дарёси оқиб ўтади. Сув йўли орқали Ғарбий Сибир ва Уралга чиқиш имкониятига эга. Шарқий Қозогистон Турксиб темир йўли орқали Ғарбий ва Шарқий Сибирь, Жанубий Қозогистон ҳамда Ўрта Осиё Республикалари билан боғланган.

Табиий шароити жуда хилма-хил. Бу ерда баланд Жанубий Олтой тоғлари, Олтой олди даштлари, Қозогистон паст тоғларининг шарқий қисми, Балхаш-Олакўл ботиги, Иртиш даштлари жойлашган. Табиий шароитининг хилма-хиллиги бўйича фақатгина Жанубий Қозогистондан кейинда туради. Табиий бойликлари бўйича эса Урал билан тенглаша олади.

Шарқий Қозогистон тоғлари табиий ресурсларга бой. Олтой тоғларида 1000 га яқин рангли металлар конлари топилган. Асосий бойлиги полиметалл рудалари яъни рух, қалай, мис, олтин, кумуш, суръма, симоб, вольфрам, молибден ва бошқа нодир металлардир.

Шарқий Қозогистонда ёнувчи фойдали қазилмалар нисбатан кам. Улардан Кендерли тошкўмир ва қўнгир кўмир кони, ҳамда Зайсан ботигидаги ёнувчи сланец конлари аҳамиятлидир.

Шу билан бирга бу ерда қурилиш учун зарур бўлган табиий тош материаллари кўплаб тарқалган. Бундан ташқари барча ҳудудларда гипс, оҳактош, цемент хом ашёлари ҳам учрайди.

Шарқий Қозогистонда, айниқса унинг тоғли ҳудудида дарёлар ва кўллар кўп. Асосий дарёси Иртиш бўлиб, унинг бошланниши республикадан ташқарида - Монголия Олтойидадир. Иртишнинг йирик ирмоқларидан Курчум, Бухтарма, Ульба кабилар серсув ва ГЭСлар қуриш учун қулайдир.

Республиканинг 50 фоиз Гидроэнергия заҳираси Шарқий Қозогистонга тўғри келади. Унинг бир қисмидан ҳозирги кунда фойдаланилмоқда. Кўплаб ГЭСлар қурилган бўлиб, улардан энг йириклари Уст Коменагорск, Бухтарма Гидроэлектр станцияларидир. Дарёларнинг кўпчилиги сугоришга сарфланади.

Шарқий Қозогистон кўллари жуда гўзалдир. Улардан Зайсан, Марқакол, Сассиқўл ва бошқалар катталиги билан ажраблиб туради. Марқакол кўли Олтойдаги энг йирик бўлиб, у денгиз сатҳидан 1485 метр баландликда жойлашган. Бу ерда Марқакол қўриқхонаси ташкил этилган.

Шарқий Қозғистон республиканинг бошқа худудлариға нисбатан үрмөн ғесусрларига бой. Мамлакатнинг 40 фоиздан ортиқ үрмөни шу ерда жойлашган.

Аҳолисининг сонига күра охирги үринде бўлсада, зичлиги бўйича учинчи үринде туради. Рудали Олтой ва шимолий гарбий төғ оралиги ботиқларида аҳоли зичлиги анча юқори. Йирик аҳоли пунктлари ҳам шу ерда жойлашган, қишлоқлар ҳам анча катта. Зайсан ботиғи, Қозғистон паст тоғларида аҳоли зичлиги нисбатан кам.

Шарқий Қозғистон аҳолисининг деярли 90 фоизини руслар ва қозоқлар ташкил этади. Шунингдек украинлар, татарлар, мордвалар, болгарлар, немислар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшашади.

Қозоқлар жами аҳолининг 30%ини ташкил этади ва улар асосан Қозғистон паст тоғларида, Торбоготойда ва Зайсан ботиғида жойлашган.

Минтақа аҳолисининг 57 фоизи шаҳарларда истиқомат қилишади. Урбанизация даражасига кўра марказий ва ғарбий Қозғистондан кейинги үринде туради.

Бу кўрсаткич республика ўртача кўрсаткичидан атига 1 фоиз га юқоридир. Районда 9 та шаҳар ва 30 га яқин шаҳар типидаги пасёлкалар мавжуд. Энг йирик шаҳарлари Семипалатинск, Уст-Каменогорск бўлиб буларда 300 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Шунингдек нисбатан йирикроқлари Лениногорск, Зиряновск, Аягуз ва бошқалардир.

Семипалатинск - республикадаги энг йирик саноат марказларидан бири бўлиб, асосий транспорт тугуни ҳамдир. Семипалатинск гўшт комбинати МДҲ давлатларидағи йирик корхоналардан бири ҳисобланади (3-үринда). Шаҳарда учта олий ўқув юрти, 10 дан ортиқ техникумлар мавжуд буларда минглаб ўғил қизлар таълим олишади.

Уст-Каменогорск - Мамлакатнинг ва МДҲ давлатларининг энг асосий рангли металлургия маркази ҳисобланади. Бу ердаги комбинатда қалай, рух, олтин, кумуш, вольфрам, молибден, кадмий каби 20 дан ортиқ минераллар олинади. Рангли металлургия иқтисодий районнинг ихтисослашган тармоги ҳисобланади. Минтақада Лениногорск, Зиряновск, Глубокое, Усть-таловка каби рангли металлургия марказлари бор.

Кимё саноати рангли металлургия билан чамбарчас бөглиkdir. Айниңса олтингүргүт кислотаси ишлаб чиқариш ривожланган. Кимё ва рангли металлургия саноати электр энергияни күп талаб этади. Шу сабабли дарёларга күплаб ГЭСлар қурилган.

Бундан ташқари Кузбасс күмири асосида ишпайдиган иссиқлик электр станциялари ҳам бунёд этилган. Булар Семипалатинск, Усть-Коменгорск, Лениногорск, Зирьяновск ва бошқалардир. Барча электрстанциялар Олтой знер госистемасига бирлаштирилган.

Энергетика ва рангли металлургия Шарқий Қозғистоннинг асосий саноат тармоқлари ҳисобланади. Булар билан бөглиқ равишда машинасозлик ва қурилиш материаллари саноати ҳам ривожланган. Усть-Каменогорскдаги "Востокмаш" корхонасида металлургия заводлари учун машина ва дастгоҳлар ишләб чиқарилади. Семипалатинсқда Кабел заводи қурилган.

Шарқий Қозғистонда саноат билан бирга қишлоқ хўжалиги ҳам катта аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалигига чоравчилик етакчи ўринидадир. Минтақа ҳудудининг 80 фоизи яйлов учун қулай. Чоравчилиқда қўйчилик яхши ривожланган ва барча ҳудудларда боқилади.

Қорамолчилик Олтой, Торбоготой этакларида сут-гўшт чорвачилигига, қолган ҳудудларда эса гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган. Европа миллатига мансуб аҳоли чўчқачилик билан шугулланишади. Шарқий Қозғистон - Республикадаги асосий буғчилик ривожланган минтақадир. Бугунинг шохларидан медицинада дори-дармон олиш учун фойдаланилади.

Олтой ва Торбоготой ёнбағирларида асаларичилик ривожланган. Бу ерда олинадиган асал МДҲдаги энг тоза ҳисобланади.

Дехқончилик чорвачиликдан кейин туради. Суғориб дехқончилик қилишга нисбатан лалмикор дехқончилик устун бўлиб, экин экиладиган ерларнинг 70 фоизига донли экинлар экилади. Айниңса буғдой етиштириш яхши ривожланган. Тоғ ёнбағирларида сули, тарик, гречка етиштирилади.

Техника экинларидан - писта етиштиришга ихтисослашган.

## ЖАНУБИЙ ҚОЗОГИСТОН

Жануғұлай Қозогистон Қызыл Үрда, Жанубий Қозогистон, Жамбул вәде Олма-Ота вилоятларини үз ичига олади.

Республика майдонининг 26 фоизини, аҳолисининг эса 6,5 фоизини, ташкил этади. Минтақа ҳудудининг катталиги бүйича Шимолдай Қозогистондан кейин иккінчи үринде туралди. Шу билан би-ғана бу минтақада аҳоли зичлиги эң жоғори бўлиб, 1 км<sup>2</sup> га 10,7 киши тўғри келади. Бу район мамлакатнинг иқтисодиёти ривожланган ҳудудларидан биридир. Унинг қулай табиий шароити ва табиий ресурслари агросаноат комплексларидан - пахтчалик, дончиллик, мева ва узум етиштириш, қанд лавлаги, тамаки, шоли етиштиришга ихтисослашишга олиб келган.

Жанубий Қозогистонда саноат ҳам яхши ривожланган. Унда тоғ кон саноати, кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат, саноат тармоқлари яхши ривожланган.

Бу районда Олма-ота саноат узели, Чимкент ва Қоратов-Жамбул ХИЧМ лари ривожланган.

Жанубий Қозогистон ҳудудида қадимдан бир қанча халқлар яшаб келишган. Минтақа аҳолисининг 45 фоизига яқини қозоқлар, 40 фоизга яқинини руслар ташкил этади. Бундан ташқари украинлар, ўзбеклар, уйғурлар, дунган, татар ва бошқалар ҳам яшашади.

Жанубий Қозогистонда қишлоқ аҳолиси кўпчиликни ташкил этади. Жами аҳолисининг 58 фоизи қишлоқларда 42 фоиз эса шаҳарларда яшайди. Сўнгги 20 йил давомида қишлоқ аҳолиси 3 фоизга ортди.

Минтақада шаҳарлар сони кўпчиликни ташкил этади. Бу ерда 25 та шаҳар, 50 та шаҳар типидаги посёлка жойлашган. Қадимги шаҳарлардан Тараз, Чимкент, Туркистан билан бир қаторда ёш саноат шаҳарлари Такали, Лангар, Кентау, Қоратов, Жанатас ва бошқалар бор.

Минтақада республиканинг йирик шаҳри Олма-ота жойлашган бўлиб, яқин вақтларгача пойтахт вазифасини бажарган. Аҳолиси 1200 минг кишини ташкил этади. Олма-ота йирик саноат ва маданият марказидир. Шаҳарда 20 га яқин олий ўкув юртлари, 100 дан ортиқ илмий-текшириш институтлари жойлашган. Чимкент - аҳолиси сони бўйича республикада учинчи үринде туралди. Минтақадаги йирик саноат марказларидан би-

ридир. Шаҳар XII асрда буюк ипак йўли бўйида вужудга келган. Шаҳарда 70 дан ортиқ саноат корхоналари мавжуд. Улардан асосийлари кимё-фармацевтика, қўргошин заводи, темирчилик - пресслаш, фосфорит, нефтни қайта ишлаш, шина ва бошқа корхоналардир. Шунингдек Қозогистондаги йирик цемент заводи ҳам шу шаҳарда жойлашган. Кўплаб йирик корхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: пахта тозалаш, ёғ экстракция, қоракўл, консерва ва бошқаларни қайта ишлашга ихтисослашган.

Тараз - Жанубий Қозогистоннинг учинчи йирик шаҳариdir. Аҳолиси 310 минг кишидан ортиқ. Қадимги шаҳарлардан бири бўлиб VI асрларда ташкил топган. Шаҳарда сариқ фосфор ишлаб чиқариш, суперфосфат заводи, чарм-пойафзал, жун, шакар заводи ва бошқалар жойлашган. Шаҳар Қоратов - Жамбул ҲИЧМнинг асоси. Бу ерда МДҲдаги энг йирик фосфорит ҳавзаси жойлашган. Тараз - республиканинг йирик озиқ-овқат ва енгил саноат марказидир.

### **Саволлар**

1. Қозогистоннинг табиий географик ўрнига таъриф беринг?
2. Қозогистоннинг энг ривожланган саноат тармоқларини айтинг?
3. Республиканинг энг йирик кўмир, нефт, газ ва рудали конларини айтинг.
4. Қозогистон хўжалигида қайси транспорт етакчи ўринни эгаллайди?
5. Республиканинг жанубида қандай ҲИЧМ шаклланган?

## **Адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий испоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 1997.
2. Аҳмедов Э.А., Саидаминова З. Ўзбекистон Республикаси. (қисқача маълумотнома). Т. 1998.
3. Асанов, Сафаров, Набиҳонов. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси. Т. 1994.
4. Акромов З., Салиев А. Иқтисодий ва ижтимоий география. (рус тилидан таржима) Т. 1990.
5. Бакиров Н., Исаев А., Осмонов А. Қирғизистон Республикаси географияси. Тошкент Университет. 1999.
6. Болтаев М.Ж. Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси. (Маъruzalap matni). Т. 2001.
7. Ердавлатов Р. Экономическая и социальная география Казахстана. Алма-Ата. 1998.
8. Нурназаров М., Абдуллаев Н., Мухаббатов Х. География Таджикистана. Учебник для VIII-IX классов. Душанбе. 1991.
9. Ораев Н. Экономическая и социальная география Туркменистана. Ашгабат. 1984.
10. Рўзиев А. Марказий Осиё давлатлари географияси. Термиз. 2000.
11. Солиев А. ва бошқалар (ўкув қўлланма) Минтақавий иқтисодиёт. Т. 2003.
12. Экономика Узбекистана и стран СНГ. (сравнительный обзор). Тошкент. Фан. 1996.

# МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>I боб. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИГА ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ТАЪРИФ .....</b>	<b>4</b>
Табиий шароити ва бойликлари .....	4
Аҳолиси .....	6
Хўжалиги .....	8
Қишлоқ хўжалиги .....	10
Транспорти .....	12
<b>II боб. ТУРКМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ .....</b>	<b>14</b>
Умумий таърифи .....	14
Табиий шароити ва табиий ресурслари .....	14
Аҳолиси .....	17
Хўжалиги .....	18
Транспорти .....	21
Туркманистоннинг ички тафовутлари .....	23
<b>III боб. ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ .....</b>	<b>30</b>
Табиий шароити ва табиий ресурслари .....	30
Аҳолиси .....	31
Хўжалиги .....	33
Қишлоқ хўжалиги .....	35
Транспорти .....	36
Иқтисодий зоналари .....	38
<b>IV боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ .....</b>	<b>44</b>
Ўзбекистоннинг табиий шароити ва бойликлари .....	45
Аҳолиси ва меҳнат ресурслари .....	49
Хўжалиги .....	51
Қишлоқ хўжалиги .....	53
Иқтисодий географик районлари .....	55
<b>V боб. ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ .....</b>	<b>71</b>
Географик ўрни, табиий шароити ва бойликлари .....	71
Аҳолиси .....	72
Хўжалиги .....	74
Ички тафовутлари .....	78

<b>VI боб. ҚОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ</b>	84
Географик ўрни, табиий шароити ва табиий бойликлари	84
Аҳолиси	86
Хўжалиги	92
Қишлоқ хўжалиги	95
Транспорти	96
Иқтисодий районлари	103
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>	114

Босишга руҳсат этилди 6.05.2003. Ҳажми 7,25 босма табоқ.  
 Бичими 60x84 1/16. Адади 200 нусха. Буюртма 361.  
 М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
 босмахонасида чоп этилди.